

**Таъсисчи:**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари:**  
С. А. Раззоқов, И. В. Солохина

**Дизайнер ва саҳифаловчи**  
Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақола-лар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили:**  
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.  
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй. Баҳоси келишилган нархда. Босишга рухсат этилди 30.12.2017.

Буюртма № ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

### АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2010 йилдан чиқа бошлаган / Йилда тўрт марта чиқади

2017 йил, 4-сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

**Ҳаракатлар стратегияси – амалда**

**Стратегия действий – в действии**

*Мухамедов Ў.Х.*

Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотлар: биринчи босқич якуналари ва истиқболдаги вазифалар.....3

**Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни такомиллаштириш**

**Судебно-правовые реформы и совершенствование законодательства**

*Отажонов А.А., Кушбаков Д.М.*

Жиноят субъекти ва унинг белгилари хусусида айрим мулоҳазалар.....12

*Ражабова М., Бердиев Ш.*

Ҳукм: жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари таҳлили, муаммолар ва ҳуқуқий ечимлар.....17

*Муродов Б. Б., Дўстмуродов У. И.*

Жиноят ишини тугатиш асосларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари.....25

*Джуманов Ш. Т.*

Чорва молларини ўғрилаш жиноятларини тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш.....31

**Жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш**

**Обеспечение общественного порядка и борьба с преступностью**

*Неъматов Ж. А.*

Детерминация транснациональной организованной преступности.....36

**Учредитель:**  
Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакторы номера:**  
С. А. Раззаков, И. В. Солохина

**Дизайн и верстка**  
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборот-номаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-издл. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print», г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Уста Ширин, 1 проезд, дом 254. Цена договорная.  
Подписано в печать 30.12.2017.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД  
Республики Узбекистан, 2017.

## **Жиноятларнинг олдини олиш муаммолари**

### **Проблемы предупреждения преступлений**

- Зиёдуллаев М. З.*  
Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолияти.....40
- Хўжақулов С. Б.*  
Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси усулларининг илмий-амалий таҳлили.....49

## **Коррупцияга қарши кураш муаммолари**

### **Проблемы борьбы с коррупцией**

- Жалолов Ш.Р.*  
Порахўрлик – коррупцион жиноятларнинг асоси.....56
- Адилходжаев Ш.*  
Роль государственного финансового контроля в противодействии коррупции.....62

## **Таълим ва тарбия масалалари**

### **Вопросы обучения и воспитания**

- Саитходжаев Х. Б.*  
Мантиқ қонунлари – ички ишлар органлари ходимлари тафаккур маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили.....67
- Фиёсов З. А., Тўраев И.Э., Ҳайдаров Ҳ. Р., Ҳасанова М.А., Ҳакимов С. А.*  
Тан жароҳатлари бўйича суд-тиббий экспертизаларни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....72

## **Ёш олимлар минбари**

### **Трибуна молодых ученых**

- Қиличев Х. М.*  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс сифатидаги мақоми ва белгилари.....76
- Саитқулов Қ.А.*  
Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун нормаларини такомиллаштириш .....84
- Зулфуқоров А. А.*  
Хатшунослик экспертизаларининг турлари ва хулосаларини асослаш.....89
- Эшбоев Ф. К.*  
Вояга етмаган шахсни гайририжтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш жиноятларини тергов қилиш.....93

Ў. Х. Мухамедов,

ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари,  
юримдик фанлар доктори, профессор

**ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ  
ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР:  
БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотлар биринчи босқичнинг яқунлари тизимли таҳлил қилинган, фаолият самардорлигини янада оширишга қаратилган истиқболдаги вазифалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч тушунчалар:** Ҳаракатлар стратегияси, ички ишлар органлари, халқ манфаатига хизмат қилиш, полиция тизими.

**Реформы в системе органов внутренних дел на основе Стратегии действий: результаты первого этапа и перспективные задачи**

**Аннотация.** В статье системно проанализированы результаты первого этапа реформ в системе органов внутренних дел на основе Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан, даны конкретные предложения и рекомендации по перспективным задачам дальнейшего повышения эффективности деятельности.

**Ключевые слова:** Стратегия действий, органы внутренних дел, служение интересам народа, система полиции.

**Reforms in the system of the organs of internal affairs on the basis of Strategy of actions: results of the first stage and perspective problems**

**Annotation.** The article analyses the results of the first stage of reforms in the system of the organs of internal affairs on the basis of Strategy of actions of further development of the Republic of Uzbekistan and specific proposals and recommendations on perspective problems of further increase of efficiency of activity are worked out.

**Key words:** Strategy of actions, organs of internal affairs, service for interests of nation, police system.

Ҳозирги кунда юртимизда **халқни рози қилишга, келажакда эмас, балки бугун** яхши яшаши, муносиб ҳаёт кечирishi ва ислоҳотлар самарасидан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган халқпарвар тизимни йўлга қўйиш бўйича кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётган ҳозирги шароитда «...биз ўз фаолиятимизни **«Буюк келажакимиз бугундан бошланади»** деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур»<sup>1</sup>.

Бу йўлда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси «...жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг «йўл харитаси»га айланди»<sup>2</sup>.

Ҳаракатлар стратегиясида **«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак»** деган принцип давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида мустақамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, «халқимиз Яратгандан аввало тинчлик-

---

---

хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз»<sup>3</sup>.

Бир йил – тарих учун бир лаҳза ҳисобланса-да, шу қисқа даврда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди. **Эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш** бўйича кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилди. Бу борада улкан тарихий ютуқларга эришилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонунининг қабул қилиниши бевосита ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши учун замин яратди. Ўтган даврда ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича иккита қонун, Президентнинг 22 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 30 та қарори ва қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг доктринал ва концептуал асоси бўлиб хизмат қилди.

Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»**ни ўз хизмат бурчи деб

биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш ишлари бошланди.

Замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланди ҳамда тақсимланди, ташкилий-штат тузилмаси мақбуллаштирилди.

Ички ишлар органлари куч ва воситаларидан оқилона фойдаланиш бўйича институционал ўзгаришлар қилинди. Жумладан, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизида – Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлатиш техникаси маркази негизида – Эксперт-криминалистика бош маркази, Молия-иқтисодиёт бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Хўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизида – Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизида – Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги – Тергов департаментига, Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати – Кадрлар бош бошқармасига, Ташкилий-инспекторлик бошқармаси – Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси – Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига, Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция – Ўз хавфсизлиги бошқармасига, Котибият – Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига, Алоқа бўлими –

---

Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига, Транспортдаги ички ишлар бошқармаси — Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тармоқ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлинмалари) эса транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларига ўзгартирилди.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти — Миллий гвардия Ҳарбий-техника институтига, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби — Ёнғин хавфсизлиги институтига, сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари эса ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига айлантирилди.

Ички ишлар органларининг фаолияти очиқ ва ошқора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилмоқда. Халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотлар бошланди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик ривожлантирилди, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва ички ишлар бўлим (бошқарма)ларидан узоқда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ички ишларнинг қўшимча равишда **175 та шаҳар бўлими (бўлинмаси)** ва **824 та таянч пункти** ташкил этилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг **мурожаатлари билан ишлаш**ни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартиби ўрнатилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиётчилик билан ёндашишга чек қўйилди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситалар ишга солинмоқда.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам **ҳисобот бериб бориши** йўлга қўйилди.

---

Бажарилган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилди. Фаолиятда қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилди.

Аввало, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини синдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олиниши таъминланмоқда.

**Вояга етмаганлар ва ёшларни** Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш ишлари самарали амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларини **тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими** тубдан қайта кўриб чиқилиб, янада такомиллаштирилди. Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмлари жорий этилди. Уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ходимлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ички ишлар органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаяпти. Бу эса тизимдаги барча бўлинмаларнинг фаолияти янада самарали бўлишини таъминламоқда.

Ички ишлар органлари фаолиятининг **моддий-техник таъминоти** янада яхшиланмоқда. Ходимлар самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг **ижтимоий ҳимояси** кучайтирилди, уй-жой ва маиший шароитлари янада яхшиланди.

Президентимиз ташаббуси билан профилактика инспекторлари ўзи хизмат қилаётган ҳудудда яшайдиган, фуқаролар йиғинлари билан бирга ишлайдиган янги тизим яратилди. Профилактика инспекторлари уй-жой, автомобиль ва замонавий техника воситалари билан таъминланмоқда.

Тизимда амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўз вақтида амалга ошириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Пировард натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар Ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, шунингдек хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўналишларида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминламоқда. Бир сўз билан айтганда, ички ишлар тизими одамларда **энг кўп эътироз уйғотаётган соҳадан халқнинг ишончи ва меҳрини қозонаётган соҳага** айланмоқда.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари фаолиятида аҳолини безовта қилаётган кўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Шунинг учун қўлга киритилган дастлабки натижалардан хотиржамликка берилмасдан, ҳали тизимни ислоҳ қилиш бўйича йўлнинг бошида турганлигимизни қайд этган ҳолда, олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишимиз зарур.

«Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»<sup>4</sup>. Шу муносабат билан, 2018 йилга юртимизда

«**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**», деб ном берилди.

Фуқароларнинг ишончи ва меҳрини қозонган, халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш учун келгусида қандай вазифаларни бажариш муҳим ва зарур?

**Биринчидан**, тизимда иш фаолиятини эски «қолип»лар асосида ташкил этишга бутунлай барҳам бериб, хизмат бурчини **халқ манфаатларига хизмат қилиш** принципига асосланиб бажаришни амалда тўлиқ таъминлаш керак.

Тартиб-интизом ва масъулиятнинг бўшаштириб юборилганлиги, фаолиятни замон талаблари асосида ташкил эта олмаслик, хизмат вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлиш каби ҳолатлар жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидаги умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль куни ўтказилган ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек:

— инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим бўлган бугунги кунда эскича фикрлаш, ишни **эски «қолип»лар асосида** ташкил қилиш, ўз бурчини элга хизмат тамойилига асосланиб эмас, балки шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бажариш каби амалиётлар давом этмоқда;

— ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда;

— **танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик** ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши, муаммоларни **кабинетда ўтириб эмас, балки халқ орасида юриб** аниқлашга ва уларнинг ечимини топишга қаратиш, яқуний натижа учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқаролар

муружаатларини қисқа муддатларда ҳал қилиш, ишда аниқ тартиб ва қатъий интизом ўрнатиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш ички ишлар органларининг устувор вазифаси ҳисобланади;

– муружаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ички ишлар идораларининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шу боис фуқаролар билан муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, **халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш** ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб ишлаш лозим<sup>5</sup>.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини бевосита ўрганиш ва уларнинг қонуний асосда ҳал қилинишида амалий ёрдам кўрсатиш ишларини тизимли равишда амалга ошириш халқларвар ички ишлар тизимини яратиш борасидаги асосий талаблардан ҳисобланади.

«Ишга янгича ёндашиш, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш, фидойилик ва жонқуярлик кўрсатиш ижро ҳокимиятининг барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилари фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур»<sup>6</sup>. «...Ўз зиммасидаги вазифаларни бажариш, зарур натижага эришишни таъминламагани учун турли бўғиндаги раҳбарларни алмаштириш, замонавий билим ва малакага эга бўлган, Ватанга садоқатли, фидойи ёшларга масъулиятли лавозимларни ишониб топширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда»<sup>7</sup>.

**Иккинчидан**, ички ишлар органлари фаолиятини **рейтинг орқали баҳолашнинг таъсирчан тизимини** жорий қилиш лозим.

«Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида **норел рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати** ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди»<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль

куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ички ишлар бўлимлари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича тавсиялар берилди<sup>9</sup>.

Жиноятчиликка қарши курашиш, хусусан жиноятларни аниқлаш ишлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган ва ҳуқуқбузарларнинг жинойий фаолиятини давом эттиришига шароит яратаётган асосий омиллардан бири жиноятчиликка доир статистик кўрсаткичларнинг ўсишини сунъий равишда тўхтатиб туриш (содир этилган жиноятларни аниқламаслик, рўйхатга олмаслик)дир. Бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, хусусан жиноятчилик кўрсаткичларига доир статистик ҳисоботларни юритишда ички ишлар органлари ташаббуси билан аниқланган жиноятларни алоҳида кўрсатиш ҳамда бундай жиноятлар аниқланишининг ортиб боришига ижобий баҳо бериш ва рағбатлантиришга қаратилган янгича иш услубини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Президент Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, «...рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозим. Қоғозда юзлаб масалаларни ҳал қилгандан кўра, амалда бир нечта муаммони ҳал қилиб берсангиз, одамлар сизлардан рози бўлади.

Энг муҳими, ҳаётдаги ўзгаришларни халқимиз билиши, давлат ҳокимияти тизимида ҳақиқатда ҳам ўз вакили борлигини сезиши керак. Бўлмаса, барча ишларимиз, тадбирларимиз зое кетади»<sup>10</sup>.

**Учинчидан**, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини амалга оширишда аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва **фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш муҳим**.

«Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак. Бу ер одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг

аҳволдан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул — ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад **маҳаллани кечаю кундуз одамларнинг аҳволдан хабардор бўладиган масканга айлантиришдир**<sup>11</sup>.

**Тўртинчидан**, ички ишлар органлари тизимидаги **ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш даркор**.

«Давлат бошқарувини **ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш** зарур. Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш керак»<sup>12</sup>.

«Давлат хизматларини **бевосита қўйи бўгинларда** кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур. Бу борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шакллари жорий этиш лозим»<sup>13</sup>.

Президент Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, «бугунги кунда энг катта масала, бу — ички ишлар тизимининг қўйи бўгинини мустаҳкамлашдан иборат»<sup>14</sup>.

«Ҳозирги кунда ички ишлар органлари идораларининг **ўта марказлашган ҳолда жойлашуви** уларнинг ўз вазифаларини самарали ҳал қилишига имкон бермаяпти.

Бу, бир томондан, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги пасайишига олиб келаётган бўлса, бошқа томондан, аҳолига ўз муаммосини ҳал қилишда ноқулайлик туғдирмоқда.

Биз ички ишлар органлари ходимларини халққа янада яқинроқ қилиш мақсадида **ходимларнинг асосий қисми бевосита жойларда**, керак бўлса, ҳар бир сектор ҳудудида хизмат олиб боришини таъминлашимиз керак»<sup>15</sup>.

Бугунги кунда бундай тизимни синовдан ўтказиш ишлари бошланган. Жумладан, Самарқанд шаҳри ва Ургут тумани ички ишлар органлари тузилмаси ҳамда куч ва воситаларининг тақсимланиши тубдан қайта кўриб чиқилиб, мавжуд хизматларнинг фаолиятини жойларда мақсадли ташкил этиш ҳамда самарали мувофиқлаштириш ишлари тажриба тариқасида амалга оширилмоқда.

**Бешинчидан**, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш борасида **жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти** самарадорлигини ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўп ҳолларда маҳаллаларда фаолият юритаётган посбонларнинг салоҳияти, билим ва малакаси талабга жавоб бермаслиги, бундай вазифага фидойи ёшлар сафарбар этилмаётгани, рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилмагани сабабли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда посбонлар иштироки сезилмаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, иш самарадорлигини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди<sup>16</sup>.

Фикримизча, фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

— фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси негизда ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ҳузурида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи «Посбон» ташкилотини ташкил этиш;

— бириктирилган ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳолати бўйича посбонларнинг масъулиятини кучайтириш;

— жойларда посбонлар кундузи ва тунги вақтда «велосипедда патруллик қилиши»ни йўлга қўйиш;

— посбонларга имтиёзли кредит асосида замонавий велосипедлар бериш тартибини жорий этиш.

АҚШ, Исроил каби ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда, қўни-қўшнилар мулкларининг дахл-



---

сизлигини таъминлаш, оилавий-маиший муаммоларга барҳам бериш ва ўзи яшаётган жойда хавфсиз ҳудуд барпо этилишида ҳисса қўшиш борасида ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш ва зарур хабарларни бериш билан шуғулланувчи «Огоҳ қўшни» жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада 100га яқин бундай жамоатчилик тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилади.

**Олтинчидан**, жиноятчиликка, айниқса диний экстремизм, терроризм таҳдидларига қарши «жаҳолатга қарши - маърифат» шиори остида самарали курашиш лозим.

«...Ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда»<sup>17</sup>.

«Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши, асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолимоқда»<sup>18</sup>. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Маърифий ислом тўғрисидаги таълимотни кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда эса Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

---

**Еттинчидан**, терроризм, диний экстремизм, трансмилий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига қарши самарали курашиш бўйича **минтақавий ҳамкорликни кучайтириш керак**.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида асосий эътибор Марказий Осиё минтақасига қаратилмоқда. Чунки, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. «Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир»<sup>19</sup>.

Сўнгги бир йил давомида ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустақамлаш бўйича оқилона мураса асосида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли Марказий Осиё минтақасида сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича ниҳоятда муҳим ечимлар топишга эришилди.

«Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналиши — экстремистик ғояларга қарши қатъий курашишдан иборатдир. Кўпинча ҳаётга энди қадам қўяётган ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда.

Марказий Осиё аҳолиси энг ёш минтақалардан биридир. Бу ерда одамларнинг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этиб, бу дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенция ишлаб чиқиш ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Ушбу ташаббусларни Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари қўллаб-қувватлагани ёшлар ўртасида радикал қарашлар тарқалишининг олдини олиш, тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва соғлом ҳаётга қайтаришга тайёрлигимизнинг амалдаги яққол ифодаси сифатида намоён бўлади»<sup>20</sup>.

«Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда.

Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин.

Хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз»<sup>21</sup>.

**Саккизинчидан**, ички ишлар органларининг фаолиятини босқичма-босқич **полиция тизими**га ўтказиш таклиф этилади.

«Полиция» сўзи латин тилидан *politia* – «фуқаролик маъмурияти», грек тилидан *polis* – «шаҳар» деган маъноларни англатади. Бугунги кунда АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Россия, Франция ва бошқа қатор давлатларда ички ишлар органлари полиция тизимида фаолият юритиб келмоқда.

Полиция тизими қўйидаги жиҳатлари билан милиция тизимидан фарқ қилади:

– полициянинг ваколат доираси анча кенг. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва бошқа асосий вазифалар билан бир қаторда, коммуникация ва сервис хизматлари кўрсатиш, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик қилиш, жамоат тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш кабилар ҳам полициянинг муҳим вазифалари ҳисобланади. Жамоатчилик билан мустақам алоқа ўрнатилганлиги полициянинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайди;

– полиция тизими милиция тизимига қараганда замонавий кўринишга эга бўлиб, дунёда унинг марказлашган (вертикал – Италия, Испания, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия ва ҳ.к.), номарказлашган (новертикал – АҚШ, Канада, Швейцария, Австралия ва ҳ.к.) ва интеграциявий (аралаш – Австрия, Буюк Британия, Япония) тизимлари фаолият кўрсатади;

– коррупция ҳолатларини келтириб чиқаришга имкон берадиган кўпгина вазифалар (автотранспорт воситасига давлат рақами бериш, ов қуролини сақлашга рұхсат-

нома бериш каби)лар полиция тизимида ходимлар томонидан эмас, балки замонавий компьютер технологиялари ва дастурий таъминотлар орқали амалга оширилади;

– полиция тизимида хизматга қабул қилинадиган ходимларга қўйиладиган талаблар анча юқори. Номзодлар махсус текширувлардан ўтказилади ва уларнинг ички ишлар органларида хизмат ўташи бўйича қобилиятлари турли вазиятларда текшириб кўрилади. Айрим давлатларда номзодларнинг тасдиқланган сценарийлар асосида 500 тагача вазият бўйича қарорлар қабул қилиш маҳорати (турли вазиятларда ўзини тутиши, хизмат вазифалари бўйича ҳаракатларни бажариш кўникмалари) синовдан ўтказилади;

– полиция тизимида ходимларнинг ваколат доираси анча кенг. Масалан, полиция патруллик нарядлари транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий баённомалар расмийлаштириши, гумон қилинувчи шахсларнинг ҳужжатларини текшириши, шубҳали буюмларни мусодара қилиши ва бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин;

– полиция тизимида департаментлар, махсус тайёргарликдан ўтган ҳолда танланган, замонавий махсус техник воситалар ва ўқотар қуроллар билан жиҳозланган патруль фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, кўпчилик мутахассислар полиция тизими деганда замонавий стандартлар жорий этилган ички ишлар органлари тизимини тушунишади.

Бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида «милиция» тушунчаси муомаладан чиқарилган. Шу боис, амалга оширилган ислохотлар натижасида полиция тизимининг деярли барча хусусиятлари жорий этилганлигини, «полиция» халқаро миқёсда эътироф этилган тушунча эканлигини инобатга олиб, ички ишлар органларини «полиция» деб номлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қолаверса, «милиция» тушунчаси фуқаролар тасаввурида кўпроқ мажбурловчи механизм,

---

---

эътирозларга сабаб бўлувчи тизим сифатида салбий фикр уйғотади. «Полиция» тушунчаси эса замонавийлиги ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериши билан аҳоли онгида ижобий таассурот қолдиради. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ишончи ва меҳрини қозонган, халқпарвар ички ишлар тизими яратилишига салмоқли ҳисса қўшади.

«Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун

ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда **фавқулодда сафарбарликни талаб этадиган давр** бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шуни кутяпти»<sup>22</sup>.

---

<sup>1</sup> Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Шавкат Мирзиёев турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

<sup>5</sup> Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. – 2017. – 10 февр.

<sup>6</sup> Шавкат Мирзиёев: биз ўз олдимизга қўйган, эл-юртимиз кутаётган натижаларга ҳали тўла эриша олганимиз йўқ // Халқ сўзи. – 2017. – 29 нояб.

<sup>7</sup> Ўша манба.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

<sup>9</sup> Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. – 2017. – 10 февр.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

<sup>11</sup> Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир // Халқ сўзи. – 2017. – 28 февр.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

<sup>13</sup> Ўша манба.

<sup>14</sup> Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини кадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш — энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 10 нояб.

<sup>16</sup> Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустақкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.

<sup>17</sup> Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 01.07.2017).

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

<sup>19</sup> Ўша манба.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 11 нояб.

<sup>21</sup> Ўша манба.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 1 сент.

*А. А. Отажонов,*

*ИИВ Академияси бошлигининг илмий ишлар бўйича  
ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент;*

*Д. М. Кушбаков,*

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети ҳуқуқий фанлар цикли ўқитувчиси*

## ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация.** Мақолада юридик шахсларга жиноий жавобгарлик ҳамда жиноят субъектининг ёш чегарасини белгилаш масалалари таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** жиноят субъекти, юридик шахс, жиноий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик ёши.

### **Некоторые размышления о субъекте преступления и его признаках**

**Аннотация.** В статье проанализированы вопросы установления уголовной ответственности юридических лиц, а также возраста субъекта преступления.

**Ключевые слова:** субъект преступления, юридическое лицо, уголовная ответственность, возраст уголовной ответственности.

### **Some reflections regarding subject of crime and its signs**

**Annotation:** The article analyses the issues establishing of criminal liability towards legal entity and age limit of crime committer.

**Key words:** subject of crime, legal entity, criminal liability, age of criminal liability.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида жиноят қонунини либераллаштириш борасида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, жазо тизими такомиллаштирилди, жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, қатор қилмишлар – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, унча оғир бўлмаган жиноятлар эса ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди ва ҳ.к. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада ривожлантириш ҳамда замонавий шароитлар ва хориж мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда жиноят субъекти ва унинг ҳуқуқий белгиларини модификациялаш масаласини кўриб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, назарияда жиноят субъектига оид қарашлар ва амалиётда уни қўллаш билан боғлиқ масалалар ўзгарувчан хусусиятга

эгаллиги боис, уни ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласи долзарблигини йўқотмайди.

Ҳолбуки, жиноят таркибининг элементи сифатида намоён бўлувчи жиноят субъектининг мазмунини ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим ҳолларда «жиноят субъекти» ва «жиноятчи шахс» тушунчалари билан аралаш тарзда қўлланилишини кузатиш мумкин. Ваҳоланки, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят содир этган шахсни тавсифловчи белгилар икки гуруҳга ажратилади: уларнинг биринчиси жиноят субъектига оид бўлса, иккинчиси айбдор шахсга тегишли белгилардир<sup>1</sup>.

Ўз навбатида, жиноят субъектининг белгилари қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этса, айбдор шахсга оид белгилар қилмиш учун жазо тайинлашга жиддий таъсир ўтказади. Гарчи, мазкур тушунчалар айнан шахсга тегишли бўлишига қарамай, у ҳуқуқий жиҳатдан

---

---

турлича шарҳланади ҳамда мазмунан ва жиноят-ҳуқуқий белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Айни вақтда «жиноятчи шахс» тушунчаси криминологик хусусиятга эга бўлиб, жиноят содир этган шахснинг биологик ва ижтимоий-руҳий тавсифини қамраб олади. Жиноятчи шахсининг ўрганилиши жинойи хатти-ҳаракат қоидалари, оммавий ҳодиса сифатида жиноятчиликнинг қонуниятлари, уларнинг детерминациясини аниқлашга ҳамда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишига имкон беради.

Қисқача айтганда, жиноят субъекти белгиларини ўрганишнинг назарий таҳлили уларнинг юридик табиати, ҳуқуқий тушунчаси ва аҳамияти, уларнинг нафақат ижтимоий, балки биологик асосланганлиги, салбий ва юзага келадиган ижтимоий жараёнларга таъсир этиш усули орқали жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади.

Маълумки, Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар қонунда белгиланган ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жинойи жавобгарликка тортилади. Демак, бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятнинг субъекти фақат жисмоний шахс бўлиши керак бўлади. Бу эса юридик шахсларнинг жиноят субъекти бўлиши мумкинлигини инкор этади. Бундан кўриниб турибдики, жиноятнинг субъекти фақат жисмоний шахслар (инсон) бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

Юридик жиҳатдан жиноят субъекти деганда содир этилган жиноят учун жавобгар бўладиган шахснинг ёши, руҳий ҳамда ҳуқуқий ҳолатини ифодаловчи белгилар мажмуи тушунилади. Айни пайтда, «жиноят субъекти» ҳуқуқий тушунча бўлиб, жиноят содир этган шахснинг юридик хусусиятини белгилайди ва у ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан жинойи жавобгарлик келиб чиқиши учун зарур бўлган белгиларни ташкил этиши (жисмоний шахс,

унинг ёши, муомала лаёқатига эгаллиги) билан чекланади. Умуман олганда, жиноят субъекти, жиноят қонуни билан қўриқланувчи ижтимоий муносабатларга таъсир этадиган ва бунинг учун жавобгар бўла оладиган шахсдир. Унинг мазмунини ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлган ҳамда муайян ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадиган, ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси бўлган шахс ташкил қилади.

Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда назария ва амалиётда жиноят содир этганлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги борасида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жумладан, назарияда юридик шахсларга нисбатан жинойи жавобгарлик ўрнатиш масаласида икки хил қараш мавжуд. Биринчи гуруҳ олимлари, жумладан, В.Г. Павлов, А.Н. Тарбагаев ва бошқалар юридик шахсларда ҳис қилиш ва фикрлаш хусусияти йўқлиги, шунингдек уларни қонун ҳужжатларига риоя қилиш руҳида тарбиялашнинг имкони бўлмаганлиги, жамоани субъект сифатида жавобгар қилиб бўлмаслиги, корпорацияда жазони ҳис этадиган виждон, қалб ва вужуд йўқлиги, бундан ташқари, корпорация юридик фикция (ҳақиқатга тўғри келмайдиган бирор мақсад йўлида атайин ўйлаб топилган юридик ҳолат) ҳисобланиб, қонунда ўрнатилган *actus reus* ҳамда *mens rea* талабларига жавоб беролмаслиги сабабли, уларни жинойи жавобгарликка тортиб бўлмаслигини таъкидлайдилар<sup>3</sup>.

Иккинчи гуруҳ олимлари, жумладан, Ш.Бердиев, А.В.Шеслер, И.В.Ситковский, С.Б.Айсин ва бошқалар содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун юридик шахсни жинойи жавобгарликка тортишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, аксарият жиноятлар бевосита юридик шахслар иштирокида содир этилса-да, уларнинг раҳбарларигина жинойи жавобгарликка тортилиб, жиноятнинг асосий ячейкаси бўлмиш юридик шахслар жавобгарликка тортилмасдан, баъзан жинойи йўл билан топилган даромадлар, жиноят воситалари мусодара қилинмасдан

---

қолади. Бундан ташқари, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ривожланган давлатлар тажрибасида ижобий ҳол ҳисобланиб, уни қўллаш ғайриқонуний йўл тутган, шунингдек гараз мақсадда фаолият кўрсатган фирмаларга қарши курашда ҳамда кредиторлар ва инвесторнинг активларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ ҳолатларни бартараф қилишда муҳимлигини таъкидлайдилар<sup>4</sup>.

Бу борада Ш.Бердиев ҳақли равишда таъкидлаганидек, юридик шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик бевосита давлатнинг иқтисодиётига, шунингдек иқтисодий жараённинг софдил иштирокчилари манфаатларига жиддий хавф туғдиради. Жумладан, бу ҳолат инвестициявий жозибаторликка салбий таъсир кўрсатиб, капиталнинг мамлакатдан чиқиб кетишига олиб келади. Юридик шахсларнинг жинояти иқтисодиётнинг туб омилларини издан чиқаради, билвосита асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига, шу жумладан инфляциянинг ортишига, ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, капиталнинг хуфий иқтисодиёт соҳасига ўтишига сабаб бўлади. Мамлакатда асосий истеъмол маҳсулотлари нархининг кескин ортиши жаҳон нархларининг конъюктураси ва бошқа иқтисодий омиллар билангина эмас, балки кўп жиҳатдан товар ва хизматлар бозоридаги чайқовчилик битимлари ва нархлардаги найрангбозликлар, шунингдек нопок компанияларнинг монопол тил бириктиришлари билан ҳам боғлиқдир<sup>5</sup>.

Юқорида баён этилганлардан ташқари, айрим манбаларда юридик шахсларга айбли тарзда жиноят содир этганлиги учун эмас, балки жиноят содир этилишига *алоқадорлиги* учун жиноий жавобгарлик киритиш таклиф этилади<sup>6</sup>. Мазкур тушунча жисмоний шахснинг юридик шахс манфаатлари йўлида жиноят содир этиши ёки уни ёхуд оқибатларини яшириши, жумладан жиноят содир этишни осонлаштириши ёхуд жиноятни ёки жиноят содир этилиши натижасида олинган мол-мулкни яшириш мақсадида юридик шахснинг пул маблағлари ёки ҳисобварақ-

ларидан фойдаланган ҳолда жиноятни молиялаштиришида ифодаланади.

Айтиш жоизки, ўтган асрнинг 70–80-йилларида корпоратив жиноятчиликнинг хавfli кўринишлари тарқала бошлагани сабабли Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи томонидан иштирокчи давлатларга жиноятчиликка қарши кураш чораларидан бири сифатида юридик шахсларга жиноий жавобгарликни жорий этишни таклиф этувчи қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ана шундай ҳужжатлардан бири хўжалик фаолияти юритиш вақтида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахс бўлган корхоналарнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 1988 йил 20 октябрдаги R (88) 18-сонли тавсияларидир.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги кунда Нидерландия (1976 йилдан), Норвегия (1991 йилдан), Франция (1992 йилдан), Финляндия (1995 йилдан), Канада, Хитой (1997 йилдан), Словения (1999 йилдан), Дания, Исроил, Ирландия, Исландия (1998 йилдан), Австралия, Англия, Бельгия, Венгрия (2001 йилдан), Польша (2002 йилдан), АҚШ, Швейцария (2003 йилдан), Руминия (2004 йилдан) ва бошқа давлатларнинг жиноят қончилигида юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи белгиланган. Масалан, Франция Жиноят кодексининг 121.2-моддасида юридик шахс вакили ёки юридик шахс манфаатлари йўлида содир этилган айбли қилмиш учун юридик шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, жисмоний шахснинг айбли қилмиши учун юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи содир этилган ижтимоий хавfli қилмишнинг юридик шахс манфаатлари учун ёки унинг функцияларини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир этилганида келиб чиқади. Шу боис юридик шахснинг жавобгарлиги жиноий қилмишнинг юридик шахс фойдасига ва унинг раҳбари ёки вакили томонидан содир этилганлиги билан боғлиқ. Умумий қоидага кўра, юридик шахснинг жавобгар-

---

---

лиги шахсий жавобгарликни инкор қилмайди, балки шахсий жавобгарлик билан бирга қўлланилиб, уни тўлдиради.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятдан, шунингдек айбдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди. Шундай экан, жиноят қонунида юридик шахснинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш қонунчилики янада либераллаштиришга ва жиноятларга қарши курашда унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши мумкин.

Жиноят субъектининг бошқа бир зарурий элементи шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортиш ёшини аниқлаш ва белгилаш масаласида амалиётда муаммолар мавжудлиги ва назарияда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлиги боис, кўриб чиқиладиган муаммо нуқтаи назардан яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим.

Жиноят субъектини жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёшини назарда тутувчи жиноятлар рўйхати Жиноят кодексининг 17-моддасида белгиланган. Мазкур нормада назарда тутилмаган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёши 16 ёш этиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига асосан 13 (ЖК 17-м. 2-қ.), 14 (ЖК 17-м. 3-қ.) ва 18 (ЖК 17-м. 4-қ.) ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Айни вақтда жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ёши ҳам қонунда тан олинган шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланиш қобилиятини ифодаловчи ўзига хос ижтимоий мақом ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, юридик адабиётларда жамиятда шаклланаётган ижтимоий ва маданий омилларни инобатга олган ҳолда жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини белгилаш ва кўриб чиқиш масаласида ҳар хил фикрлар

билдирилган<sup>7</sup>. Масалан, Н. Г. Андрюхиннинг таъкидлашича, жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини камайтириш, ўз навбатида, жиноят субъектининг ёш контингенти ва уларга нисбатан жавобгарлик ҳамда жазо белгилашнинг ўзига хос чегарасини ажратиш орқали жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўналиши ҳисобланиб, жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун кенг имконият ва шароит яратади<sup>8</sup>. В. В. Агильдин эса: «Қонунда белгиланган чегарадан кичик ёшдагиларнинг жиноий фаол эмаслиги ҳамда уларнинг ривожланиш даражаси жавобгарликка тортиладиган шахсларникидек шаклланмаганлиги боис, жиноий жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёш чегарасини камайтириш мақсадга мувофиқ эмас»<sup>9</sup>, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг қонунларида жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини белгилашда турлича ёндашувлар қўлланилади. Масалан, Франция жиноят қонунида субъектининг энг кичик ёш чегарасини аниқ белгилашни назарда тутмайдиган суд ихтиёри қоидаси амал қилади. Чунки ҳар бир аниқ шахснинг хилма-хил ҳаётий вазиятлари ва индивидуал хусусиятларининг барчасини фақат суд текширувигина ҳисобга олиши ҳамда айбли жавобгарликка қодирлигини аниқлаши мумкин, деб ҳисобланади.

Ҳатто ёш чегаралари қонунда кўрсатилган мамлакатларда ҳам жиноят субъектининг энг кичик ёшини белгилашда (7–10 ёшдан 16–18 ёшгача бўлган) жиддий фарқлар кузатилади. Жиноят субъектининг энг кичик ёши, масалан, Канадада – 12, Туркияда – 11, Янги Зеландия ва Англияда – 10, Шотландияда – 8, Швейцарияда – 7, Ирландияда – 5 ёш этиб белгиланган. АҚШда вояга етмаганлар ишлари бўйича суд юрисдикциясига 6–12 ёшдаги, максимал даражаси эса 15–17 ёшдаги (қайси штатда эканлигига қараб) шахслар киради.

Шу билан бирга, бу масалада БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амал ошириш ҳақидаги минимал стандарт

---

қоидаларида (Пекин қоидаларининг 4-банди) шахснинг айбли жавобгарликка қодирлик ёши учун универсал мезон сифатида унинг ҳиссий ва ақлий етуклиги белгиланган.

Хорижий давлатлар жиноят қонунларининг ушбу муаммога ёндашувини таҳлил қилиш натижасида таъкидлашимиз жоизки, жумладан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ривожланиши таъсирида сўнгги ўн йил ичида ғарб мамлакатлари қонунчилиги ва амалиётида ҳимоялаш, ҳомийлик қилишдан воз кечиш кузатилмоқда. Жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёш чегарасини белгилаш жараёни жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадларига бўйсундирилган. Шу боис оғир ва ўта оғир жиноятлар, такрорий жиноятлар содир этганлик, уюшган шаклдаги жиноий фаолият учун жазо белгилаш

кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Аммо жамиятнинг барқарорлигини ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш борасидаги манфаатларини кўзлаб, шахснинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига қатъий амал қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят қонунчилигини ривожлантириш концепциясини қабул қилиш жараёнида унда энг муҳим масалалардан бири сифатида юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш чораларининг кўриб чиқилиши ҳамда жиноий жавобгарлик белгилашда шахснинг ёш ривожланишидаги хусусиятларини инобатга олувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ва қонунда белгиланган ёш чегараларини илмий асослантирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Качурин Д.В. Общие начала назначения наказания // Российский судья. — 2002. — №8. — С. 15.

<sup>2</sup> Жиноятларни квалификация қилиш / Р. Кабулов, А.А. Отажонов, Д.Ю.Пайзиев ва бошқ. — Т., 2016. — Б. 67.

<sup>3</sup> Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве. — СПб., 1999. — С. 26–29; Уголовное право. Общая часть / Отв. ред. А.Н. Тарбагаев. — М., 2016. — С. 140.

<sup>4</sup> Бердиев Ш. Юридик шахслар қилмиши: уни криминализация ва пенализация қилишнинг ҳуқуқий асослари // Ҳуқуқ ва бурч. — 2014. — №1. — Б. 40–45; Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларни маъмурий жавобгарликка тортишнинг айрим масалалари // Ҳуқуқ ва бурч. — 2016. — №1. — Б. 38; Шеслер А.В. Проблемы установления уголовной ответственности юридических лиц в российском уголовном законодательстве // Всероссийский криминологический журнал. — 2017. — Т. 11. — № 2. — С. 361–369; Ситковский И. В. Уголовная ответственность юридических лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2003. — С. 10; Айсин С. Б. Юридикское лицо как субъект преступления: введение в теорию. — Астана, 2010. — С. 155.

<sup>5</sup> Бердиев Ш. Юридик шахслар қилмиши: уни криминализация ва пенализация қилишнинг ҳуқуқий асослари // Ҳуқуқ ва бурч. — 2014. — №1. — Б. 42.

<sup>6</sup> Смирнов Г. Перспективы и условия введения в России института уголовной ответственности юридических лиц // Уголовное право. — 2011. — № 2. — С. 76–79.

<sup>7</sup> Андрюхин Н.Г. Минимальный возрастной признак субъекта преступления нуждается в уточнении // Вопросы ювенальной юстиции. — 2001. — № 2. — С. 20–22; Агильдин В.В. Возраст как признак субъекта преступления // Сибирский юридический вестник. — 2015. — № 3 (70). — С. 49–54; Щербаков А.В. Проблемы определения субъекта преступления в современном уголовном праве // Пробелы в российском законодательстве. — 2013. — № 2. — С. 100–106.

<sup>8</sup> Андрюхин Н.Г. Минимальный возрастной признак субъекта преступления нуждается в уточнении // Вопросы ювенальной юстиции. — 2001. — № 2. — С. 22.

<sup>9</sup> Агильдин В.В. Возраст как признак субъекта преступления // Сибирский юридический вестник. — 2015. — № 3 (70). — С. 51.



---

---

**М. А. Ражабова,**  
*ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси*  
*профессори, юридик фанлар доктори;*  
**Ш.Ш. Бердиев,**  
*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси*  
*Олий ўқув курслари тингловчиси*

## **ҲУҚМ: ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ, МУАММОЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМЛАР**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга доир фармонлари асосида айблов ёки оқлов ҳукмини чиқариш тартиби, унинг ижтимоий аҳамияти ва унга қўйилган талаблар, бу борада жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

**Таянч тусунчалар:** суд-ҳуқуқ тизими, ҳукм, айблов, оқлов, айбсизлик презумпцияси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ислоҳ қилиш, ҳимоя қилиш, ҳуқуқий асослар, фармон, одил судлов, шахсларнинг муурожаатлари.

### **Приговор: анализ уголовно-процессуального законодательства, проблемы и правовые решения**

**Аннотация.** В статье на основе указов Президента Республики Узбекистан по дальнейшему совершенствованию судебной-правовой системы и усилению гарантий прав и свобод граждан исследованы вопросы, направленные на обеспечение порядка вынесения обвинительного или оправдательного приговора, общественного значения приговора и предъявляемых к нему требований, а также обеспечения соответствия норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства.

**Ключевые слова:** судебная-правовая система, приговор, обвинение, оправдание, презумпция невиновности, права и свободы граждан, реформирование, защита, правовые основания, указ, правосудие, обращение граждан.

### **Verdict: The analysis of the criminal-procedural legislation, problem and legal decisions**

**Annotation.** The article investigates the issues for further improvement of legal system and strengthening protection of rights and freedoms of citizens on the basis of the decree of the President of the Republic of Uzbekistan directed to maintaining order of pronouncement of accusatory or acquittal, social significance of the verdict and make demands on him as well as provision of correspondence of the criminal and criminal-procedural legislation norms.

**Key words:** legal system, verdict, accusation, acquittal, presumption of innocence, rights and freedoms of citizens, reformation, protection, legal foundation, decree, justice, appeal of citizens.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган туб ислоҳотларнинг пировард мақсади инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда кафолатли таъминлашга эришишдир. Шу маънода 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Жиноят-процессуал кодексни янги таҳрирда ишлаб

чиқиш концепциясини тайёрлаш вазифаси белгилангани суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, етакчи ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида танқидий таҳлил этилган ва амалиётда бир қатор қарама-қаршиликлар (коллизиялар) келтириб чиқараётган нормаларни аниқ ифодалаб, ушбу қонун ҳужжатини бир

---

---

хиллик асосида тизимлаштириш талаб этилади.

Суд ва ҳуқуқ-тартибот соҳасига оид қонунларни ишлаб чиқишда улардаги нормаларни ички тузилиш жиҳатдан бир хил ифодалаш ёки қонун ҳужжатлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувофиқликни таъминлаш, юридик атама ва тушунчаларни ўз ўрнида қўллаш жуда мушкул. Масалан, Жиноят-процессуал кодекс ҳамда Жиноят кодекси нормалари ўзаро чамбарчас эканлигини эътироф этадиган бўлсак, уларни янада такомиллаштириш, қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали бойитиш жараёни қонунчилик ташаббуси субъектидан ҳуқуқий нормаларнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Айниқса, бунда лойиҳани экспертизадан ўтказиш, батафсил муҳокама қилиш, олимлар ва мутахассислар иштирокидаги баҳс-мунозарани тизимли ва доимий йўлга қўйиш муҳим саналади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноят ишини юритиш тартиби, яъни судга қадар (терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов) ва тегишинча жиноят ишлари бўйича суд инстанцияларида (биринчи, апелляция, кассация ва назорат) жиноят иши юритиш тартиби белгиланган бўлиб, бу жиноят процессининг у ёки бу босқичи деб ҳам юритилади. Аслида, «жиноят ишини юритиш тартиби» кенг тушунча. Чунки, Жиноят-процессуал кодекс умумий ва махсус қисмлардан иборат бўлиб, умумий қисмдан асосий қоидалар, жиноят процесси иштирокчилари, далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, процессуал мажбурлов, жиноят натижасида мулкка етказилган зиённи қоплаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари, реабилитация, процессуал муддат ва чиқимларга оид институтлар ўрин олган. Махсус қисм эса судга қадар ва биринчи инстанция судида жиноят ишини юритиш, шунингдек апелляция, кассация, назорат тартибида, суднинг ҳукм, ажрим ва қарорларини ижро этиш, алоҳида тоифадаги

жиноят ишларини юритиш (войга етмаганлар жиноятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ярашув, амнистия) ҳамда жиноятга оид судлов ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик каби институтларни ўз ичига олади.

Шу ўринда амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги ҳукм билан боғлиқ айрим нормалар таҳлиliga эътибор қаратсак. Ҳукм деганда, суд, ҳуқуқий маҳкама ёки судьянинг жиноят иши юзасидан чиқарган узил-кесил, қатъий қарори тушунилади. Процессуал қарор ҳисобланган ҳукм фақат Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Давлат номидан қабул қилингани сабабли унда ушбу мамлакатда яшаётган кўп миллатли халқнинг иродаси ўз ифодасини топади. Суд томонидан қонун ҳужжатлари (Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекс)га амал қилган ҳолда давлат номидан чиқарилган оқлов ёки айблов ҳукми халқ манфаатини кўзлаши билан аҳамиятга молик. Суд ҳукми билан судланувчининг айбдор деб топилиши фақат маҳкумгина эмас, балки жамиятдаги ҳар бир шахс жиноятга қўл урмаслик тўғрисида қатъий огоҳлантирилаётганидан далолат беради. Суд томонидан оқлов ҳукми чиқарилиши эса:

*биринчидан*, айбсиз шахс билан бирга, жамиятдаги ҳар бир шахснинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари одил судлов орқали ҳимоя қилинишини билдиради;

*иккинчидан*, демократик ҳуқуқий давлатда «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият» эканидан далолат беради;

*учинчидан*, халқнинг суд ҳокимиятига ишончи янада ортиб, фуқаролик жамиятида демократик принциплар, жумладан, ошқоралик, шаффофлик, тортишувлик, ҳақиқатни аниқлаш ва шахснинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби принципларнинг мустаҳкам қарор топишига хизмат қилади.

Зеро, судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши Жиноят-процессуал кодексдаги принциплардан биридир (19-м.). Аммо судда «давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига

зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар содир этилган ва бошқа айрим ҳолларда жиноят иши ёпиқ суд мажлисида муҳокама» қилинса-да, ушбу ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Суд мажлисларини сайёр ҳолда жамоатчилик иштирокида ўтказиш, айниқса суд ҳукмини жамоа олдида ўқиш амалиётини йўлга қўйишдан кўзланган мақсад ҳам айнан жамиятдаги ҳар бир инсонни гайрияхлоқий қарашлардан сақлаш, жиноятчиликка қарши мурасасизлик муҳитини яратиш, одамларга тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали жиноятларнинг олдини олишдан иборатдир.

Мустақиллик йиллари Жиноят-процессуал кодекс (ЖПК) 60 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар, жумладан, «Апелляция тартибида иш юритиш» деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Кодекснинг 455-моддаси талабига кўра, «ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт». Ушбу модданинг кейинги қисмларида ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига доир тушунчалар акс этган. Жумладан, «ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади». Қонундаги бу қоидадан судья ҳукм чиқаришда моддий қонун ҳужжатлари, яъни Жиноят кодексидаги нормалар ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари талабига қатъий риоя қилиши зарурлиги англашилади.

Шунингдек, ЖПКга мувофиқ, «ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади». Бу эса ҳукмда содир этилган жиноят билан боғлиқ ҳақиқат акс эттирилиши зарур деган маънони билдиради. Қолаверса, мазкур моддага асосан, «ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти ҳамда судланувчининг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли

деб эътироф этилади». Бу қоиданинг замирида ҳукмдаги жазонинг тури ва меъёри содир этилган жиноий қилмишга мувофиқ бўлиши, бунда жиноий жазонинг тури ёки миқдори (жарима), муддати (ахлоқ тузатиш, мажбурий жамоатчилик ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум этиш), судланувчининг шахсига эътибор қаратилиши, фақат айбсиз шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиши керак, деган талаб мужассам. Ушбу норма мазмунидан ҳукмнинг айблов ёки оқлов каби кўринишга эга эканлиги намоён бўлади.

Ҳукмнинг юридик моҳияти ҳақида сўз борар экан, унинг айбсизлик презумпцияси принципи билан боғлиқлиги ҳамда судланганлик ҳолатини келтириб чиқарувчи ҳуқуқий оқибати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Айбсизлик презумпциясига биноан, «гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади» (ЖПК 23-м.). Судланганлик ҳолати «шахснинг содир этган жиноят учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат» бўлиб, «жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади» (ЖК 77-м.).

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: судланганлик ҳолатининг ҳуқуқий оқибати қандай? Маълумки, шахс Жиноят кодексида назарда тутилган ҳолларда янги жиноят содир этгандагина судланганлик ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади (ЖК 77-м. 3-4 қ.). Жиноят кодексида қайд этилган ушбу норма талабига кўра, судланганлик суднинг жазо бериш назарда тутилган ҳукми билан бирон жиноятни содир этган шахсгагина тегишли ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолат айнан ўша шахс томонидан қасддан янги

жиноят содир этилган тақдирда (рецидив жиноят ёки хавфли жиноят ёхуд ўта хавфли рецидивист каби) ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланади. Судланган шахснинг яқин қариндошларига нисбатан «кимидир судланган» деб татбиқ этиш мутлақо нотўғри эканлиги ЖКнинг 77-моддаси мазмунидан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Қолаверса, Жиноят кодексининг умумий қисмидаги нормалар моҳияти ҳам жиноят учун жавобгарликка тортиш ва жазо белгилашда жиноят содир этган ҳар бир шахснинг ўзигагина алоҳида ёндашув асосида қўлланилишини кўрсатади. Ўз навбатида, судланиб жазога тортилган шахснинг яқин қариндошлари бундан мустасно эканини билдиради. ЖКнинг 116-моддаси талабига кўра, «гумон қилувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин».

ЖК 240-моддасининг иккинчи қисмида «гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатувини беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун... жавобгарликка тортилмайдилар», деб белгилаб қўйилган. Аҳамиятли томони шундаки, Жиноят кодексидан фарқли ўлароқ, ЖКда «рад этиш ёки бўйин товлаш» деб эмас, «бош тортиш» (46, 48, 55, 66, 118-м.), «бош тортганлик» (121 ва 441-м.) деб ифодаланган. Қонун ҳужжатларида қайд этилган нормалар мазмун жиҳатдан бир хил маъно билдиргани сабабли ЖК 240-моддасининг номини, ЖКда қайд этилгани каби, «Жиноят процесси иштирокчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши» тарзида ифодалаш, норманинг биринчи қисмидаги «рад этиш ёки бу ишдан бўйин товлаш» ҳамда иккинчи қисмидаги «рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги» жумлаларини тегишлича «бош тортганда» ва «бош тортганлиги» деб ўзгартиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноят кодексидagi мазкур модда-

нинг амалдаги матни «Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши» деб номлангани ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ЖК талабларига мос эмас. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

*Биринчидан*, гувоҳ ёки жабрланувчи ёхуд эксперт жиноят процессини юритиш қатнашчилари эмас, балки жиноят процесси иштирокчилари сирасига киради (мисол учун, жабрланувчи — ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс бўлса, гувоҳ ёки эксперт эса жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар қаторида туради).

*Иккинчидан*, айнан уларнинг зиммасига, ЖКнинг 240-моддасида қайд этилганидек, бирон-бир вазифани бажариш эмас, балки ЖКнинг 55 ва 66-моддаларида белгилаб қўйилган мажбуриятлар (кўрсатув ёки ҳулоса бериш)ни бажариш юклатилади.

*Учинчидан*, гувоҳ ёки жабрланувчи ёхуд эксперт ёинки яқин қариндошлар рад этиш ёки бўйин товлаш орқали кўрсатув беришдан бош тортадилар. Рад этиш ёки бўйин товлаш кўрсатув беришдан бош тортиш усуллари ҳисобланади. Уларнинг мақсади кўрсатув беришдан бош тортиш бўлади.

Шу боис, ЖКнинг 116-моддасидаги «гумон қилинувчига, айбланувчига» сўзлари «гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига» деб янада аниқ ифодаланиши керак. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчи судда судланувчи деб аталиши сабабли унинг яқин қариндошлари нафақат суриштирув ёки дастлабки терговда, балки судда ҳам фақат ўз судланувчига тааллуқли ҳолатлар юзасидан розилиги билан сўроқ қилиниши мумкин. Бу эса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жиноят иши юритишнинг ҳар қандай босқичида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига тааллуқли ҳолатлар юзасидан кўрсатув бериши ихтиёрий эканлигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Фикримизча, ушбу нормадаги «гумон қилувчи, айбланувчи ва судланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида» жумласида ҳам

мавҳумлик бор. Яъни бу ўриндаги «тааллуқли ҳолатларнинг» жумласи кўшимча изоҳ талаб этади. Бу суриштирув, тергов ва судда гумон қилувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар (ЖПК 82-м. 5-б.) ҳақида кўрсатув бериши мумкинлигини, яъни яқин қариндошлар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан содир этилган жиноят(лар)га оид кўрсатувларини ихтиёрий равишда баён этишини англатади.

Шу боис, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суриштирувчи, терговчи ёки судья ёхуд суд таркиби гумон қилувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қаришдошларининг розилиги билан ҳар икки ҳолат бўйича, яъни гумон қилувчи, айбланувчи ёки судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳамда улар томонидан содир этилган жиноят(лар)га тааллуқли ҳолатлар ҳақидаги кўрсатувини эшитиш баробарида, уларнинг кўрсатувларини баённомада акс эттириш чорасини кўради.

Шундан келиб чиқиб, ЖПКнинг 116-моддасини қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим: *«Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахсини тавсифловчи ва у содир этган жиноят ёки жиноятларга тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин».*

Ўз навбатида, ЖК 240-моддасининг иккинчи қисмини ҳам қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: *«Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахсини тавсифловчи ва у содир этган жиноят ёки жиноятларга тааллуқли ҳолатлар бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида кўрсатув беришдан бош тортгани учун жавобгарликка тортилмайди».*

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳукм фақат жисмоний шахс (лар)га нисбатан чиқарилади. Агар ЖПКда белгиланган тартибда шикоят берилмаган бўлса, яъни апелляция ёки кассация тартибида шикоят

ёки протест билдирилмаса, ҳукм ижро этилиши шарт бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Жиноят ишлари юзасидан суд ҳукми судланувчининг бевосита суд мажлисида иштирокини таъминлаган ҳолда суд муҳокамаси натижасида қабул қилиниб, айнан судланувчининг иштирокида ўқиб эшиттирилади.

Хўш, жиноят иши юзасидан сиртдан ҳукм чиқариш мумкинми? Судланувчининг иштирокисиз жиноят иши биринчи инстанция судида кўрилиб, айблов ёки оқлов ҳукми чиқариш мумкинми? Бу ҳақда амалдаги қонун ҳужжатларида бирон норма мавжудми?

ЖПКнинг «Суд муҳокамасида судланувчининг иштироки» деб номланган 410-моддаси учинчи қисмига мувофиқ «ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёки ушбу кодекс 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкин».

Мазкур норма мазмунидан суд муҳокамасида жиноят ишини судланувчининг иштирокисиз, яъни жиноят иши юзасидан сиртдан ҳукм чиқариш учун қуйидаги учта асос талаб қилиниши кўринади: 1) судланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганлиги, яъни судланувчи Ўзбекистондан чиқиб кетиб бошқа бир давлатда яшаётгани судга аниқ бўлиши; 2) айнан шу судланувчи судга келишдан очиқ-ойдин бўйин товлаганлиги, яъни судланувчи суд томонидан унга тегишли жиноят иши суд муҳокамасида кўрилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинганига қарамасдан (почта-телеграф орқали чақирув хати юборилгани бўлиши ёки судланувчи яшаётган хорижий давлатнинг тегишли давлат органлари билан шартнома асосида ушлаб бериш тўғрисидаги сўров натижасиз қолганда) келмаганлиги, яъни

---

суд томонидан юборилган чақирув хати судланувчига тилхат асосида топширилгани ҳақидаги жавоб хати судга келиб тушганидан сўнг судланувчи чақирув хатида белгиланган вақтда (кун, ой ва йилда) суд мажлисига етиб келмаганлиги, унинг судга келишдан бўйин товлагани; 3) судланувчининг суд муҳокамасига етиб келмагани иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаслиги, яъни жиноят иши юзасидан судланувчининг айбини исботловчи етарли далиллар тўпланган бўлиши.

Фикримизча, юқоридаги асосларнинг бир пайтда мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, биринчи икки асос бўлгани ҳолда учинчиси (судланувчининг суд муҳокамасига етиб келмагани иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаслиги) бўлмаса, жиноят иши судланувчининг иштирокисиз суд муҳокамасида кўрилишига йўл қўйилмайди. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Россия Федерацияси ЖПКнинг 247-моддасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган судланувчи жиноят ишини унинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилган ҳолларда суд томонидан жиноят иши юзасидан сиртдан ҳукм чиқарилади. Шу билан бирга, оғир ёки ўта оғир тоифадаги жиноят ишлари юзасидан судланувчи Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган бўлиб, судга келишдан бўйин товлаган бўлса ҳамда хорижий давлат ҳудудида мазкур шахс айнан шу иш юзасидан жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлсагина судланувчининг иштирокисиз, яъни сиртдан ҳукм чиқаришга йўл қўйилади. Бундан ташқари, судланувчининг иштирокисиз иш судда муҳокама қилинганда ҳимоячининг иштироки шарт. Ҳимоячи, авваламбор, судланувчи томонидан таклиф этилади. Агар судланувчи ҳимоячисини суд мажлисига юбормаган бўлса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва жиноят ишини ҳимоячи иштирокида кўради, яъни ишни кўришда иштирок этиш учун ҳимоячи

тайинланади. Кейинчалик судланувчининг иштирокисиз суд томонидан чиқарилган ҳукм ёки ажримга нисбатан судланувчи ёки унинг ҳимоячиси суднинг юқори инстанциясига илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин. Ушбу ҳолда суднинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳукми юқори суд томонидан бекор қилинади. Бунда жиноят иши юзасидан суд муҳокамаси умумий тартибда амалга оширилади, яъни биринчи инстанция судида мазмунан ҳал этилади.

Жиноят ишини судда судланувчининг иштирокисиз кўриш, яъни сиртдан ҳукм чиқариш билан боғлиқ яна бир асос ЖПКнинг 84-моддаси (айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш учун асослар, яъни реабилитация қилинмайдиган ҳолатлар) биринчи қисми 3-бандида ўз ифодасини топган. Унга кўра, айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлиб, унинг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши керак. Бундай ҳолда «ҳукм қилиш асослари мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади», деб белгиланган. Аммо мазкур асосларни амалга ошириш билан боғлиқ процессуал механизм, яъни аниқ бир тартиб ёки қоидалар ЖПКда мавжуд эмас, яъни ушбу нормада «яқин қариндошлар» деб умумий тарзда кўрсатилган. Жиноят кодексининг «ҳуқуқий атамаларнинг маъноси» деб номланган саккизинчи бўлимида «яқин қариндошлар – қариндош ва қуда томонидан бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари» эканлиги белгилаб қўйилган. Яъни «қуда томонидан қариндош бўлган шахслар» ҳам яқин қариндошлар деб белгилангани, бизнингча, бироз баҳслироқ ҳолатдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидagi ушбу масалага тааллуқли нормаларнинг моҳиятини янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

---

Мазкур кодекснинг «Қариндошлик» деб номланган 57-моддаси биринчи қисмида шундай дейилган: «Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасида тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади». Шунингдек, яқин қариндошлик қон мансублигига қараб, яъни «бола, ота-она, бобо, буви, неvara, эvara бир-бирига нисбатан тўғри шажара бўйича қариндош, ака-ука; опа-сингиллар ва уларнинг болалари ва бошқалар ён шажара бўйича қариндош ҳисобланиши белгиланган.

Демак, Оила кодексига фақат туғилишдаги яқинлик, яъни қон-қардошлик йўли билан қариндошлик белгиланган, холос. Қуда томонидан қариндош бўлган шахслар эр ёки хотиннинг ўзигагина яқин қариндошлар саналади. Хўш, эр-хотин ўзаро бир-бирларига яқин қариндош ҳисобланамизми?

Оила кодексига ушбу масалага оид нормалар таҳлили эр ва хотин бир-бирига яқин қариндош эмаслигини кўрсатади. Оилавий муносабатларда улар ўзаро тенг ҳуқуққа эга субъектлар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири маълум бир мажбуриятларни бажариши шарт. Фарзанд эса ҳам отага, ҳам онага, шунингдек, бобо-бувига неvara ёки эvara тўғри шажара бўйича, яъни пастдан юқорига – эvara, неvara, фарзанд, ота-она, бобо ва бувига биринчи даражадаги яқин қариндош ҳисобланади.

Фикримизча, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси иккинчи қисмидаги «яқин қариндошлари талаб қилса» деган жумлага ҳам аниқлик киритиш лозим. Айтилган, қонун ижодкорлари ушбу модда иккинчи қисмининг 3-банди, яъни айбланувчи ёки судланувчи вафот этган ҳолат бўйича жиноят ишини мазмунан ҳал этиш муайян хусусиятларга эгаллигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Чунки, аксарият ҳолларда вафот этган айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари ишни умумий тартибда давом эттиришни

талаб этса, уларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида суриштирув ёки тергов органига ёхуд судга талабнома билан мурожаат этадилми? улардан айримларининг талабномаси етарлими ёки улар номидан биттаси талабнома билан чиқиши кифоями? яқин қариндошлар, қонун ҳужжатларида акс этирилганидек, ўз фикрини қайси шаклда билдиради: илтимоснома шаклида ёки талабнома тарзида?, уларнинг талаби қандай шаклда берилади: ариза (оғзаки ёки ёзма) ёхуд шикоят ёки илтимоснома шаклидами? уларнинг барчаси талабнома имзолаган ҳолларда ҳар бирининг процессуал мақоми ЖПКдаги қайси нормалар асосида ҳал этилади? сингари баҳсли масалалар пайдо бўлади.

Яна бир жиҳати, ЖПКнинг 55-моддаси (жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) бешинчи қисмида жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноят тўғрисидаги ишлар бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга ошириши ҳақидаги умумий қоида белгиланган. Аммо айбланувчи ёки судланувчи вафот этганда уларнинг яқин қариндоши жиноят ишини умумий тартибда юритиш талабини билдирганда уларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай бўлиши қонун ҳужжатида акс этирилмаган.

Айни пайтда кодексда «қонуний вакил» тушунчасининг моҳияти ҳам аниқ ёритилмаган. Яъни 60-моддада «қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади» дейилган, холос. Айнан мазкур нормада вафот этган айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошларидан бирини қонуний вакил деб эътироф этишга оид қоида акс этиши зарур. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мазкур ишларни кўришда ҳимоячини иштирок этиши шартми?

Бизнинг фикримизча, шарт. Бироқ ЖПКнинг 51-моддасида бу ҳақда алоҳида

---

---

банд мавжуд эмас. Маълумки, ЖПК 333-моддасининг учинчи қисми «Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш» деб номланган. Аммо унда «ушбу кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг ...3-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини рад қилишга ...ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга *эътироз билдирса* йўл қўйилмайди» дейилган. Бироқ, 84-модданинг иккинчи қисмидаги «талаб қилса» жумласи «эътироз билдирса» деб ўзгартирилган.

Айни шу ўринда тушунмовчилик мавжуд, чунки ЖПКнинг 84-моддасида жиноят ишини тугатиш ҳақидаги талаб мужассам. Таҳлил қилинаётган ЖПКнинг 333-моддасида эса мутлақо бошқа масала, яъни жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида сўз бормоқда. Энг муҳими, ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида «айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса» деганда фақат қўзғатилган жиноят иши юзасидан айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш қарори билан айблов эълон қилинган шахсга ёки жиноят иши суд муҳокамаси босқичида бўлганида судланувчига нисбатан тугатилиши назарда тутилган. Шу боис, ЖПКнинг 333-моддасида келтириб ўтилган жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асослари мазкур кодекснинг 84-моддасига ҳавола қилинмасдан ифодаланишининг ўзи етарлидир.

Хулоса қилиб айтганда, судланувчининг иштирокисиз сиртдан ҳукм чиқариш ёки айбланувчи, судланувчи вафот этган ҳолда унинг яқин қариндошлари номидан бирининг илтимосномасига кўра мазкур

тоифадаги жиноят ишларини юретишни алоҳида тоифадаги жиноят ишларига хос хусусиятга эга эканини ҳисобга олиб, ЖПКнинг ўн учинчи бўлими янги боблар билан тўлдирилиши лозим.

Бундан ташқари, бизнингча, ЖПКнинг 84-моддасидаги «яқин қариндошлари талаб қилса» жумласини «яқин қариндошлари номидан биттаси илтимоснома билан мурожаат қилса» деб ўзгартириш ёки ЖПК 60-моддасининг биринчи қисми «ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган» сўзларидан кейин «ёки вафот этган айбланувчи ёинки судланувчининг яқин қариндошларидан бири» деган жумла билан тўлдирилиши, модданинг кейинги қисми ҳам, айнан шу масаланинг ҳуқуқий ечими билан боғлиқлиги сабабли, янги таҳрирда қабул қилиниши керак.

Қолаверса, айбланувчи ёки судланувчи вафот этганда, унинг яқин қариндошлари талаби асосида жиноят ишини юретишни давом эттириш ва судланувчининг иштирокисиз суд муҳокамасини амалга ошириш ҳамда жиноят иши юзасидан сиртдан ҳукм чиқариш масалаларига оид алоҳида-алоҳида тадқиқот ишлари амалга оширилиши қонун ҳужжатларида мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади. Бунда айрим хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асносида миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган, илмий-амалий жиҳатдан батафсил асослантилган хулоса ва таклифларнинг тайёрланиши ҳам суд-тергов амалиётида қонунийликнинг таъминланишига имкон беради.



---

---

**Б. Б. Муродов,**

*ИИВ Академияси Илмий кенгаши котиби, юридик фанлар номзоди, доцент;*

**У. И. Дўстмуродов,**

*ИИВ Академияси жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси*

## **ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада жиноят ишини тугатиш ва шахсни жавобгарликдан озод қилиш асосларининг вужудга келиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** суд-ҳуқуқ тизими, жавобгарликдан озод қилиш, жиноят ишини тугатиш, айбсизлик презумпцияси, ярашув, амнистия, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари.

### **Возникновение и этапы развития оснований прекращения уголовного дела**

**Аннотация.** В статье исследованы вопросы, связанные с возникновением оснований прекращения уголовного дела и освобождения лица от ответственности.

**Ключевые слова:** судебная-правовая система, освобождение от ответственности, прекращение уголовного дела, презумпция невиновности, примирение, амнистия, права и свободы граждан.

### **Occurrence and development stages of the grounds of removal of criminal action**

**Annotation.** The article investigates the issues connected with occurrence of the grounds of removal of criminal action and act of condonation of person.

**Key words:** legal system, act of condonation, removal of criminal action, innocence presumption, reconciliation, amnesty, rights and freedoms of citizens.

Ҳар бир ижтимоий воқелик ёки ҳодисанинг моҳиятини чуқур билиш учун аввало унинг келиб чиқиш манбаини, яъни чуқур илдизларини ўрганиш талаб этилади. Айнан мазкур мантиқ қоидаси, бизни жиноят ишини тугатиш институтининг вужудга келиши ва тарихий-ҳуқуқий ривожланишини ўрганишга ундайди. Қолаверса, жиноят ишини тугатиш асосларининг турлари, вужудга келиш омиллари, ривожланиш босқичлари ҳамда амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ушбу институтни янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш имконини беради.

Тарихдан маълумки, республикаимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими милодий VII–VIII асрига қадар одат ҳуқуқи<sup>1</sup> ҳамда зардўш-тийлик динининг асосий манбаи бўлган «Авесто» китоби асосида тартибга солинган<sup>2</sup>. Араблар босқинидан то чор Россияси босқинига қадар эса, мамлакатимиз ҳудуди-

даги феодал давлат тузилмаларида, яъни Хива ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда, диний-исломий қарашлар сингдирилган шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган<sup>3</sup>. Бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган<sup>4</sup>. Хон ушбу судга раислик қилувчи қози калонни, яъни олий судьяни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Қозилик суд ишларининг юритилишида дастлабки тергов деган тушунчалар умуман бўлмаган<sup>5</sup>.

XX асрнинг ўттизинчи йилларига қадар юртимизда жиноят-процессуал муносабатлар ЖПК ёки шунга ўхшаш махсус қонунлар билан эмас, балки шариат нормалари ёки бошқа турдаги умумий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги туфайли, жиноят ишини қўзғатиш ёки тугатиш, деган тушунчалар

---

мавжуд бўлмаган. Фақатгина ижтимоий хавфли қилмиш (жиноят)ни содир этган шахсни «жавобгарликдан озод қилиш» жумласи кенг қўлланилган. Бу эса, жиноят ишини тугатиш институтини жавобгарликдан озод қилиш асосларининг вужудга келиши ва тарихини ўрганиш йўли билан таҳлил қилиш имконини беради.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини ривожланиш босқичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур асосларни вужудга келиши ва амалда қўлланилиб бориши бу тасодифий эмас. Жиноят содир этган шахсга жазо бермай, уни кечириб йўли билан жавобгарликдан озод қилиш асослари бир неча юз, балки минг йиллар давомида шаклланиб келган, десак муболага бўлмайди. Бу жараён бевосита тарихда мавжуд бўлган ижтимоий тузумлар, давлатнинг тузилиши, унинг мафкураси, жиноятчиликка қарши олиб борилган сиёсати ва бошқа кўплаб омиллар асосида шаклланиб, ривожланиб келган. Тарихнинг қайси даврига қарамайлик, мазкур асослар: жиноят содир этган шахс ҳамда жиноятдан жабр чеккан жабрланувчининг ўзаро ярашиши; айбдор шахсларнинг айбига иқрор бўлиши; уларни тегишли мансабдор шахслар томонидан кечириб юборилиши; шунингдек ўзининг жиноий хатти-ҳаракатлари билан етказилган зарарни қоплаб бериши ҳисобига жавобгарликдан озод этилиши ва бошқа турли хил кўринишларда мавжуд бўлган.

Айниқса шахсларнинг айбини исботлаш ва уларни жавобгарлик ёки жазодан озод этишда айбига иқрорлик муҳим ўрин тутган. «Айбдорнинг ўз қилмишига иқрор бўлганлиги, ҳақиқатни аниқлашдаги энг яхши далил» эканлиги Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя»<sup>6</sup> китобида келтириб ўтилганлиги ушбу фикрларнинг яққол далолатидир.

Дарҳақиқат, араблар истилосидан кейинги даврларда жамиятда шаклланган нормалар буюк маданиятимиз ва қадимий меросимиз илдизларида чуқур из қолдиришига сабаб бўлди. Миллий ҳуқуқий тарихимизнинг ажралмас қисми деб ҳисобланган

шариатнинг муҳим жиҳатларини бугунги кунда тадқиқ этган олимлардан М.А.Ражабова таъкидлаганидек, «...минг йилдан ортиқ муддат давомида мамлакатимиз ҳудудида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси ижтимоий-сиёсий тузумнинг, ҳуқуқий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган шариат қоидаларини, унинг жиноят ва жазо билан боғлиқ қоидаларини илмий таҳлил қилиш, ижобий жиҳатларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга»<sup>7</sup>.

Маълумки, тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга нисбатан шафқат қилиш, мурувватли ва кечиримли бўлиш умуминсоний ахлоқ қоидаси ҳисобланади. Жиноят содир этган шахсни кечириб, уни жавобгарликдан озод қилиш ва шу йўл билан адашган кимсага силаи раҳм қилишда барча динларда, айниқса юртимизда кенг тарқалган ислом динида жуда кўп қўллаш лозимлиги қайд этилган. Исломи динининг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръони каримда: «Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бироз афв қилинса, яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса, у ҳолда яхшилик билан бўйсуниб ва чиройли суратда товон тўлаш лозим»<sup>8</sup>, деб таъкидланган. Исломи таълимотининг бу ғоясига 1400 йилдан буён барча мусулмон давлатларида, сўнгги йилларда эса, баъзи дунёвий давлатларда ҳам амал қилиб келинмоқда.

Юртимиз ҳудудида мусулмон қонунчилиги, шариат ҳукмрон бўлган даврларда исломи ҳуқуқи — фикҳ асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш турлари амалда бўлган. Унга мувофиқ, жиноят содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг энг асосий шартларидан бири унинг жабрланувчи билан ярашиши ва товон тўлаш орқали етказилган зарарни қоплаш бўлиб ҳисобланган.

Миллий тарихимизни ёдга оладиган бўлсак, ўша даврда кишилар ўртасида

тартибга солинадиган муносабатлар ўзининг кўпгина жиҳатлари билан шариатдаги принципларга асосланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг «Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсатил» деб айтилган сўзларида ҳам кечириш маъноси баён қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда шариат нормаларига амал қилинган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жавобгарликдан озод қилишнинг энг асосий турларидан бири бўлган томонлар ўртасида ярашув тузишга эришиш доимо ва ҳар бир даврдаги муҳим масалалардан бири бўлиб келган.

Юртимиз ҳудудлари чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг суд соҳасида бир қанча қонуний актлар қабул қилинган бўлса-да, аксарият ҳолатларда жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ёки ундан озод этиш масалалари қозилик ва бийлик судлар томонидан шариат ва одат нормалари асосида амалга оширилган<sup>9</sup>.

Фақатгина 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, айрим маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ягона қолипда — собиқ Иттифоқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ривожланган. 1922 йилда РСФСР ЖПК қабул қилингандан кейин ушбу Кодекс иттифоқдош республикалар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида ҳам амал қила бошлаган. 1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПК қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган. Шу санадан эътиборан, 1922 йилдаги РСФСР ЖПКнинг Ўзбекистонда амал қилиши тўхтатилган.

1926 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКларда жиноят ишини тугатиш асослари илк бор ўз ифодасини топган бўлсада, уларни қўллаш механизми тартибга солинмаган эди. 1929 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда эса, жиноят ишини тугатиш асослари алоҳида тизим шаклида берилиб,

уларнинг қўллашнинг процессуал тартиби белгилаб берилган. Жумладан, 1929 йилдаги ЖПКнинг 2-моддасида қуйидаги ҳолатлар жиноят ишини тугатиш асослари сифатида хизмат қилган: а) айбланувчининг вафот этганлиги; б) жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтганлиги; в) ишга жалб этилган шахснинг ҳаракатларида жиноят таркибининг йўқлиги; г) жиноят ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан содир этилганлиги; д) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукм бўлганлиги; е) амнистия акти қабул қилинганлиги<sup>10</sup>.

Эътиборли томони шундаки, салкам бир аср вақт ўтган бўлсада, 1929 йилдаги ЖПКда қайд этилган асосларнинг барчасини амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топганлиги, ижтимоий муносабатларда уларнинг қанчалик муҳим ўрин тутиб келаётганлигини кўрсатади. Айниқса, ўша давр учун «жавобгарликка тортиш муддатларини ўтганлиги» ва «шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса» асосларининг қонунчиликда ўз ифодасини топганлиги, жамиятда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, 1959 йилда қабул қилинган ЖПКда жиноят ишини тугатиш асослари илк бор алоҳида институт сифатида қайд этилиб, ўн тўртта асосдан ташкил топган.

1959 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда жиноят ишини тугатиш нормалари асосан «Жиноят ишини юритилишини истисно қилувчи ҳолатлар» деб номланган 5-моддага киритилган эди<sup>11</sup>. Улар қуйидагилар: жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; қилмишда жиноят таркиби йўқ бўлса; жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; амнистия акти асосида; шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса; қонунда белгиланган ҳолатларда жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганида; иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти

---

бўлмаса; вафот этган шахсга нисбатан; шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ишни тугатиш ҳақида ажрими (қарори) бўлса; шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида ваколатли мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 51-моддасида жиноят иши Ўзбекистон ССР ЖПКсида кўрсатилган тартибда қуйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкинлиги белгиланган: шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш йўли билан; иш материалларини ўртоқлик судига топшириш йўли билан; иш материалларини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш йўли билан; шахсни жамоат ташкилотлари ёки меҳнат жамоаларига кафиликка бериш йўли билан.

Эътиборли томони шундаки, санаб ўтилган асослар бўйича жиноят ишини тугатиш учун шахс ишга айбланувчи сифатида жалб этилиб, айбланувчи тариқасида сўроқ қилинган бўлиши талаб этилган.

Маълум бўладики, юқорида санаб ўтилган жиноят ишини тугатиш асосларининг бир қисми 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ўз ифодасини топган. Лекин, шундай бўлса-да, Ўзбекистон ССР ЖПКсида жиноят ишини тугатиш асосларининг мазмуни ва уларни қўллаш шартлари аниқ белгилаб берилмаган. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалар, батафсил илмий-назарий қарашлар тадқиқотнинг кейинги бобларида ўрни келганда таҳлил қилинади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ССР ЖПКда жиноят ишини тугатиш асоси сифатида белгиланиб, амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топмаган асослар ҳам мавжуд. Жумладан, 1959 йилда қабул қилинган ЖПКнинг 5<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ суд, прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан терговчи ва суриштирувчи шахсни жамият учун унча хавф туғдирмайдиган, содир қилган жинояти учун кўпи билан бир йилгача озодликдан маҳрум этиш ва озодликдан маҳрум қилиш

билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чоралари белгиланган, шунингдек, айбдорга нисбатан жазо қўлламадан туриб унинг ахлоқан тузалиши ва қайта тарбияланиши мумкин деган хулосага келса, жиноий жавобгарликка тортмасдан, унга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллаши мумкин бўлган.

Бизнинг фикримизча, ЎзССРнинг 1959 йилдаги ЖПКда келтирилган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш йўли билан жиноят ишини тугатиш тартиби ишни судда кўрмасдан ва айблов ҳукми чиқармасдан туриб, шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топишга имкон бериб, уни маъмурий жавобгарликка тортиш учун шароит яратгани учун ҳам айбсизлик презумпциясига зид деган хулосага келиш имконини беради.

Масаланинг иккинчи томони жиноий жавобгарликнинг маъмурий жавобгарлик билан алмаштирилиши жиноий жавобгарлик тушунчаси ва асосларига зиддир. Чунки, шахс жиноят содир этдими, бу қилмиши учун у жиноий жавобгарликка тортилиши ёки жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим. Аммо жиноий жавобгарликни бошқа жавобгарлик билан алмаштириш тўғри бўлиб ҳисобланмайди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, жиноий жавобгарлик ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти билан маъмурий ҳуқуқбузарликдан тубдан фарқ қилади. Иккинчидан жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ алоҳида-алоҳида ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 5<sup>3</sup>-моддасига мувофиқ иш материаллари ўртоқлик судига топширилиб, жиноят иши тугатилиши мумкин бўлган. Мазкур асоснинг қўллаш шартлари бошқа асослардан бир мунча фарқ қилган. Хусусан уни қўллаш учун унда баданга қасдан енгил шикаст етказган ёки бировни соғлиғига зарар етказмаган ҳолда урган, дўппослаган бўлса, жамоада бошқа бир аъзони шарманда қилиш учун ёлғон ва уйдирма хабар тарқатган бўлса, бировни ҳақорат қилган бўлса, башарти бунда айбдор ҳам, жабрланувчи ҳам бир жамоа аъзоси

---

---

бўлса; шахс содир қилган, жамият учун унчалик хавф туғдирмайдиган, жиноят аломатлари бор бўлган бошқа хатти-ҳаракатнинг хусусиятига кўра ва мазкур шахснинг кимлигига қараб, унга жазо қўлланмасдан, жамоат таъсири чорасини қўллаш йўли билан тузатиш мумкин деб топилган ҳолатларда жиноят ишини тугатиш мумкинлиги белгиланган.

Ўртоқлик судлари Жиноят кодекси жамоатчилик аралашувини назарда тутган бошқа ҳолатларда ҳам ишларни кўриб чиққан. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш содир этган айбдор шахсни жазо чоралари қўлланмасдан туриб жамоада тарбиялаш имконияти бор деб ҳисобланган ҳолларда иш ўртоқлик судларига топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида жиноят иши бўйича шахсни айбдор деб топиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми талаб этилиши, шунингдек судлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида жиноят ишлари фақат тегишли жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқирилиши белгиланганлиги сабали жиноят ишини тугатишнинг мазкур тури амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топмаган.

Ушбу Кодекснинг 5<sup>5</sup>-моддасида шахсни жамоат ташкилотларига кафиликка бериш йўли билан жиноят ишини тугатиш назарда тутилган бўлиб, унга кўра, жамоат ташкилоти ва ундаги меҳнат жамоаси дастлабки тергов органларига ёки судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, ижтимоий хавфли бўлмаган жиноят содир қилган ўз ходимини қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш учун кафиликка олишини билдирар эди.

Шу нарса диққатни тортадики, ЎзССР ЖКнинг 49-моддасига мувофиқ, айбдор шахсни жамоат кафилигига бериш ҳам жинойий жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури ҳисобланарди. Бу жиноят содир этган шахснинг жамият учун унчалик катта хавф туғдирмаган ҳолларда амалга оширилган.

Мазкур асос билан жиноят ишини тугатиш учун жамоат ташкилоти ва меҳнат

жамоасининг кафилиги зарур бўлган. Кафиликка бериш қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш мақсадида амалга оширилди. Жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоаси, агар кафиликка олинган шахс «жамоа ишончини оқлама»», «социалистик турмуш қоидаларига бўйсунмаса» ёки «жамоа таъсиридан бўйин товлаш мақсадида шу меҳнат жамоасини тарк этса» кафиликдан воз кечиши мумкин эди.

Бугунги кунда МДХ кирувчи давлатлардан фақат Украинада ушбу асос билан жиноят ишини тугатиш мумкинлиги сақланиб қолган<sup>12</sup>. Шунингдек, сўнгги йилларда юридик шахсларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги фаоллигини ошириш мақсадида, ушбу кафиликка олиш институтини қайта тиклаш зарурлиги бўйича фикрлар билдирилиб келинмоқда<sup>13</sup>. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, бугунги кунда жиноят қўчасига адашиб кириб қолган шахсларга тўғри йўлга қайтиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари кафилиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда<sup>14</sup>. Мазкур амалиётни қўллаб-қувватлаб, уни жиноят ишини тугатиш жараёнида ҳам кенг қўллаш лозим, деб ўйлаймиз. Лекин шу билан бирга, айрим ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунинчи, кафиликка бериш масаласини ҳал этишда тегишли меҳнат жамоасининг ўз аъзосига таъсир ўтказиш самараси, меҳнат жамоасининг неча кишидан иборатлиги, қанча вақт давомида фаолият кўрсатаётганлиги, давлат ёки нодавлат ташкилоти бўлиши, умуман тегишли меҳнат жамоасининг низоми ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатида мазкур ҳолат ёритилганлиги, шунингдек меҳнат жамоаси томонидан таъсир чораларини кўришда шахснинг ҳуқуқ

---

---

ва эркинликларини чеклаш ҳолатларининг юзага келиш эҳтимолининг мавжудлиги ва бошқа кўплаб омиллар ҳисобга олиниши лозим. Қолаверса, амалдаги қонун нормаларида кафиликка олиш ва ундан воз кечиш асосларининг аниқ-равшан тартибга солинмаганлиги, ушбу масалада жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормалари ўртасида коллизия ҳолатлар мавжудлиги мазкур институтни такомиллаштириш

юзасидан алоҳида тадқиқотлар олиб борилишини тақазо этади.

Шуни қайд этиш лозимки, қонуншунос томонидан амалдаги ЖПКда шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш, иш материалларини ўртоқлик судига топшириш ҳамда шахсни жамоат ташкилотлари ёки меҳнат жамоаларига кафиликка бериш йўли билан жиноят ишини тугатиш асосларидан воз кечганлиги ҳар жиҳатдан тўғридир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Исҳаков С.А.* «Ҳидоя»нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 2003. – № 2. – Б. 56.

<sup>2</sup> Қаранг: *Саидахмедов И.* Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Т., 2006. – Б. 74.

<sup>3</sup> Қаранг: *Абдумажидов Г.* Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан. 1974. – С. 5; *Раҳмонов А.* Шариатда инсон ҳуқуқлари // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 1999. – №3. – Б. 79.

<sup>4</sup> Қаранг: *Бакиров Ф.* Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Т., 1967. – Б. 30; *Ражабова М. А.* Шариатда қозини тайинлаш тартиби // *Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол*. – Т., 2009. – Б. 37–38.

<sup>5</sup> Қаранг: *Исҳаков С.А.* Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – Т., 1999. – № 3. – Б. 83; *Абдумажидов Г.* Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент, 1974. – С. 5.

<sup>6</sup> Қаранг: *Бурҳониддин Марғиноний.* Ҳидоя. Т. 2. – Т., 1893. – Б. 2.

<sup>7</sup> *Ражабова М.* Шариатда жиноят ва жазо. – Т., 1996. – Б. 6.

<sup>8</sup> Қаранг: *Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси*. – Т., 2008. – Б. 88.

<sup>9</sup> Қаранг: *Абдумажидов Г.* Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент, 1974. – С. 8.

<sup>10</sup> *Мирзажонов К.* Теория и практика амнистии и помилования: проблемы и решение: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Т., 1995. – С. 21.

<sup>11</sup> Уголовный кодекс Узбекской ССР; Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР: С изм. и доп. на 1 ноября 1983 г. – Т., 1983. – С. 165–166.

<sup>12</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13.04.2012 г.

<sup>13</sup> *Бердиев Ш.* Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2011. – Б. 51.

<sup>14</sup> Қаранг: «Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақил пойдеворидир». Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

## **ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ЎҒИРЛАШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Аннотация.** Мақолада чорва молларини ўғирлаш жиноятларини тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш хусусиятлари ва бунда тайинланадиган экспертизаларнинг турлари таҳлил этилган.

**Таянч тушунчалар:** экспертиза, махсус билим, биологик излар, зоотехника, ветеринария, идентификация, суд психиатрияси, суд психологик экспертизаси, трасология, дактилоскопия.

### **Использование специальных знаний при расследовании краж скота**

**Аннотация.** В статье проанализированы особенности использования специальных знаний при расследовании краж скота и виды назначаемых при этом экспертиз.

**Ключевые слова:** экспертиза, специальное знание, биологические следы, зоотехника, ветеринария, идентификация, судебная психиатрия, судебно-психологическая экспертиза, трасология, дактилоскопия.

### **Deployment of special knowledge in investigation of livestock theft**

**Annotation.** The article deeply analyzes the use of special knowledge and types of appointment of examinations in the investigation of livestock theft.

**Key words:** expertise, special knowledge, biological footprints, zootechnics, veterinary medicine, identification, forensic psychiatry, forensic psychological examination, trassalogy, dactyloscopy.

Жиноятни тергов қилиш жараёнида иш учун ахамиятли бўлган қатор ҳолатлар махсус билим, яъни фан-техника, санъат ёки ўз касбини қўллаб текширув ўтказиш ва шу асосда тегишли маълумотларни олиш орқали аниқланади ва бундай текширувлар махсус билимга эга шахслар томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасига мувофиқ, «иш учун ахамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади».

Суд экспертизаси — процессуал қонун асосида суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан тайинланиб, махсус билимларга эга шахс томонидан ўтказиладиган текширув бўлиб, унинг натижаси алоҳида процессуал ҳужжат (эксперт хулосаси)

шаклида расмийлаштирилади. Бу хулоса жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари юзасидан далил бўлиб, бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Жиноятни тергов қилиш жараёнида терговчи бевосита тергов ҳаракатларини ўтказишда махсус билимлардан фойдаланиш учун мутахассисни таклиф этади, унинг иштирокида ўз фаолиятини амалга оширади ёки экспертиза тайинлайди. Махсус билимнинг бундай шаклларда қўлланилиши ЖПК-нинг тегишли моддалари билан тартибга солинган.

Махсус билимга эга мутахассис саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида турли мажмуаларни текшириб, тегишли хулосалар беради. У, жумладан, ишлаб чиқилган лойиҳа шу куннинг фан-техника талабига қанчалик жавоб бериши, муҳандислик, техникавий ҳисобларнинг тўғрилигини, иш қобилиятини йўқотган ишчи ва хизматчиларнинг ногиронлик даражасини

---

---

аниқлаш ва бошқа кенг доирадаги масалаларни ҳал қилишга жалб этилади.

Суд ва тергов органи ходимларининг ўзлари экспертиза текшируви ўтказиш бўйича махсус билимга эга бўлган тақдирда ҳам экспертиза тайинлаш мажбуриятдан озод қилинмайди, чунки улар процессуал ҳолати бўйича ишни текширишда ўзига хос ваколатга эга бўлиб, экспертиза ўтказадиган мутахассисларнинг ваколатлари ҳам уларнинг процессуал ҳолатидан келиб чиқади. Бу тартиб экспертиза хулосаси ҳолисона бўлишининг кафолатларидан биридир.

Ҳозирги пайтда чорва молларини ўғирлашга доир жиноят ишлари экспертиза тайинланмасдан ёки махсус билимлардан фойдаланмасдан тергов қилинмайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ махсус билимларни қўллайдиган шахс, эксперт-мутахассис деганда тегишли мутахассислик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлган ва шу соҳада махсус таълим олган тегишли билим, кўникма ва укувга эга шахс (мутахассис) тушунилади.

Мазкур ҳолат бир неча ҳоллар билан боғлиқ. Биринчидан, ЖПК нормаларида терговчига мутахассисни дастлабки тергов жараёнига жалб қилиш мажбурияти белгиланган. Масалан, 16 ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи педагог иштирокида сўроқ қилинади (ЖПК 121-м.); жиноят иши бўйича юритиладиган тилни билмайдиган шахс учун мажбурий равишда таржимон чақирилади (ЖПК 71-м.); мурдани эксгумация қилиш, кўздан кечириш жараёнида суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис шифокор иштирок этади. Агар экспертиза тайинланган бўлса, эксгумация ўтказишда суд тиббиёти эксперти иштирок этиши шарт (ЖПК 149–150-мм.); шахсни гувоҳлантириш уни ечинтириб яланғочлаш ёки баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади (ЖПК 146-м.) ва ҳоказо.

Иккинчидан, ЖПКнинг 173-моддасида экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги билан боғлиқ ҳоллар ва уларда махсус билимлардан фойдаланиш фақат экспертиза шаклида ўтказилиши императив шаклда кўрсатилган (ўлимнинг сабаби, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлашда ва ҳ.к.).

Учинчидан, жиноятларни тергов қилиш жараёнига тобора мураккаблашиб бориш хосдир, чунки алоҳида фактлар ва ҳолатлар фақат тегишли фан соҳаси, техника ёки касбга оид махсус билимларни қўллаш орқали тўпланган тақдирдагина далил сифатида тан олинishi мумкин.

Тўртинчидан, илм-фаннинг жадал ривожланиши натижасида криминалистика воситалари исботлаш аҳамиятига эга маълумотларни йиғиш ва тадқиқ этишда энг янги (яширин бўшлиқларни электрон техника ёрдамида аниқлашдан бошлаб одамнинг майда биологик излари бўйича шахсини идентификация қилишнинг ген дактилоскопияси усуллари гача) воситалар билан қуролланмоқда. Мазкур тадқиқотлар асосида текшириляётган шахснинг жиноятга алоқадорлиги бевосита аниқланиши мумкин.

Шундай қилиб, жиноят иши бўйича дастлабки тергов жараёнида махсус билимлардан фойдаланишнинг икки шаклини кўрсатиш мумкин: мутахассисларнинг алоҳида тергов ҳаракатларида иштирок этиши ва экспертиза тайинлаш.

Албатта, булардан ташқари, терговчи ўзи юзага келган саволлар бўйича мутахассислардан тегишли маслаҳатлар олиш учун мурожаат этишга мажбур. Бу тергов қилинаётган ишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, (масалан, тизимдаги мансабдор шахсларнинг ҳисобот бериш вазифалари нимадан иборатлиги, қандай ҳисобот шакллари ни қабул қилганлиги ва ҳ.к.) мутахассис билан сўроқ қилинувчига қандай саволларни бериш ва уларнинг қандай мазмунда бўлиши гача ёки тайинланадиган экспертга қандай саволлар тақдим этилиши ва бундай экспертизани ўтказиш учун унга



пухта тайёргарлик кўриш хусусиятларини англашда ёрдам беради. Аммо буларнинг ҳаммаси махсус билимлардан фойдаланишнинг нопроцессуал шакли бўлиб, одатда бу ҳаракатлар жиноят иши материалларида ўз ифодасини топмайди, шунга асосан бевосита далиллар олиниши ва тадқиқ этилишига олиб келмайди.

Агар далилни шакллантириш учун терговчи мутахассисни жалб этса, бу ҳаракатлар тегишли тергов ҳаракатининг (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ҳ.к.) баённомасида қайд этилади ва экспертнинг хулосаси мустақил далиллар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, жиноятнинг содир этилиши ва уни яшириш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳодиса, воқеа ёки ҳолат суд экспертизаларининг объектлари сифатида хизмат қилиб, уларни тадқиқ этиш учун махсус билимларни қўллаш талаб этилади. Ушбу тушунчага кенг маънода ёндашилганда эксперт тадқиқотларининг объектларига ашёвий далиллар, ҳужжатлар, предметлар, ҳайвонлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, эксперт тадқиқотлари учун олинган намуналар, тирик шахслар киритилиши мумкин.

Чорва молларини ўғрилашга доир ишлар бўйича дастлабки терговда энг кўп тайинланадиган экспертизаларга криминалистик, суд-тиббий, ветеринар ва кимёвий экспертизалар киради. Ҳар бир турдаги экспертизани тайинлаш ва ўтказиш ўз хусусиятларига эга. Жумладан, ушбу тоифадаги ишлар бўйича, биологик, зоотехник, ветеринарияга оид, трасологик, дактилоскопик ва бошқа турдаги криминалистик экспертизалар тайинланади. Шу билан бирга, экспертиза имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаслик ҳолатлари учраб туради. Ўғрилиқ содир этилган жойни кўздан кечириш чоғида кўпинча ҳайвонларнинг оёқ (туёқ) изларидан нусха олинади, лекин улар ҳар доим ҳам экспертиза тадқиқотига юборилмайди. Бу айрим тергов ходимларининг ҳайвонлар оёқ изларини тадқиқ этишга доир

барча масалаларни билмасликлари, тажриба намуналарини олишдаги қийинчиликлар, туёқ юзасининг нисбатан тез едирилиши ва бошқалар билан боғлиқ.

Ушбу экспертизанинг асосий вазифаси воқеа жойида ёки жиноятчининг юрган йўлида оёқ изини қолдирган муайян ҳайвонни аниқлашдан иборат.

Чорва молларини ўғрилашга доир ишлар бўйича ашёвий далил сифатида кўпинча ҳайвонлар танасининг қисмлари, уларнинг тақалари, юганлари олинади ва улар бўйича ушбу қисмларнинг бутунга тааллуқлилиги аниқланади.

Бутунни унинг қисми бўйича аниқлаш мақсадида ўтказиладиган экспертизаларнинг қуйидаги турлари учрайди:

1) ҳайвонни танасининг қисмлари қулоғи, думи, териси, шохи бўйича аниқлаш;

2) ҳайвонни тақаси ва унинг михи бўйича аниқлаш;

3) эгар-жабдуқларининг қисмлари бўйича аниқлаш;

4) тери қисмларининг ўзаро тааллуқлилигини аниқлаш.

Экспертиза ўтказиш учун олиб қўйилган ашёвий далил ва текшириладиган объект экспертизага тақдим этилиши зарур. Одатда ҳайвон экспертиза ўтказиладиган муассасага олиб борилмайди, балки эксперт ҳайвон турган жойга боради. Экспертиза ўтказиш учун эксперт зарур фотоаппарат ва бошқа ускуналар, тегишли материаллар билан таъминланади.

*Зоотехника экспертизаси.* Жиноят ишларининг ушбу тоифаси бўйича зоотехник экспертиза ўтказиш ҳайвоннинг келиб чиқиши, жисмоний ҳолати ва бошқаларга оид шарт-шароитларни аниқлашда ёрдам беради. Мазкур ҳолатлар кўпинча муҳим тергов масалалари ҳайвоннинг кимга тегишли эканлиги, ўғрилиқ содир этилган вақт ва бошқа масалаларни аниқлаш учун бошланғич манба бўлади.

Зоотехника экспертизаси олдида энг кўп қўйиладиган масалалар қуйидагилардир:

- ҳайвоннинг зотини, рангини аниқлаш;
- ҳайвоннинг ёшини аниқлаш;
- ҳайвон терисидаги сунъий белгиларни аниқлаш;
- ҳайвонни белгилаш (тамғалаш) факти ва усулини аниқлаш;
- ҳайвоннинг туёқлари тақаланганлиги, тозаланганлиги фактларини аниқлаш;
- ҳайвон юнгини кесиш вақти ва усулини (қўлда ёки механик) аниқлаш.

*Ветеринария экспертизаси.* Ветеринария экспертизаси ҳайвон бирон-бир касалга, жумладан, туёқ касалликларига йўлиққан-йўлиқмаганлигини аниқлаш; гўшти ва терисига қараб сўйилиш вақти ва сабабини аниқлаш; зоти, жинси, семиз-ориқлиги; юнги, суяклари, шоҳларининг келиб чиқишини аниқлаш зарур бўлганда амалга оширилади.

Зоотехника ва ветеринария экспертизаларини ўтказиш учун фаннинг ушбу соҳасидаги мутахассисларни таклиф этиш лозим. Экспертизага материаллар сифатида ашёвий далилларнинг ўзи, сўйилган чорва моллари тўғрисидаги далолатномалар, ашёвий далилларнинг бактериологик ва кимёвий тадқиқотдан ўтказилганлиги тўғрисида тузилган далолатномалар ва бошқалар тақдим этилади.

Чорва молларини ўғрилашга доир ишлар бўйича *биологик экспертиза*. Ушбу турдаги эксперт тадқиқотининг объектини қон, юнг, гўшт, суяк, тери, экскрементлар, ахлат, пешоб каблар ташкил этади. Чорва молларини ўғирлашга доир ишлар бўйича биологик экспертиза жараёнида қуйидаги асосий саволларга жавоб топилади:

1. Қон, экскрементлар, гўшт, юнглари ҳайвонга тегишлими? Агар тегишли бўлса, қайси турига? Қон доғлари пайдо бўлганига қанча вақт бўлган?

2. Юнг қайси ҳайвонга тегишли ва у ушбу ҳайвоннинг юнгига ўхшашми? Юнг ўзи тушганми ёки юлиб олинганми? У қандай рангда? ва ҳоказо.

Амалиётда чорва моллари уларнинг эгасига тегишли эканлигини аниқлашнинг асосий усули чорва молларини ташқи белги-

лари бўйича таниб олиш учун кўрсатишдан иборат. Лекин бу усул кўп ҳолларда етарлича ишончли ва универсал бўлмайди. Таниб олишнинг ишончлилиги нафақат ташқи анатомик тур белгилари кўрсатилганлиги учун, балки ҳайвонни таниб олиш жараёнининг ўзи, белгиларини тасвирлаш тизими, атамаларнинг аниқлиги каби масалалар етарлича ишланмаганлиги сабабли ҳам пасаяди. Шунинг учун ҳайвонларни таниб олишнинг ўзи кўпинча исбот бўла олмайди.

Чорва молларининг эгаларига тегишлилигини аниқлашнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

а) чорва молларини даволашнинг индивидуал тизими;

б) ҳайвонни ташқи белгилари бўйича таниб олиш учун кўрсатиш;

в) ҳайвонни танасининг қисмлари, туёқ излари, юнги, қони, экскрементлари бўйича айнанлаштириш (идентификация қилиш);

г) ҳайвоннинг эгасига тегишлилигини аниқлаш бўйича тергов эксперименти ўтказиш.

Умуман олганда, юқорида кўрсатилган экспертизалар қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

*Идентификация*, яъни объектларни (одамлар, нарсалар ва ҳоказо) уларнинг излари ёки намуналари бўйича (айнанликни) аниқлаш. Идентификация учун иккита объект керак бўлади: идентификацияланадиган ва идентификацияловчи (охиргиси сифатида из ёки намуналар хизмат қилади).

*Диагностика*. Бу вазифалар одатда бир объектни тадқиқ этиш орқали амалга оширилади, кўпинча бу объект сифатида аниқланган излар мавжуд бўлади ва улар ҳодиса содир бўлган жойда ёки бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширганда аниқланади. Масалан, патрон асосида ўқ отиш ҳолати бўйича милтиқ стволининг хусусиятлари, гильза, ўқнинг қисмлари топилганлиги, бир стволдан икки гильза олинганлиги, агар улар ҳодиса содир бўлган жойда топилган бўлса, пойафзалдан қолдирилган изнинг хусусиятлари кабилар аниқланади. Айнан шу

---

---

турдаги тадқиқотларга, бизнингча, бир турга мансубликни аниқлаш (объект совуқ қуролми ёки ўқотар қуролми деган саволга жавоб бериш) ҳам киради. Бунда тадқиқ этилаётган объект эталон намуналар ёки ҳисоб-китоб асосида олинган маълумотлар билан солиштирилади.

*Вазиятга оид (ситуацион) вазифалар.* Бундай вазифалар кўпинча тергов қилинаётган ҳодисани у билан боғлиқ муайян ҳолатларни ҳисобга олиб, алоҳида ҳолларни яхшироқ англаш, ҳодисанинг механизмини тушунишда ёрдам беради. Бунда қуйидаги саволларга жавоб берилади: чорва молларини ўғрилашда қандай қуролдан фойдаланилган? изларни олиш ва идентификация қилиш мумкинми? тегишли ҳолатларда чорва молларининг турига қараб зоологияга оид маълумотларни олиш мумкинми? ва бошқ.

Суд экспертизалари, юқорида келтирилганлардан ташқари, махсус тоифаларга ҳам бўлинади. Мазкур бўлиниш ҳар бир тоифада махсус билимларнинг қайси тури ишлатилиши билан боғлиқ бўлади ва айнан шу турдаги махсус билимлардан келиб чиққан саволлар эксперт томонидан ҳал қилинади. Бу асос бўйича махсус билимлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

– суд-биологик экспертизалар (чорва молларига оид бошқа биологик объектларни аниқлаш);

– суд-психиатрик ва психологик экспертизалар. Улар терговни қизиқтирган шахсларнинг тегишли руҳий ёки психологик ҳолатини тадқиқ этишга йўналтирилган бўлиб, тергов қилинаётган жиноятнинг алоҳида ҳолларини махсус билимлар нуқтаи назаридан баҳолашга қаратилган бўлади;

– криминалистик экспертизалар (айнан шу экспертизаларнинг назарияси ва амалиёти криминалистика фанидаги объект ва предметнинг элементларидан бири ҳисобланади). Ўз навбатида, улар криминалистик техниканинг тегишли соҳалари бўйича бўлинади. Ҳозирги пайтда чорва молларини ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар бўйича трасологик ва дактилоскопик экспертизалар киради. Шу билан бирга, эслатиб ўтишимиз керакки, мазкур экспертизаларни ўтказишда махсус криминалистик билимлардан фойдаланилади.

Чорва молларини ўғирлашга доир кўпгина ишлар бўйича экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш хусусиятларини кўриб чиқишда махсус билимларга мурожаат қилиш тегишли экспертизалар ўтказилишини тақозо этади.

Чорва молларини ўғирлашга доир ишлар бўйича экспертизлар тайинлаш ва ўтказиш ниҳоятда мураккаб бўлиб, жуда кўп зиддиятли низом ва қоидаларга эгаллиги сабабли, терговчи бунга чуқур таҳлил қилиши ва шу асосида тўғри хулоса чиқариши зарур.

*Ж. А. Нейматов,*

*и.о. профессора Филиала ФГБОУ ВПО «Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова» в г.Ташкенте, доктор юридических наук*

## ДЕТЕРМИНАЦИЯ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ

**Аннотация.** В статье анализируются детерминанты транснациональной организованной преступности, рассматриваются мнения зарубежных ученых, в том числе автора, об основных причинах возникновения данного вида преступности, ее признаках, угрозах общественной безопасности, актуальности ее предупреждения.

**Ключевые слова:** организованная преступность, транснациональная преступность, детерминанты, угрозы безопасности.

### Трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг детерминацияси

**Аннотация.** Мақолада трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг детерминанталари таҳлил қилинган, бу турдаги жиноятларнинг асосий сабаблари, белгилари, ижтимоий хавфсизликка таҳдиди, олдини олишнинг долзарблиги хусусида чет эл олимлари, шу жумладан муаллифнинг фикр-мулоҳазалари баён этилган.

**Таянч тushunchалар:** уюшган жиноятчилик, трансмиллий жиноятчилик, детерминанталар, хавфсизликка таҳдид.

### Determination of transnational organized crime

**Annotation.** The article is devoted to the determinants of transnational organized crime, the main reasons and signs of emergence in society, the urgency of its prevention at present time based on the research of foreign scientists and authors in particular.

**Key words:** organized crime, transnational crime, determinations, security threat.

Сегодня становится всё более очевидным, что при сохранении прежних критериев прогресса, общество уже не сможет выступать в качестве универсальной категории, объединяющей человечество. Стремление к прогрессу, касающееся материального успеха, технико-экономического развития, уже не объединяет, а разъединяет человечество, порождая неравенство экономических возможностей, ухудшение снабжения продовольствием, безработицу, насилие, создавая реальную экономическую, продовольственную, экологическую, личную, политическую угрозу безопасности человечества.

Глобализация мировой экономики заключается в слиянии национальных экономик в единую общемировую систему.

Этот процесс определяется рыночными, а не государственными силами. Он генерирует трансконтинентальные и межрегиональные потоки, создаёт глобального масштаба взаимозависимость и имеет беспрецедентную мощь воздействия на человечество. И самое главное: глобализация экономики представляет собой качественно новое явление в виде целостной единой международной системы, объективно требующей и глобализации политической<sup>2</sup>. Глобализация порождает не только экономические и политические, но и криминологические проблемы. Основная из них — можно ли этот процесс сделать цивилизованным, чтобы он не увеличивал пропасть между богатыми и бедными странами.

---

---

По статистическим данным, в мире насчитывается 50-60 тыс. транснациональных корпораций, а из них наиболее крупных – 100-150. На их долю к началу 90-х гг. приходилась половина объёма торговли развитых стран и 80-90% экспорта топливно-сырьевых и сельскохозяйственных товаров развивающихся стран. Транснациональные корпорации всё больше увеличиваются в размерах, угрожая экономическому суверенитету ряда стран<sup>3</sup>.

Как отмечает французский журнал «Монд дипломатик», если прежде в качестве главных завоевателей выступали государства, то теперь ими стали предприятия, конгломераты, частные промышленные и финансовые группы, которые претендуют на роль вершителей судеб мира. До этого никогда их круг не был столь малочисленным и столь могущественным<sup>4</sup>.

Джордж Сорос пишет в одной из своих последних книг, что сегодняшняя система мирового капитализма является почти полностью внетерриториальной, даже экстерриториальной<sup>5</sup>. Мировое экономическое светило Джон Гелбрейт констатирует, что за фасадом свободного рынка сегодня создаются опасные монополистические объединения, олигархические группы, конгломераты и тресты, которые «убивают конкуренцию»<sup>6</sup>.

Вместе с тем самой большой опасностью в XXI веке для человечества, его демократического и экономического развития остаётся интенсивно растущая транснациональная организованная преступность, которая включает в себя и традиционно уголовные, экономические, национальные, военные, экологические, генетические и прочие угрозы. Ибо ныне всё, что причиняет вред человеку и обществу, криминализовано, т. е., объявлено преступным. И этот процесс криминализации превалирует над процессом декриминализации.

В этой связи в настоящее время одним из наиболее острых вопросов стал вопрос взаимосвязи глобализации мировой экономики и процесса транснационализации преступности, особенно её организованной части, с учётом того, что симбиоз органи-

зованных криминальных структур с транснациональными корпорациями может иметь разрушительные последствия для мирового сообщества.

Как отмечает В.Овчинский: «Эволюция организованной преступности в течение последних десятилетий может рассматриваться как процесс рациональной реорганизации в международном масштабе преступных предприятий аналогично реорганизации законных экономических операций в экономике, построенный на рыночных отношениях»<sup>7</sup>.

Анализ причин формирования транснациональной преступности и международного криминального рынка был осуществлён во время работы Всемирной конференции по транснациональной организованной преступности на уровне министров (Неаполь, Италия, 21-23 ноября 1994 г.) и IX Конгресса ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями (Каир, Египет, 29 апреля – 8 мая 1995 г.).

В справочном документе к пункту 4 повестки дня Всемирной конференции по транснациональной организованной преступности на уровне министров были приведены следующие факторы развития мировой политики и экономики, обусловившие возникновение транснациональной преступности:

– увеличение взаимозависимости государств;

– формирование мирового рынка, для которого характерны тесные экономические связи, взаимные инвестиции;

– формирование международных финансовых сетей, систем международных расчётов, позволяющие моментально осуществлять сложные финансовые операции, с задействованием банковских учреждений нескольких государств;

– развитие мировых систем коммуникаций;

– развитие международной торговли, чему способствовало введение системы свободной торговли в послевоенный период;

– развитие технологий контейнерных перевозок;

---

– увеличение масштабов миграции, образование многонациональных мегаполисов;

– «прозрачные» границы между государствами, входящими в Европейский союз и Содружество независимых государств.

Сюда следует также добавить некоторые социально-экономические тенденции мирового развития, приведённые М. Дельмас Марти:

– «общая тенденция к неравномерному распределению ресурсов, доходов и богатства. Неравенство растёт как внутри отдельных стран, так и между странами, образуя, таким образом, узлы социальной напряжённости;

– образование международных центров концентрации новейших технологий, что приводит к различиям в способности отдельных стран преодолевать кризисы;

– значительная концентрация населения в городах, которая может создавать как возможность накопления опыта и знаний, так и опасность перенаселения и деградации городов;

– растущая подвижность порога недопустимости, равно как и слияние культурных моделей и ценностей различных стран...»<sup>8</sup>.

Вместе с тем следует отметить, что объективные факторы, детерминирующие существование и развитие транснациональной организованной преступности, весьма разнообразны. Одни из них играют формирующую роль в этом процессе, другие лишь способствуют, облегчают деятельность транснациональных преступных организаций. Так или иначе, имея объективный характер, эти факторы развиваются в различных сферах жизни общества, преобладающими из которых являются экономическая и политическая сферы.

Транснациональная организованная преступность – явление по своей природе экономическое. По сути, это одна из отраслей экономики, производящая и поставляющая на мировые рынки незаконные товары и услуги, либо законные продукты незаконными способами, и инвестирующая полученный в итоге капитал, в том числе и в законные сферы экономики.

Примерно до середины XX-го века транснациональная организованная преступ-

ность не имела столь широкого распространения в мире. Прибыли от поставок и торговли незаконными товарами не были столь значительными и не обеспечивали достаточного уровня доходов, которые могли бы оказать серьёзное воздействие на законные отрасли экономики. Однако положение стало резко меняться во второй половине века. Быстрое расширение экономических и социальных связей между государствами после окончания «холодной» войны, повышение степени прозрачности границ между странами в целом создаёт возможности для развития транснациональной экономической деятельности. Растущая интернационализация экономики неизбежно приводит не только к развитию легальной предпринимательской деятельности, но и к преступной деловой активности, которая не ограничивается национальными границами.

Запрет на определённые товары и услуги никогда в полной мере не сдерживался национальными границами. Если в одной части мира существует спрос на товары, производящиеся в другой его части, то рано или поздно этот спрос будет удовлетворен, несмотря на имеющиеся запреты. Торговля запрещёнными товарами выгодна, поскольку спрос на такие товары постоянно растёт, а современные технологии позволяют их производить более удобными для транспортировки и дешёвыми по себестоимости. Это даёт возможность перемещать через границы больше товара, а разница между себестоимостью и отпускной ценой позволяет получать сверхприбыли.

Таким образом, развитие транснациональной организованной преступности связано с появлением новых возможностей на глобальном уровне, что обусловлено долгосрочными тенденциями развития мировой экономики и политики. В этой связи правильно замечает Ф. Вильямс: «В результате увеличения взаимозависимости государств, упрощения международных поездок и связей, повышения степени прозрачности национальных границ, формирования мировых

---

---

финансовых сетей, появились транснациональные рынки сбыта как законной, так и незаконной продукции»<sup>9</sup>. Размах такой деятельности в значительной степени отражение возможностей, появившихся в результате перестройки международных отношений и изменений, произошедших в самих государствах. Деятельность транснациональных преступных организаций в одинаковой степени стала как причиной, так и следствием произошедших важных перемен в глобальной политике и экономике<sup>10</sup>.

Таким образом, совокупность внешних (существующих на международном уровне) факторов и внутренних, национальных условий обеспечивает не только существование, но и развитие транснациональной организованной преступности. Гибкость и высокая адаптированность субъектов этого вида преступности к изменяющейся ситуации в разных странах, а также к попыткам сдерживания её с помощью правоохранительных органов, действие на территориях не связанных между собой юрисдикций, обуславливают эффективную деятельность транснациональной организованной преступности в мире, которая оказывает всё большее влияние на состояние и развитие мирового сообщества.

Угроза, исходящая от транснациональных преступных организаций имеет повсеместный и многоплановый характер. Транснациональная организованная преступность создаёт прямую угрозу национальной

и международной безопасности и стабильности, и представляет собой фронтальную атаку на политические и законодательные власти, а также создаёт угрозу самой государственности. Она нарушает нормальное функционирование социальных и экономических институтов и компрометирует их, что приводит к утрате доверия к демократическим процессам, сводит на нет достигнутые успехи. Она ставит в положение жертвы население целых стран и эксплуатирует человеческие слабости, извлекая при этом доходы. Она охватывает, опутывает и даже закабальет целые слои общества, особенно женщин и детей, вовлекая их в различные преступные предприятия<sup>11</sup>.

Поскольку эти угрозы носят по-настоящему реальный характер как для государств, в которых базируются такие организации, так и в странах, в которых они осуществляют свою деятельность, необходимо перенести борьбу с транснациональными преступными организациями на глобальный уровень. Крайне важно в такой борьбе опираться на эффективно действующую правовую базу, как национальную, так и международную. Международное сотрудничество в противодействии транснациональной организованной преступности, позволит ликвидировать имеющуюся дезорганизованность правоохранительных органов разных стран и стать барьером транснациональных преступных организаций при пересечении различных юрисдикций.

---

<sup>1</sup> См.: *Уткин А.* Глобализация: процесс и осмысление // Свободная мысль. — М., 2000. — № 11. — С. 28–37.

<sup>2</sup> См.: *Николаев Г.* Я тебя съем // Известия. — 2000. — 22 февр.

<sup>3</sup> См.: *Паклин Н.* Что сулит России глобализация // Российская газета. — 2000. — 8 февр.

<sup>4</sup> См.: *Сорос Д.* Кризис мирового капитализма. — М., 1999 — С. 114.

<sup>5</sup> См.: *Паклин Н.* Покаяние от лица капитала // Российская газета. — 1999. — 15 окт.

<sup>6</sup> См.: *Овчинский В. С.* Стратегия «борьбы с мафией». — М., 1993. — С. 14.

<sup>7</sup> См.: *Марти М. Дельмас.* Уголовная юстиция: проблемы международного сотрудничества. — М., 1994. — С. 22–23.

<sup>8</sup> См.: *Williams P.* Transnational criminal organizations and international security // Survival. — Washington, 1994. — № 1. — Р. 99.

<sup>9</sup> См.: The United nations and transnational organized crime / Ed. by P. Williams and E. Savona. — P., 1996. — P. 7.

<sup>10</sup> См.: Руководство для дискуссии для IX Конгресса Организации объединенных наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. — Нью-Йорк, 1995. — С. 2.

*М. З. Зиёдуллаев,*

*ИИВ Академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш факультетининг  
бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент*

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг таянч пунктлари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси борасида олиб бораётган фаолиятнинг ҳозирги ҳолати, бу соҳадаги муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган, ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соҳадаги ишларни самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч тушунчалар:** ички ишлар органларининг таянч пункти, профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат.

### **Деятельность инспекторов профилактики по индивидуальной профилактике правонарушений**

**Аннотация.** В статье анализируется состояние деятельности опорных пунктов органов внутренних дел по индивидуальной профилактике правонарушений, имеющиеся в этой сфере проблемы и недостатки, даны предложения по решению данных проблем, а также эффективной организации и совершенствованию работ в этой сфере.

**Ключевые слова:** опорный пункт органов внутренних дел, инспектор профилактики, профилактика правонарушений, индивидуальная профилактика правонарушений, профилактическая беседа, официальное предупреждение, информирование о причинах совершения правонарушений и условиях, им способствующих, социальная реабилитация и социальная адаптация, профилактический учет, направление на принудительное лечение, административный надзор.

### **Activity of crime prevention inspectors in individual prevention of offences**

**Annotation.** The article deals with the present condition of the activity of base stations of internal affairs bodies on individual prevention of offences, problems and limitation in this sphere. The author elaborates proposals on elimination of these problems and effective organization and improvement of the activities in this sphere.

**Key words:** base station of internal affairs bodies, crime prevention inspector, prevention of offences, individual prevention of offences, preventive interview, official notification, informing about the motives of the commission of offences and conditions, social rehabilitation and social adaptation, preventive record, appointment card for compulsory medical treatment, administrative supervision.

**Ички ишлар органлари таянч пунктлари,** уларнинг профилактика инспекторлари ва таянч пунктига жалб этиладиган субъектлар зиммасидаги асосий вазифалар кўлами, бу борадаги амалиёт, уни белгиловчи ва амалга оширилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда таянч пунктлари фаолиятини: 1) жамоат

тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш; 2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; 3) маъмурий-процессуал; 4) тезкор-қидирув; 5) жиноят-процессуал; 6) жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолияти йўналиш-ларига ажратиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мазмуни ва кўламига кўра таянч



---

пунктлари фаолиятининг бошқа йўналишларига нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида қайд этилганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланадиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир<sup>1</sup>.

Профессор И.Исмаилов таъкидлаганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсир кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгаллиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгаллиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади<sup>2</sup>. О.А.Мартиненко тўғри таъкидлаганидек, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани<sup>3</sup> ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мавқеи ошишига хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўз кўлами, қамровига кўра республика, вилоят, маҳалла, муайян ҳудуд ёки объект

миқёсида амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда республикамизнинг барча маҳаллаларида ташкил этилаётган ички ишлар органлари таянч пунктлари ва улардаги профилактика инспекторлари ҳар қандай даражадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, унинг ҳар бир тури ва чора-тадбирларини амалга оширувчи асосий субъектлар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида марказий ўринни эгаллайди ҳамда бевосита таянч пункти профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси фаолияти ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади. Уларга профилактика инспекторлари томонидан кундалик иш фаолиятида кенг қўлланиладиган профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш ва маъмурий назорат қиради.

Профилактика инспекторларининг якка тартибдаги профилактикани самарали амалга ошириши кўп жиҳатдан мазкур чора-тадбирларни қонун талабларига мувофиқ, бир-биридан фарқлаб, тизимли ва ҳар бирига алоҳида ёндашган ҳолда қўллашига боғлиқ.

*Профилактика суҳбати* шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган

---

жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлиб, суҳбат давомида шахснинг ўзига хос хислатлари, турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший шароитлари, ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади. Профилактика суҳбатини қўллашда ҳамма вақт шахснинг жамиятдаги юриш-туришида криминоген имкониятнинг мавжудлигини аниқлаш ҳамда унинг ўзи буни англаб етишига эришиш муҳим ҳисобланади<sup>4</sup>. Бу борадаги хорижий тажрибага асосланиб, профилактика суҳбатини ўтказиш жойи, вақти ва давомийлиги уни қўллаётган субъект томонидан белгиланиши ҳамда унинг тахминан бир соат давом этиши, бу жараёнда кўргазмали воситалар ва видеотасвирлардан фойдаланилиши тавсия этилади<sup>5</sup>. Профилактика инспектори шахс билан профилактик суҳбатни унинг таъсирчанлигига эришиш учун уни ўтказиш жойи сифатида туман, шаҳар ички ишлар органи, таянч пункти, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, мазкур шахснинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни танлаши ҳамда ушбу жараёнга ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимлари, тегишли мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари, хусусан мутахассис-психолог, диний уламо, маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчини жалб этиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, ўтказилган профилактик суҳбат таъсирчан бўлишига эришиш учун, албатта, у ички ишлар органлари таянч пунктида юритиладиган махсус дафтарда қайд этиб борилиши лозим. Бироқ, профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолиятига доир амалиётни ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг кўпчилиги томонидан бунга юзаки ёндашилиб, тегишли шахслар билан профилактик суҳбатлар сифатли ўтказилмаяпти, ўтказилганлари ҳам профилактика суҳбатини қайд этиш дафтариде ўрнатилган тартибда қайд этилмай қолмоқда. Бу эса туман, шаҳар ички

ишлар органлари ва уларнинг профилактика хизматлари раҳбарлари томонидан бу борада назорат ва талабчанликни кучайтиришни, профилактика инспекторларидан эса хизмат масъулиятини оширишни талаб қилмоқда.

Ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан *расмий огоҳлантириш* қўлланилади. Профилактик суҳбатдан фарқли равишда расмий огоҳлантириш орқали шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тушунтирилиб, ҳуқуқбузарлик содир этса жавобгарликка тортилиши тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилади. Расмий огоҳлантириш шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади. Расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш ёки ўқиш жойига ёхуд яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинига хабар қилиниши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, расмий огоҳлантириш қонун ҳужжатлари билан амалиётга жорий этилган бўлса-да, шахс расмий огоҳлантирилганидан сўнг ҳам унга рияоз этмаслик ва ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарликни давом эттирганлик учун ҳуқуқий оқибат белгиланмаганлиги сабабли, амалиётда унинг таъсирчанлиги паст бўлиб қолмоқда. Бу эса расмий огоҳлантиришга у қўлланилган шахслар жиддий қарамаслигига, унинг талабларини бузишига ва ўз навбатида, профилактика инспекторлари ҳам уни қўллашни эътибордан четда қолдиришига олиб келмоқда.

Шу сабабли, расмий огоҳлантиришнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида, унинг талабларини бузганлик муайян ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаришини қонун ҳужжатларида белгилаш, хусусан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 32-моддасида

---

белгиланган маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг биринчи бандини «ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга, расмий огоҳлантиришга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш» тарзида баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларидан яна бири уни бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассасанинг ўз ваколатлари доирасида ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида уларнинг иш жойи ёки ўқийдиган таълим муассасаси маъмуриятини, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини *ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш*да намоён бўлади.

Жамиятда шундай ҳолатлар кузатиладики, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эгалиги, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёки ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳолати ҳақида кўп ҳолларда унинг иш жойи ёки ўқиётган таълим муассасаси маъмурияти ёхуд яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғини хабардор бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан ушбу шахс билан меҳнат жамоасида, ўқиш жойида ва маҳаллада профилактик ишлар олиб борилмаслигига олиб келади. Мазкур чора-тадбирни қўллаш амалиётдаги ана шундай бўшлиқларни бартараф этишга имкон беради.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчилар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, содир этган шахсларни *ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш* якка тартибдаги профилактиканинг энг инсонпарвар чора-тадбирларидандир. Чунки уларни қўллашда белгиланган тоифа шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу жараёнда уларга

жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш кўзда тутилади. Профилактика инспекторлари ва таянч пунктига жалб этилган ходимлар бу борада хизмат ҳудудида учрайдиган иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларнинг шахсини аниқлаш, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ва меҳнатга лаёқатли соғлом фуқароларни иш билан таъминлаш, доимий яшаш жойи бўлмаган ва қаровсиз қолган қарияларни – саховат уйларига, ногиронларни мурувват уйларига жойлаштиришга кўмаклашади. Реабилитация жараёнида муҳтожларга тиббий, касбий ва ижтимоий жиҳатдан тикланишларида ёрдам берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни талабларига мувофиқ, профилактика инспекторлари ўзига бириктирилган ҳудудда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-педагогик жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул бўлиб<sup>6</sup>, ҳудудда қаровсиз қолдирилган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, уларни ота-оналари (қонуний вакиллари)га топшириш, улар бўлмаганда эса ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш ишларини ташкил этади<sup>7</sup>. Чунончи, профилактика инспекторлари томонидан 2012 йилда – 7120, 2013 йилда – 7715, 2014 йилда – 8416, 2015 йилда – 10388 ва 2016 йилда 10632 нафар бола шундай марказларга жойлаштирилган.

Шунингдек, алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож 14–17 ёшдаги вояга етмаган ўғил болалар учун – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Сирдарё вилояти Бахт шаҳридаги ихтисослаштирилган ўғил болалар махсус коллежи, Қўқон шаҳридаги 4-сон қизлар учун – ихтисослашган Енгил саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда Халқ таълими вазирлигига қарашли 11–14 ёшдаги қизлар учун – Чиноздаги 5-сон махсус мактаб-интернат, Самарқанд шаҳридаги ўғил

болалар учун — 64-сон махсус мактаб-интернат вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитациясини амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда<sup>8</sup>. Ушбу махсус ўқув-тарбия муассасалари алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларга таълим беришни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширишга ихтисослашган муассасалар бўлиб, уларга сўнги уч йилда жами 921 нафар вояга етмаган жойлаштирилиб, ижтимоий мослашуви ва реабилитациясига доир чора-тадбирлар амалга оширилган.

Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, уларнинг ишга жойлашишларида ёрдам беришда ҳам профилактика инспекторларининг роли катта бўлиб, улар бу борада туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказлари билан ҳамкорлик қиладилар.

*Профилактик ҳисобга олиш* ички ишлар органлари томонидан шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилиб, унинг қонун даражасида тартибга солинганлиги эса, сўзсиз, ушбу соҳада шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ:

— жиноий жазони ўтаган, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилмаган илгари судланганлар — шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида;

— ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар — суднинг шундай ҳукми асосида;

— ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган

асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган шахслар — ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори асосида;

— ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчилар — бу тўғридаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида;

— МЖТКнинг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлар — ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори асосида;

— ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганлар — вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг қарори асосида профилактик ҳисобга олинади.

Мазкур асослардан бири мавжуд бўлганида бу ҳақда ҳужжатни олган масъул шахс ўн кун ичида шахсни профилактик ҳисобга олиш тўғрисида туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси)нинг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор эса улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд этилади.

---

Шахснинг ҳуққ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахс профилактик ҳисобга қўйилган кунда ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади. Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади. Агар профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш даврида Қонунда назарда тутилган янги асослар вужудга келса, ҳисобга олиш муддати шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайдан эътиборан ҳисобланади.

Статистик маълумотлар асосида 2016 йилда республикамиз ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган шахслар тоифалари бўйича таҳлил қилганида, уларнинг 28,3 фоизини – илгари судланганлар, 6,6 фоизини – қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланган шахслар, 1,1 фоизини – Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддасига мувофиқ қарор чиқарилган шахслар, 0,6 фоизини – суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар, 0,02 фоизини – ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганлар, асосий қисми (63,4 фоизи)ни Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлар ташкил этиши маълум бўлди.

Қуйидаги ҳолларда профилактик ҳисобга олинган шахс профилактик ҳисобга олиш муддати тугаганида профилактик ҳисобдан чиқарилади ҳамда бу ҳақда туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор қабул қилинади: терговчи ёки прокурор реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор қабул қилган ёки суднинг оқлов ҳукми қонуний кучга кирганида;

суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажрими қонуний кучга кирганида; қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганида; шахс муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлганида; шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда; вафот этганида. Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактика инспекторлари фаолиятига доир амалиёт таҳлили мазкур соҳада ҳам муайян муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Бунинг қўлларда профилактика инспекторлари томонидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни-нинг 35-моддаси талабларига мувофиқ, МЖТКнинг белгиланган моддаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг ўрнатилган тартибда ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинмаслиги, профилактик ҳисобда туриш муддати тугаганига қарамай шахснинг ўз вақтида ҳисобдан чиқарилмаслиги ва айрим профилактика инспекторларининг профилактик ҳисоб йиғмажилдларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юришиб бормаслигида кузатиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида 2017 йилнинг 6 ойида туман ҳудудида шахснинг ички ишлар органларининг профилактик ҳисоби таъсирига тушишига асос бўлувчи 2 минг 700 дан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиб, ҳуқуқбузарлар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, амалда ушбу шахсларнинг 12,2 фоизи профилактик

---

---

ҳисобга олинган, холос. Бундай камчиликни республикамизнинг бошқа туман, шаҳар ички ишлар бўлим (бошқарма)ларида ҳам кузатиш мумкин.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш, профилактика инспекторларининг шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билан профилактик ишларни олиб боришга доир фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, туман, шаҳар ички ишлар бўлим (бошқарма)лари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлим (бўлинма)лари томонидан профилактика инспекторларининг мазкур соҳадаги фаолияти устидан доимий назоратни амалга ошириш, ҳар чоракда камида бир марта ҳар бир таянч пунктида ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олиш ва муддати тугаган шахсларни профилактик ҳисобдан чиқариш, ҳисобда турган шахслар билан олиб борилаётган профилактик ишларни таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга туман, шаҳар маъмурий ишлар бўйича судлари томонидан кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ички ишлар органларига ўз вақтида, тўлиқ етиб бормаслиги қонунда белгиланган тоифа шахсларнинг ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олинмаслигига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, бу борада ички ишлар органларининг маъмурий ишлар бўйича судлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш талаб этилади.

*Шахсни мажбурий даволанишга юбориш* – сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд аҳолининг хавфсизлиги, соғлиги ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солинган тақдирда ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир. Таҳлиллар

шунини кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида 2013–2016 йиллар давомида йилига ўртача 800 дан ортиқ гиёҳвандлар наркология диспансерларига мажбурий даволанишга юборилган бўлиб, бу шу йилларда ҳисобда турган гиёҳвандларнинг ўртача 5,6 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, ушбу йиллар давомида йилига ўртача 4 минг нафарга яқин спиртли ичимликка ружў қўйганлар мажбурий даволанишга юборилган бўлиб, улар ҳисобда турган бу тоифа шахсларнинг ўртача 11,5 фоизини ташкил қилади. Кўришиб турганидек, сўнгги йилларда ҳар йили гиёҳвандларнинг ўртача 94,4 фоизи ва спиртли ичимликка ружў қўйганларнинг 88,5 фоизи оғир касаллиги, 60 ёшдан ошганлиги, жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этилганлиги, бошқа ҳудудга кўчиб кетганлиги, наркология диспансерларида жой бўлмаганлиги каби сабаблар билан мажбурий давонишга юборилмайди.

Якка тартибдаги профилактика тизимида *ички ишлар органларининг маъмурий назорати* муҳим бўлиб, у жазони ижро этиш муассасасида жазони ўташ жараёнида у ердаги ўзига хос муҳит таъсирида ижтимоий алоқалари узилган, оиласи бузилган, маънавий жиҳатдан ажралиб қолган ва қадриятлари ўзгарган, тушкунликка тушган, маҳалладан бегоналашган шахсларни жамиятга қайта мослаштиришда ўз аксини топади<sup>9</sup>. Собиқ Иттифоқ даврида жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишган шахслар, ҳаттоки амнистия орқали жазодан озод этилган бўлса ҳам, яшаш жойига қайтгач, жамиятда «ижтимоий пиллапоя»нинг энг қуйи поғонасидан жой олишарди<sup>10</sup>. Мустақилликка эришгач Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан жазони ижро этиш муассасасидан қайтиб келган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш, уларни ҳаётга қайта кўниктириш ишларининг аҳволи танқид остига олингач<sup>11</sup>, бу борадаги ишлар ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиб, такомиллаштирилди.

Ички ишлар органларининг маъмурий назорати жазони ижро этиш муассасасидан

озод қилинган шахслар устидан тарбиявий-профилактик таъсир ўрнатиш чора-тадбирлари мажмуи бўлиб, назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни қўллашни назарда тутди. Қонун талабларига мувофиқ, ички ишлар органлари маъмурий назорати оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан кўп марта ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаб бўлганидан сўнг ички ишлар органларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказётган; оғир жиноятлар содир этгани учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган, жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни истамаганлигидан далолат берувчи; ўта оғир жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган вояга етган шахсларга нисбатан ўрнатилади<sup>12</sup>.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда ҳар йили ички ишлар органлари маъмурий назорат қонуни таъсирига тушадиган ўртача 9,5–10 минг шахснинг 1,1–1,3 минг нафарини ўта хавфли рецидивистлар ташкил этади. Сўнгги йилларда йил бошида 4,1–4,2 минг нафар шахс ички ишлар органлари маъмурий назоратида турган бўлса, йил даврида 7,1–7,5 минг нафар шахс маъмурий назоратга олинган. Уларнинг 90,0% – профилактика инспекторларининг, 3,7% – жиноят-қидирув хизмати ходимларининг, 7,0% – жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг ташаббуси билан маъмурий назоратга олинган.

Ички ишлар органлари томонидан маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш соҳасида ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам бор. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатга чет элга кетган фуқаролари

орасида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этиб, тайинланган жазони ўтаб қайтиб келиши ҳолатлари кузатилаётган ҳозирги шароитда амалдаги қонун ҳужжатларида бундай тоифадаги шахслар устидан ички ишлар органлари маъмурий назоратини ўрнатиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шунингдек, республикада оғир ва ўта оғир жиноят содир этгани учун жазони ўтаётган шахслар жазонинг маълум бир қисмини ўтаганидан сўнг амнистия актини қўллаш орқали жазодан озод этилиши, ЖКнинг 74-моддасига мувофиқ, жазо енгилроғига алмаштирилган ёки шартли озод қилинган ҳолатларда уларнинг устидан ички ишлар органлари маъмурий назоратини ўрнатиш масалалари ҳам амалиётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонунига ушбу муаммоларни бартараф этишга хизмат қилувчи тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2002 йил 26 февралдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 51-сон буйруғини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, амалиётда жазони ўтаб бўлган айрим шахсларнинг жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишганидан кейин ўз яшаш манзилига атайин бормаслиги ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай ҳолатлар профилактика инспекторлари томонидан уларни ички ишлар органларининг маъмурий назоратига ёки профилактик ҳисобига олиб, тегишли профилактик ишларни олиб боришига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис, қонун ҳужжатларида жазони ўтаб бўлган шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан бўшаганидан кейин ўз яшаш манзилига етиб боришини таъминлаш

---

---

ёки бошқа манзилга кетганида уни ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олишга хизмат қилувчи нормаларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Якка тартибдаги профилактиканинг самарадорлигини ошириш, чора-тадбирларни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш, бунда замонавий педагогик-психологик билим ва тажрибаларни уйғунлаштириш мақсадида, профилактика суҳбати, расмий огоҳлантиришга доир методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Профессор И. Исмаилов таъкидлаганидек, бундай методик тавсияларнинг ишлаб чиқилиши «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг якка тартибдаги профилактикани ташкил этиш тартибига бағишланган нормаларининг қўлланишини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади<sup>13</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишлари орасида хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кўламдорлиги ва серқирралиги билан бошқаларидан ажралиб турса, унинг якка тартибдаги профилактика тури аниқ шахсга йўналтирилганлиги, таъсирчанлиги ва қонун устуворлигини таъминлашдаги аҳамияти билан хуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турлари орасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширувчи марказий субъект ҳисобланган профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш ушбу соҳадаги ишларни самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 20. — 221-м.; 2015. — № 32. — 425-м.

<sup>2</sup> *Зарипов З. С., Исмаилов И.* Криминология. — Т., 1996. — Б. 173.

<sup>3</sup> *Мартыненко О. А.* Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины. — Харьков, 2005. — С. 39.

<sup>4</sup> Энциклопедия современной юридической психологии / Под общ. ред. проф. А. М. Столяренко. — М., 2002. / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://determiner.ru/dictionary/993> (дата обращения: 18.03.2017).

<sup>5</sup> *Павловский А.* Профилактика правонарушений на новых основах / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://statut.by/lichnyj-jurist/13-respect-law/624> (дата обращения: 18.03.2017).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — № 1. — 1-м.; 2009; — № 12. — 471-м.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 296-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2010. — № 48. — 446-м.

<sup>8</sup> *Туймабоев У.* Ички ишлар идораларининг фуқаролар ва жамоат уюшмалари билан ҳамкорлиги // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2012. — № 2. — Б. 24.

<sup>9</sup> *Таджиханов У.* Шахс манфаатлари // Халқ сўзи. — 2002. — 8 янв.

<sup>10</sup> *Кристи Нильс.* Борьба с преступностью как индустрия. Вперед, к Гулагу западного образца. — М., 2001. — С. 74–75.

<sup>11</sup> *Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. — Т., 1997. — Б. 273–274.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1993. — № 1. — 33-м.

<sup>13</sup> *Исмаилов И.* Ўзбекистонда хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 12 март). — Т., 2015. — Б. 18–19.



---

---

**С. Б. Хўжақулов,**

*ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим  
факультети таянч докторантураси докторанти, доцент*

## **ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ УСУЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мақолада ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси усулларининг моҳияти ва ўзига хослиги, уларни қўллаш асослари ва тартиби ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** ҳуқуқбузарлик, профилактика, усул, ишонтириш, мажбурлаш, рағбатлантириш, тақдимнома.

### **Научно-практический анализ методов общей профилактики правонарушений**

**Аннотация.** В статье освещены сущность и особенности методов общей профилактики правонарушений, основы и порядок их применения.

**Ключевые слова:** правонарушение, профилактика, метод, убеждение, принуждение, поощрение, представление.

### **Theoretical and practical analyses of methods of general prevention of offences**

**Annotation.** The article deals with the peculiarities of methods of general prevention of offences, order and basis of their application.

**Keywords:** prevention, offences, method, persuasion, compulsion, stimulation, representation.

Ҳар бир фаолият ўз усулига эга бўлиб, уларнинг пухта ишлаб чиқилганлиги ва тўғри қўлланиши фаолиятнинг самарадорлигини кафолатлайди.

«Усул» сўзи ўзбек тилида бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаракат тарзи, тартиби маъноларини англатади.

Одатда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида асосан «ишонтириш», «огоҳлантириш», «рағбатлантириш» ва «мажбурлаш» усулларидан кенг фойдаланилади. Бироқ ушбу усуллар фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига профилактик таъсир кўрсатиш учун қўлланилади деб, тор доирада тушунмаслик лозим. Чунки, пировардида ушбу усулларни қўллаш орқали профилактиканинг самарадорлигига эришиш кўзда тутилади. Бу эса, ушбу усуллар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, профилактика объектларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиш ҳамда профилактик тадбир-

ларнинг ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўлланилиши лозимлигини англатади.

Профилактика усуллари ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, объект ва субъектларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўлланади. Бу эса мазкур усулларнинг ҳар бири қўлланиш асослари ва тартибига эга бўлишини талаб этади. Бироқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бугунги илмий-амалий таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ишонтириш усулини қўллаш асослари ва тартиби мавжуд эмас, деган хулосани келтириб чиқаради.

Вазиятга тўғри баҳо берган қонун чиқарувчи орган 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қаторига «ишонтириш усулининг устуворлиги» принципини киритиб, шу орқали ҳуқуқбузарликлар про-

---

---

филактикасида ишонтириш усулини қўллаш самарадорлигига эришишга ҳаракат қилди.

Ушбу принципнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига махсус принцип тариқасида киритилишидан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турлари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мазмунига ишонтириш руҳиятини сингдириш эди.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг айна пайтда мавжуд чора-тадбирлари таҳлили уларни амалга оширишда ишонтириш усули самарали қўлланаётганига шубҳа уйғотади.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида умумий профилактик чора-тадбирлардан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш» белгиланган бўлишига қарамасдан, ҳанузгача профилактикага доир давлат дастури ёки ҳудудий дастур ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмагани мазкур профилактик тадбирга декларатив тус бериб, унга нисбатан ишончсизлик ҳиссини пайдо қилади.

Чунки, «ишонтириш» – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир кўрсатишнинг асосий усули бўлиб, иш (ҳаракат ёки шахсий намуна) ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

Шу боисдан, профилактикага доир дастурлар ҳамда уларда белгиланган чора-тадбирларга нисбатан ишонтириш усули мазмунини сингдириш учун қуйидагиларга риоя этиш тавсия этилади:

– ушбу дастурларни ишлаб чиқишнинг асослари, ҳуқуқий тартиби ва мукамал механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш;

– профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларига аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, уларнинг дарду ташвишини аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилган,

объектив ва ижтимоий заруратга айланган чора-тадбирларни киритиш;

– профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокама-ларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

– профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларини амалга ошириш жараёни ва натижалари ҳақида аҳолини хабардор қилиб бориш ҳамда ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш ва ҳоказо.

Ишонтириш усули ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиш ва ўтказишда ҳам жуда муҳим ўрин тутди. Мазкур тадбир ишончли бўлиши учун қуйидаги талаблар қўйилишини ўринли деб ҳисоблаймиз:

– ўтказилган тарғибот натижасида аҳоли ўзига керакли маълумотларни олганига ишонч ҳосил қилиш;

– ўтказилган тарғибот мазмунини аҳолининг эҳтиёж ва манфаатлари, хоҳиш-истаклари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид маълумотлар билан бойитиш;

– аҳолида тарғиботчига нисбатан ишонч уйғониши;

– тарғиботда фактик маълумотлар, аниқ статистик кўрсаткичлар ва ҳаётий мисоллардан фойдаланилиши;

– тарғиботнинг аҳоли учун қулай вақт, жой ва шароитда амалга оширилиши ва ҳ.к.

Бироқ айна пайтда қонунчилигимизда ҳалигача аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг мақсади, вазифаси, турлари, йўналишлари, ўтказиш асослари, шартлари ва тартиби, кимлар томонидан ўтказилиши каби масалаларнинг аниқ белгиланмаганлиги, амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг номигагина ўтказилиб, асосий эътибор ҳуқуқий тарғиботнинг мазмуни ва ишончлилигига эмас, балки фақат шаклига, яъни кимлар томонидан, қаерларда, неча мартаба, кимлар ва қанча киши иштирокида ўтказилганлиги, уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи фактик

---

---

маълумотлар, яъни баённома, фотосурат ва видеоёзувлар мавжудлигига қаратилиб келинаётгани ачинарли ҳолдир. Энг эътиборлиси, ушбу муаммо фақат тарғиботчига боғлиқ эмас.

Мазкур муаммоли ҳолатни ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларининг мазмунида ҳам кузатиш мумкин.

Маълумки, 2017 йил 9 февралда ички ишлар органлари тизимида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан «тергов ва айблаш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларини ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарур»лиги масаласига алоҳида ургу берилди. Қолаверса, Президентнинг 2017 йил 14 март куни қабул қилган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 283<sup>3</sup>-сонли қарорида ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги пастлиги оқибатида кутилаётган натижаларга эришиб бўлмаётгани танқид остига олинди. Бироқ шунга қарамасдан, ҳозиргача ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишнинг ҳуқуқий механизми амалиётга татбиқ этилмай келмоқда. Бу эса мазкур сабаб ва шарт-шароитлар ҳақида объектив ва аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини чекламоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида

---

---

киритилаётган тақдимномалар (бундан кейин тақдимномалар)нинг ишончлигига тўхталсак, у ҳам бугунги талабга жавоб бермаслиги аён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 313-моддасида ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этишга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда уларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига тақдимномани киритиши белгиланган бўлса-да, бироқ шу кунгача маъмурий амалиётда бу каби тақдимномалар деярли киритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-боби талаблари асосида киритилган тақдимномаларнинг аксарияти эса бир хил қолипда расмийлаштирилиб, ҳар бир жиноятнинг асосий сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этишга панжа ортидан қаралган. Эътиборлиси шундаки, киритилган тақдимномаларнинг баъзиларига тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс томонидан белгиланган муддатларда жавоблар юборилмаган. Энг ачинарлиси, тақдимнома киритган мансабдор шахс ушбу ҳолатга муносабат билдирмаган ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминламаган. Бу эса тақдимнома киритилган тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахсларда мазкур профилактик тадбирнинг зарурлиги, муҳимлиги, уни бажаришнинг мажбурийлиги ва назоратга олинганлигига нисбатан шубҳа ва ишончсизликни шакллантиради.

Мазкур ишончсизликни ифодаловчи яна бир ҳолат мавжуд бўлиб, уни амалдаги ЖПКнинг 297-моддасида жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш мажбурияти—суришти-

---

---

рувчи, терговчи, прокурорга, бу ҳақда ажрим чиқариш эса судга юклатилган бўлишига қарамай, амалда бу вазифани бажарувчи субъектлар доираси сунъий равишда торайтирилиб, фақат терговчилар зиммасига юкланиб қолганида кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, ЖПКда гарчи жиноятларнинг олдини олиш чораларига бағишланган бўлим ажратилган бўлса-да, аммо ушбу бўлим нормаларида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашнинг жиноят-процессуал механизми тўлиқ ифодасини топмаган. Натижада, жиноят ишини юритиш ёки суд тергови жараёнида тўпланган ҳужжатларга асосланиб, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида етарли маълумот бўлмаган ҳолларда бу ҳақда тахминий хулосалар қилиниб, тақдимномалар киритишга тўғри келган.

Шу боис, амалдаги ЖПКга процессуал ҳаракатлардан фақат исботлаш эмас, балки жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида ҳам амалга ошириши мумкинлигига оид аниқ тартиб белгиланиши таклиф этилади.

Тақдимномаларни киритишда ишонтириш усулини қўллаш самарадорлигини ошириш учун куйидагилар тавсия этилади:

– ЖПКда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишнинг жиноят-процессуал механизмини такомиллаштириш;

– ходимларнинг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга оид масъулияти ҳамда билим ва кўникмаларини ошириш;

– тақдимноманинг мукамал намунавий шаклини ишлаб чиқиш;

– тақдимномалар ижросини таъминламаганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва ҳоказо.

Шакли, қўллаш асоси ва тартиби мукамал ишлаб чиқилмагани боис умумий

профилактикада «огоҳлантириш» усулининг айна пайтдаги таъсирини етарли деб бўлмайди. Шу боис, амалиётда огоҳлантириш усули деярли қўлланмайди, баъзида қўлланса-да, унинг таъсири унчалик сезилмайди. Огоҳлантириш профилактиканинг оғзаки ва ёзма шакллари орқали амалга оширилади.

Огоҳлантиришнинг *норасмий ва расмий* турларини фарқлаш тавсия этилади.

*Норасмий огоҳлантириш*, одатда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг норасмий учрашувлар ҳамда аҳоли кўп тўпланадиган жойларга осилган эълонлар орқали аҳолини содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, унинг сабаб ва шароитлари, ижтимоий салбий оқибатлари, содир этилиш жойи, вақти, усул ва воситалари, тажовуз объекти, қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги кабилар ҳақида маълумотлар беришида ифодаланади.

*Расмий огоҳлантириш* эса юқоридаги каби ҳаракатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан расмий учрашув, профилактик суҳбат, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар, эълонлар ва ҳуқуқий тарғибот орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида қўлланиладиган огоҳлантириш усули давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда давлат ва хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳам ўзида ифодалайди. Шу сабабли, келгусида шакли, қўллаш асослари ва тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш орқали огоҳлантириш усулининг таъсир кучини оширишни ўринли ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида «*рағбатлантириш*» ҳам профилактик таъсир кўрсатишнинг муҳим усулларидан бўлиб, шахснинг ижобий қарашлари ва хизматларини такомиллаштириш, мустаҳкамлашга ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

---

Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад аҳолини айб учун жавобгарликнинг муқаррарлигига ишонтириш, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги фаоллигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этган шахслар ва ташкилотларни муносиб тақдирлаш кабилардан иборат. Бироқ, афсуски, айни пайтда мазкур мақсадларга тўлиқ эришиляпти, деб айтиш қийин.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида рағбатлантириш усулининг қўлланилишини амалдаги ЖПКнинг 300-моддасида тегишли корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фож этишда юксак онглилик, жасорат кўрсатган, ижтимоий бурчини намунали бажарган фуқаро тўғрисида хабардор қилиш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурорга тақдимнома киритиш, судга эса хусусий ажрим чиқаришга оид процессуал тартиб белгиланганида кузатиш мумкин. Аммо мазкур норма ҳозирги кунда декларатив хусусиятга эга бўлиб, амалда ушбу мазмундаги тақдимномалар деярли киритилмай келмоқда. Энг эътиборлиси, ЖПКда мавжуд ушбу тартиб МЖТКга умуман татбиқ этилмаган.

Масалага бошқа жиҳатдан ёндашилса, ЖПКнинг 300-моддасида фақат тегишли корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари ва жамоасига ўзининг ижтимоий бурчини намунали бажарган фуқаро тўғрисида хабардор қилишгина назарда тутилган бўлиб, фуқаро қайси шаклда, нима ҳисобидан, қандай тартибда рағбатлантирилиши қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топмаган. Қолаверса, фуқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг негизини ташкил қилувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаоллигини намоён этса-ю, аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу ҳақда тегишли корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари ва жамоасини хабардор қилиш билан чекланиши оддий мантиқсизликдир.

Шу боис, рағбатлантиришнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика ёхуд ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан амалга оширилишига доир ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, «кенг жамоатчиликка профилактика таъсир кўрсатиш» умумий профилактикага хос хусусиятлардан бири бўлиб, рағбатлантириладиган шахс муайян шахслардан иборат бўлса, унда ушбу профилактика таъсир умумийлик касб этмайдику, деган ҳақли эътироз туғилиши табиий. Бироқ мазкур ҳолатда рағбатлантириш орқали амалга ошириладиган профилактика таъсирнинг умумийлиги айнан муайян шахснинг рағбатлантирилишида эмас, балки рағбатлантиришнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика ёки ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда амалга оширилишида намоён бўлади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда аҳоли фаоллигининг янада ошишига хизмат қилади.

Мавжуд муаммони ҳал қилиш учун ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида рағбатлантириш усулини самарали қўллаш бўйича ҳукумат қарорини ишлаб чиқиш, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол бўлган фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантиришнинг турлари, асослари ва тартибини белгилаб бериш талаб этилади. Ушбу ҳолатда рағбатлантиришнинг пул мукофоти, давлат мукофоти, эсдалик совғалар бериш, ташаккурнома, маиший турмуш шароитида муайян имтиёзлар бериш каби турларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинади. Бундан ташқари, юридик шахсларни рағбатлантириш асослари ва тартибини ҳам киритиш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз. Чунки, нодавлат

нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузганлиги, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини кўрганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан билдирган таклиф ва ташаббусларнинг амалда жорий этилганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётлар тайёрлаб, кенг жамоатчиликка тарқатганлиги, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўқув-амалий машғулотлар ўтказишга ихтисослашган махсус ўқув марказлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этгани, албатта, уларнинг ушбу меҳнат ва ютуқлари рағбатлантирилишини талаб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турлари каби умумий профилактикада ҳам таъсир кўрсатишнинг «мажбурлаш» усулидан фойдаланилади. Ушбу усул, одатда, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида самарали қўлланилади. Энг эътиборлиси шундаки, мазкур усул бошқа усуллардан шахснинг муайян ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, муайян ҳаракатларни бажаришга ёки, аксинча, бажаришдан тийилишга ундаш хусусияти билан ажралиб туради. Аммо ушбу усул фақат қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида мажбурлаш усули қўлланилишини қуйидагиларда кузатиш мумкин:

1) ЖПКнинг 296-моддасида белгилаш билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ишларини юритишда жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шартлиги белгиланган;

2) ЖПКнинг 299 ҳамда МЖКнинг 313-моддасида тақдимнома ёки хусусий ажрим қабул

қилиб олган орган ёки мансабдор шахс тақдимномани олгач зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тақдимнома киритган орган (мансабдор шахс)ни хабардор қилиши шартлиги белгиланган<sup>1</sup>;

3) профилактикага доир дастурларда қайси профилактик тадбир, ким томонидан, қайси муддатда амалга оширилиши лозимлиги қатъий белгиланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари зиммасига мажбурият юкланган;

4) қонунчилик нормаларида фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийилишга ундовчи жазо санкциялари мавжуд.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кимнингдир зиммасига шунчаки мажбурият юклатилиши билан мажбурлаш усулидан фойдаланилди деб ҳисоблаб бўлмайди. Ушбу усулнинг самарадорлиги мажбурият бажарилмаганлиги учун жазолаш таъсир чоралари мавжудлиги билан боғлиқ.

Мазкур усулни бир ёқлама тушунмаслик керак. Кўпчилик мажбурлаш усули фақат профилактик таъсир кўрсатиш объектларига қўлланади деб тушунади. Бироқ бу усулнинг профилактика субъектларига нисбатан ҳам қўлланиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда профилактика субъектларига нисбатан муайян талабнинг қўйилиши ёки улар зиммасига мажбуриятлар юклатилиши профилактиканинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Акс ҳолда фаолиятни қониқарли даражада ташкил этиш имконияти чекланади.

Хуллас, профилактик усуллар ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг самарадорлигини таъминловчи асосий воситалар бўлиб, улардан ўз вақти ва ўрнида фойдаланилсагина, юқори натижаларга эришиш кафолатланади. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади: *биринчидан*, ушбу усулларнинг мазмун ва моҳиятини илмий-амалий жиҳатдан очиб бериш;

---

---

*иккинчидан*, мазкур усулларни амалда қўллаш асослари ва тартибини ишлаб чиқиш; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси усулларини қўллашга доир билим ва амалий қўникмаларини ошириш; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси усулларининг аҳамияти ва

ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги МЖТК ва ЖПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган фуқаро ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш тўғрисида» ҳукумат қарорини чиқариш зарур.

---

<sup>1</sup> Изоҳ: мазкур мажбурият бажарилмаса, амалдаги МЖТКнинг 196-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби келиб чиқади ҳамда давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилишига асос яратилади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида мажбурлаш усулининг таъсирини янада ошишига хизмат қилади.

---

---

## **ЖИНОЙ ЖАЗО ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ**

2017 йил 21 декабрь куни ИИВ Академиясида «Жиноий жазо тизимини либераллаштириш» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат юридик университети ва Академия профессор-ўқитувчилари, шунингдек Академиянинг тингловчилари, курсантлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар жиноий жазонинг моҳияти, ривожланиш тарихи, мустақиллик йилларида жиноий жазо тизимини либераллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, шунингдек бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ҳамда бошқа бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар қилдилар.

Семинар иштирокчилари ўз чиқишларида мазкур мавзунинг долзарблиги ва амалий аҳамиятини, «жазо» тушунчаси, унинг ривожланиш тарихи, амалдаги ҳолати, мустақиллик йилларида жиноий жазо тизимини либераллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, хорижий давлатлар жиноий жазо тизими ва илғор тажрибаси, жазо тизимини либераллаштириш ва такомиллаштириш истиқболларига оид масалаларга батафсил тўхталиб ўтдилар.

Тадбир жараёнида қилинган маъруза ва чиқишлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди ва қизгин баҳс-мунозараларга уланиб кетди. Семинар якунида жиноий жазо тизимини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигида жазо тизими билан боғлиқ нормаларни янада либераллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

*Ш. Р. Жалолов,*

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти соҳавий  
ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари*

## ПОРАХЎРЛИК – КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАРНИНГ АСОСИ

**Аннотация.** Мақолада порахўрлик жинояти коррупциянинг асоси эканлиги, бу жиноят давлатнинг ҳуқуқий демократик инсон ҳуқуқларига асосланган жамият қуриш жараёнида, бошқарув тизимининг такомиллашиши, мансабдор шахсларнинг ваколат ва фаолиятларининг такомиллашиши жараёнида давлат аппаратининг нормал фаолиятига қарши қаратилган ҳар қандай ижтимоий хавfli ҳаракат жамиятнинг равнақига жиддий путур етказиши, шунингдек бунга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг бугунги кундаги аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Таянч тушунчалар:** порахўрлик, коррупция, пора олиш, пора бериш, пора предмети, ҳақ эвазига оғдириш, инсон ҳуқуқлари.

### **Взятничество – основа коррупционных преступлений**

**Аннотация.** В статье рассматриваются преступления, основанные на получении взяток, как основа коррупции, влияющие на процесс построения правового демократического государства и гражданского общества и совершенствование системы управления. Процесс совершенствования деятельности и полномочий должностных лиц, направленных против нормальной деятельности государственного аппарата оказывает серьёзное негативное влияние на процветание общества. А также уделяется особое внимание принимаемым мерам по борьбе с преступностью в этой сфере.

**Ключевые слова:** взятничество, коррупция, брать взятку, давать взятку, предмет взятки, подкуп, права человека.

### **Bribery is the basis of corruption crimes**

**Annotation.** The article deals with the bribe as the basis of corruption. Which has influence on the process of formation of juridical democratic civil society and improvement of Functions and authorities of officials against normal activity of state apparatus has negative influence on prosperity of society. More over, special attention refers to the struggle against crimes in this sphere.

**Key words:** bribe, corruption, to take bribe, to give bribe, subject, bribery, human rights.

Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг Конституцияда мустаҳкамланиши, унинг демократик, ҳуқуқий тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосидан, ҳар қандай мансабдор шахсдан, ҳар қандай ташкилот ёки муассасадан қонунларга оғишмай риоя қилишни, уларни бузишнинг олдини олиш чораларини кўришни вазифа қилиб белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига

Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилинди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шундай ишларимиз натижасида шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни корруп-



---

---

цияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт»<sup>1</sup>.

Давлатнинг ҳуқуқий демократик, инсон ҳуқуқларига асосланган жамият қуриш жараёнида, бошқарув тизимининг такомиллашиши, мансабдор шахслар ваколат ва фаолиятининг такомиллашиши жараёнида давлат аппаратининг нормал фаолиятига қарши қаратилган ҳар қандай ижтимоий хавфли ҳаракат жамиятнинг равнақига жиддий путур етказди, давлат аппаратига ишончсизлик келтириб чиқаради. Жамият тизимининг ўзгариш жараёнида аввалги тизим асоратларини тугатиш, унинг қаршилигини енгиш зарурати юзага келади, бунинг асосида жинойтчиликнинг янгича кўринишлари пайдо бўлади, унга қарши кураш катта маҳорат талаб этади. Айниқса, уюшган жинойтчилик, коррупцион жинойтлар, конституциявий тузумга қарши жинойтларнинг ижтимоий хавфлилиги ортади.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш масаласи ўтган даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, у бир қанча жинойтларни ўз ичига олади. Улар ичида жамият учун энг хавфлиси порахўрликдир. Бу жинойт давлат аппаратининг негизини ичидан емиради, халқнинг давлатга, мансабдор шахсларга ишончи йўқолишига олиб келади.

Пора олиш жинойтининг мансабдорлик жинойтлари тизимидаги улуши ҳам катта бўлиб, биз ўрганиб чиққан жинойт ишлари орасида бу кўрсаткич 22-23 фоизни ташкил қилганига гувоҳ бўлдик.

Шу ўринда мавзу юзасидан Амир Темур давлат бошқарувида назар ташласак, Соҳибқирон салтанат бошқарувидаги мансабдор шахслар қўл остидаги ходимлар ва халққа нисбатан тамагарлик қилмасликлари учун уларнинг молиявий таъминотида алоҳида эътибор бериб турганлигини қайд этган: «...Агар аскар, соқчи ёки миршаб фуқародан бир нима олса-ю, эл қатори пулини тўламаса, ваколатини суиистеъмол қилса, нафақат бош кийими, балки бошидан ҳам

ажралади; ...солиқ соҳасида солиқчиларим томонидан содир қилинган ҳар қандай суиистеъмолчиликка нисбатан шафқат қилмадим. Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилсалар ва (бойликнинг бир қисмини) ўзлаштириб олган бўлсалар, агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли ҳақ миқдоридан ошмаса, мазкур маблағ унга инъом ўрнида қолдирилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиги оладиган маоши ҳисобидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси (салтанат хазинасига) тортиқ сифатида олинсин»<sup>2</sup>.

Шунингдек, пора бериш дунёнинг барча динлари томонидан ҳам қораланган. Жумладан, муқаддас Қуръони каримда: «Бир-бирларингизнинг мулкларингизни ноҳақ ўзлаштириб олманглар ва бошқаларнинг мулкларини ўзлаштириш ниятида қозиларга рибо берманглар», — дейилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда бошқарув тизимининг ўзгариши, ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусийлаштирилиши натижасида ҳам суд амалиётида мураккаб ҳолатлар вужудга келмоқдаки, уларни қайта ўрганиб чиқиш зарурати вужудга келди.

Порахўрлик жинойтлари коррупция жинойтининг асосини ташкил этади. Коррупция давлат бошқарувини ишдан чиқариш, уни жинойтчиликка асослантиришга интилишдан келиб чиқади. Коррупцияни пора олиш ва беришсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Коррупция ҳозир дунёдаги деярли барча давлатларда мамлакатнинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилаётган иллатдир.

1997 йилнинг декабрь ойида 13 та давлат томонидан имзоланган халқаро операцияларда хорижий давлатлар мансабдор шахсларини ҳақ эвазига оғдириб олишга қарши кураш ҳақидаги конвенция бўйича бундай муносабатларда пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинойт эканлиги яна бир бор таъкидланиб, коррупциянинг актив (пора бериш) ва пассив (пора олиш) шакллари фарқланган.

Ж. Найнинг фикрича, «коррупция пора-хўрлик, непотизм (шахсий алоқалар асосида ҳомийлик қилиш) ва шахсий мақсадларда фойдаланиш учун оммавий маблағларни ўзлаштириш жиноятларидан иборат»<sup>3</sup>.

Немис файласуфи Томас Гоббс: «Ўз бойлиги билан мағрурланадиган одамлар давлат идораларини коррупцияга тортиш орқали жазодан қутулиб қолиш ёки пул ва бошқа турдаги совғалар эвазига кечиришларига ишонч асосида бемалол жиноятлар содир қилишади... Коррупция — даврлар оша ўсиб келаётган илдииз бўлиб, у ҳар хил орзу-ҳаваслар ортидан бирортаям қонунни менсимасликдир»<sup>4</sup>, — деган.

Қозоғистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида: «Коррупция деганда давлат функцияларини амалга оширувчи шахслар ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг ўз мансаб ваколатлари ва имкониятларидан фойдаланиб, қонунда назарда тутилмаган моддий қимматликларни шахсан ёки воситачи орқали олиши, шунингдек бундай мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан моддий қимматликлар ва имтиёзлар эвазига оғдирилиши тушунилади», — дейилган.

Бундай таъриф «порахўрлик жиноятлари» тушунчасини келтириб чиқаради. Бироқ, «коррупция» «порахўрлик»дан кенгроқ тушунча бўлиб, порахўрлик унинг негизини ташкил этади. Коррупциянинг ядроси бўлган порахўрлик жиноятлари (пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш) ўзининг алоҳида ижтимоий хавфлилики хусусияти билан ажралиб туради. Бу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги қуйидагилар билан боғлиқ:

— давлат органлари ёки бошқа ташкилий тузилмаларнинг самарали фаолият олиб боришига тўсқинлик қилади;

— бошқарув аппаратини обрўсизлантиради;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказди;

— давлатнинг бошқа хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларида ишончсизлик туғдиради;

— пировард натижада давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини издан чиқаради;

— коррупциянинг ривожланиши давлатнинг миллий хавфсизлигини таҳдид остига қўяди.

Порахўрлик ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги учта жиноят таркибини қамраб олади: пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш.

Р.А.Зуфаровнинг фикрига кўра, «пора олувчи ва пора берувчиларнинг манфаатлари бир-бирларига мос бўлмаганлиги сабабли бу қилмишларни ягона жиноят таркибига бирлаштириш нотўғридир»<sup>5</sup>.

Пора олувчининг пора берувчи фойдасига муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслиги эвазига моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣй наф кўриши, мантиқан олиб қараганда, алоҳида жиноят таркибига эга бўлса, пора берувчининг пора олувчини мулкӣй манфаатдор этиши ёки унга моддий қимматликлар бериши пора беришдек алоҳида жиноятнинг таркибини ташкил этади. Шунингдек, пора олувчи, пора берувчи ва воситачи бир жиноий ният билан ҳаракат қилмайди. Уларнинг ҳар бири ўз жиноий қилмиши билан ўз манфаатини кўзлайди.

Хусусан, пора олувчи моддий қимматликка эга бўлиш ёки мулкӣй наф кўришни кўзласа, пора берувчи пора эвазига мансабдор шахс унинг фойдасига муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслигидан манфаатдор бўлади. Пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс улар орасидаги ўзига хос «кўприк» вазифасини бажариш нияти билан ҳаракат қилади.

Моддий қийматга эга бўлмаган хизмат ва буюмлар иқтисодий қийматга эга эмаслиги, шунингдек улар бўйича тўловлар амалга оширилмаслиги сабабли пора олиш ёки бериш предмети бўла олмайди. Бинобарин, порахўрликнинг предмети нафақат моддий бойликлар, балки текин бажариладиган, бироқ пора олувчини моддий, мулкӣй манфаатдор этадиган хизматлар бўлиши мумкин.

Шунингдек, пора предметининг муайян иқтисодий қийматга эга бўлиши керак ёки

---

---

керак эмаслиги масаласида Н.Дурмановнинг таъкидлашича, пора олувчи шахс учунгина қимматга эга бўлган ва оддий нархга эга бўлмаган ва аксарият ҳолларда коллекция учун бериладиган баъзи буюмлар ҳам пора предмети бўла олади<sup>6</sup>.

С. Закутский ва Қ. Мирзажановнинг фикрича, пора олиш гараз ниятда содир этиладиган жиноят бўлиб, унга гайри-қонуний бойиш учун интилиш хосдир. Шунинг учун объектив моддий қийматга эга бўлмаган нарсалар пора предмети бўла олмайди<sup>7</sup>.

Энди мавзумиз юзасидан бир қатор хорижий мамлакатларга назар ташласак. Масалан, Жанубий Кореяда давлат раҳбари иштирокидаги кенг миқёсли сиёсий жанжаллар тарихда кўп рўй берган. Масалан, президентлардан бири ўлдирилган бўлса, бошқаси афдарилган, ўз ҳаётини сургунда тамомлаган. Икки нафари коррупцияда айбланиб, судга тортилган, яна бири прокуратурага чақирилган кезларда ўз жонига қасд қилган. Айрим президентларнинг эса ҳеч бўлмаганда оила аъзолари коррупцияда айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Хусусан, Жанубий Кореянинг собиқ президенти Пак Кин Хе 40 йиллик дугонасининг давлат ишларига аралашшига йўл қўйиб берганлик, унга муҳим ва махфий ҳужжатларни берганлик, ўз нутқи ва маърузаларининг матни билан танишиши, уларга тегишли ўзгартишлар киритишига рухсат берганликда айбланди. Бу эса дугонаси Чхве Сун Силга мамлакат сиёсати ва иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатиш имконини берган.

Сеул округ суди 2016 йил 3 ноябрь куни коррупцион жанжал марказида қолган Чхве Сун Силни ҳибсга олишга ордер берган. Уни Жанубий Корея йирик корпорацияларини ўзи билан алоқадор Mir ва K-Sports жамғармаларига кўп миллионли ҳомийлик пулларини ўтказиб бериш учун мажбурлашга уринишда айбланишмоқда.

Англияда бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Бу ерда 1889 йилда «Давлат органларида порахўрликка қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, 1906 ва 1916 йилларда эса жамоатчилик таъсирида коррупциянинг олдини олишга қаратилган яна бир қанча қонунлар қабул қилинган. Уларнинг хусусиятларидан бири мансабдор шахсга жамият олдида ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш мажбурияти юклатилишидир.

Шунингдек, ушбу мамлакатда доимий равишда коррупцияга қарши курашиш борасида янги механизмлар — ҳуқуқий институтлар ва махсус қўмиталар таъсис этилмоқда. Жумладан, 1994 йилда «**Нолан**» қўмитаси таъсис этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мазкур қўмита бевосита ҳукумат ва парламент вакиллари ўртасида коррупциявий ҳаракатларни аниқлаш билан шуғулланади.

Дунё давлатлари орасида **Сингапур** коррупцияга қарши курашда муҳим натижаларга эришган давлат сифатида эътироф этилади. Сингапурда айнан коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича **махсус бюро** ташкил этилган бўлиб, ушбу орган сиёсий ва функционал жиҳатдан мутлақо мустақил ҳисобланади. Мазкур органнинг коррупцияга қарши курашдаги асосий вазифалари сирасига давлат сектори ва хусусий сектордаги коррупциявий ҳаракатларни тергов қилиш ва олдини олиш киради.

Сингапурда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг бош гоёси — коррупциявий жиноят субъектларининг коррупциявий ҳаракатларни содир этишига имконият ва манфаат яратувчи ҳолат ва шароитларни бартараф этиш. Бунинг учун давлат хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар мансабдорлар билан юзма-юз мулоқотга киришмаслиги принципига таянилади. Бу борада Сингапур нафақат Осиё, балки кўпроқ Фарб давлатларига ўртак бўлиб келмоқда. Сингапурда оддий фирмани давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб то экспорт операцияларини амалга ошириш учун талаб этиладиган тегишли расмийликларгача

---

---

фақат электрон тарзда амалга оширилади. Давлатнинг хусусий сектор фаолиятига аралашуви минимал даражага етказилган.

Коррупцияга қарши курашиш ҳақида фикр юритганда АҚШ бой назарий ва амалий тажрибага эга эканлигини таъкидлаш жоиз. АҚШнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш тарихида 1970 йил июнь ойида Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилгани муҳим ўрин тутди. Кенгашнинг асосий вазифаси уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича умуммиллий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Мазкур мамлакат тарихида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказилган шовшувли операциялардан бири «Шайх ва асарилар» деб аталади. Операция якунлари бўйича 1980 йилда ФТБнинг раҳбари Уильям Уэбстер томонидан матбуот анжумани ўтказилган. Унинг расмий баёнотида ФТБ ўтказган махсус операция натижасида 2 нафар сенатор, 6 нафар конгресс аъзоси ва 9 нафар юқори мартабали мансабдорга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва далилий ашёлар уларга қонуний жазо тайинлаш мақсадида судга топширилиши қайд этилган. Шунингдек, матбуот анжуманида иштирок этган мамлакат Бош прокурори Чивилетти пора олиш жиноятини содир этишда гумон қилинаётган 1000 дан ортиқ мансабдор шахслар жиноий қилмиши фош қилинмасдан ўз мансабларидан кетишга мажбур бўлгани ҳақида баёнот берган ва бу операция ўта муваффақиятли якунланган.

АҚШ полициясига тўхталадиган бўлсак, полиция ходимида пора таклиф қилиш бефойда: олмайди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, 99 фоиз ҳолларда бунинг учун полициячи пора таклиф қилганни судга беради. АҚШдаги полиция тизимида коррупция ҳолати деярли учрамайди.

Ушбу мамлакатда «халис» тушунчаси йўқ. Полициячи ёлғиз ўзи гувоҳларни ёки жабрдийдаларни сўроқ қилиши, тинтув ўтказиши, ашёвий далилларни олиши

мумкин. Унинг сўзига ишонишади. Ёлғон кўрсатма бергани учун полиция ходими 15 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. АҚШда пора олган мансабдор шахсга олган порасининг қиймати уч баробар миқдорда ундирилиб, 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо берилади.

Шундай қилиб, порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни, қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сон қарорининг 2-бандида «пул, қимматли қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқа) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин»лиги кўрсатиб ўтилган.

Айни вақтда, 2014 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида Жиноят кодексининг 211 (Пора бериш) ва 212 (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш) моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддасига тўртинчи қисм қўшилиб, унга кўра башарти шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этиладиган бўлди.

2017 йил 3 январь куни қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Унинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, Қонунда «коррупция»

---

---

атамасига қуйидагича таъриф берилган: «Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши». Бундан ташқари, унда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш эканлиги ҳам белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, порахўрлик ва коррупция шундай жиноятки, уларни тараққиёт кушандаси ва иллатлари деб

бемалол айтишимиз мумкин. Бутун дунёдаги халқаро ташкилотлар ҳам ушбу жиноятларга қарши кураш бўйича ҳамкорликни кучайтираётгани бежиз эмас. Кутилган натижага эришиш учун фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бориши, ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш орқали давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш лозим. Шунингдек, бунда жамоатчилик назорати институтларининг ролини ҳам ошириш, фуқаролардан ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик талаб этилади. Зеро, бу иллатни таг томири билан йўқотиш учун ҳар биримиз доимий курашиб боришимиз зарур.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. – Т., 2014. – Б. 105.

<sup>3</sup> *Нye J.* Corruption and political development: a cost-benefit analysis // *American Political Science.* – 1967 – N 12. – P. 417

<sup>4</sup> Цитата манбаи: *Зуфаров Р.* Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. – Т., 2007. – Б.12.

<sup>5</sup> Ўша манба.

<sup>6</sup> *Дурманов Н.* Уголовное право. – М., 1956. – С. 26.

<sup>7</sup> *Закутский С.Г., Мирзажонов М.* Уголовная ответственность за взяточничество // Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т., 1987. – Б. 72–74.

## **РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ**

**Аннотация.** Статья посвящена актуальной проблеме – борьбе с коррупцией. В ней анализируются уровни коррупции, государственный финансовый контроль рассматривается как профилактическая мера и как эффективное средство борьбы с коррупцией. В заключении статьи автор приводит комплекс конкретных мер борьбы с коррупцией.

**Ключевые слова:** государственный финансовый контроль, коррупция, Счетная палата, персональная ответственность.

### **Коррупцияга қарши курашда давлат молия назоратининг роли**

**Аннотация.** Мақола долзарб муаммо – коррупцияга қарши курашда молия назоратининг ролига бағишланган. Унда коррупциянинг даражалари таҳлил қилинган, давлатнинг молия назорати коррупцияга қарши курашнинг самарали чораси сифатида ўрганилган. Мақола якунида муаллиф коррупцияга қарши кураш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини таклиф этган.

**Таянч тушунчалар:** давлат молия назорати, коррупция, Ҳисоб палатаси, шахсий жавобгарлик.

### **The role of the state financial control in combating corruption**

**Annotation.** The article is devoted to the actual problem as fighting against corruption. The article analyzes the levels of corruption. The author considers acceptance the state financial control is a preventative measure and as an effective means of struggle against corruption. In conclusion, the author presents concrete measures against corruption.

**Key words:** state financial control, corruption, the Courting Chamber, personal responsibility.

Президент нашей страны обратил серьезное внимание на одно из самых негативных явлений в государстве – коррупцию<sup>1</sup>. По инициативе Главы государства Шавката Мирзиёева был принят Закон Республики Узбекистан «О противодействии коррупции», который получил большую поддержку у народа<sup>2</sup>.

Коррупция – это использование государственными служащими и представителями органов государственной власти занимаемого ими положения, служебных прав и властных полномочий для незаконного обогащения, получения материальных и иных благ и преимуществ как в личных, так и групповых интересах<sup>3</sup>. Это негативное явление распространилось повсеместно и

приобрело глобальный характер. Коррупция используется транснациональными корпорациями для подкупа государственных чиновников, от которых зависят крупные государственные закупки иностранных товаров, включая вооружение, размещение заказов на строительство различных хозяйственных и т.п. объектов, в том числе и с использованием фальсификации тендеров в особо широких масштабах во внешнеэкономических операциях.

В этой связи в 1997 г. был заключен международно-правовой акт, разработанный под эгидой Организации по экономическому сотрудничеству и развитию (ОЭСР), – Конвенция по борьбе с подкупом иностранных должностных лиц при международных

---

---

деловых операциях. Государства-участники приняли на себя обязательства по законодательному закреплению в качестве преступного, сурово наказуемого деяния взяткодательства, причем и в отношении подкупа чиновников стран, не участвующих в Конвенции. В подкрепление эффективности действия Конвенции Совет ОЭСР принял три особых Рекомендации, включающие меры контроля в сфере бухгалтерского учета, государственных закупок и т.п.; по консультациям в целях сотрудничества с не участвующими в Конвенции странами, а также по принятию программ содействия таким странам в создании сети органов борьбы с коррупцией.

Узбекистан является участником Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции, принятой 31 октября 2003 г. в г. Нью-Йорке. Конвенция ООН против коррупции является универсальным международно-правовым актом, направленным на предупреждение и борьбу с коррупцией как на национальном, так и международном уровне. Целями принятия данной Конвенции являются содействие принятию и укреплению мер, направленных на более эффективное и действенное предупреждение коррупции и борьбу с ней, а также поощрение, облегчение и поддержка международного сотрудничества и технической помощи в этой сфере. Положения Конвенции применяются к деятельности, связанной с предупреждением, расследованием и уголовным преследованием за коррупцию, а также арестом, конфискацией и возвращением доходов от преступлений. Конвенция также регламентирует порядок оказания взаимной правовой помощи и выдачи лиц, совершивших коррупционные преступления<sup>4</sup>.

Данная Конвенция закладывает стандарты комплексного противодействия международного сообщества коррупции, открывает для государств возможности совершенствования правовых механизмов, в том числе во взаимодействии в борьбе с преступностью. В ней впервые нашли отражение меры по преду-

---

---

ждению коррупции, а также ее криминализации. Важное значение приобретает закрепление в Конвенции положения о возвращении в страны происхождения активов, полученных в результате коррупции.

Присоединение к Конвенции подтверждает приверженность Узбекистана последовательной борьбе с коррупцией, дальнейшего совершенствования судебно-правовой системы и реформе государственной службы, повышает привлекательность экономики страны для иностранных инвестиций.

Вместе с тем присоединение к Конвенции требует проведения определенной работы по внесению изменений и дополнений в действующее уголовное, уголовно-процессуальное законодательство, а также принятия ряда новых нормативно-правовых актов – о борьбе с коррупцией, государственной службе, защите свидетелей, экспертов и потерпевших.

Закон «О противодействии коррупции» имплементирует Конвенцию. В соответствии с Законом коррупция – незаконное использование лицом своего должностного или служебного положения с целью получения материальной или нематериальной выгоды в личных интересах или в интересах иных лиц, а равно незаконное предоставление такой выгоды. В законе регламентированы полномочия органов, осуществляющих борьбу с коррупцией, пути и методы борьбы с этим негативным явлением. В Законе также предусмотрены исследования, которые включают в себя проведение научных изысканий по проблемам противодействия коррупции, разработку научных методик и рекомендаций, рациональное их введение в практику, прогнозирование и научный анализ эффективности применяемых в противодействии коррупции форм и методов.

Первый Президент нашей страны, подчеркивая опасность коррупции, отмечал, что коррупция, сопряжена, прежде всего, с использованием возможностей государственной службы для содействия или прямого

---

---

оказания помощи организованным криминальным структурам. А это уже прямая угроза безопасности и стабильности в обществе в силу тех негативных последствий, которые несут обществу преступность и коррупция<sup>5</sup>.

Если рассматривать коррупцию системно и комплексно в качестве не только негативного явления, а нарушения правовых отношений, то можно выделить три уровня коррупции. Так, по мнению исследователей, коррупция должна рассматриваться как сложная система, состоящая как минимум из трех частей.

Первую часть этого явления составляют субъекты – чиновники и работники бюджетной сферы первого уровня управления. Они берут взятки, мошенничают, вымогают взятки и т.д. Это, с одной стороны, чиновники, непосредственно общающиеся с юридическими и физическими лицами, налоговые органы, регистрирующие и выдающие лицензии, врачи, учителя и т.д. С другой стороны, это субъекты – участники таких неправомερных действий: непосредственно дающие взятки, поддающиеся вымогательствам и т.д. Практически субъект – физическое или юридическое лицо отдает деньги из своего кармана, а чиновник, пользуясь своим служебным положением, кладет эти деньги в свой карман.

Второй уровень коррупционных отношений складывается между субъектами – чиновниками высшего звена – это руководители учреждений и предприятий вплоть до высших эшелонов власти и даже депутатов. Они обладают большими возможностями и правами в области госуправления и имеют дело в основном с субъектами-участниками – юридическими лицами – предпринимателями, у которых больше потребностей в связи с ведением бизнеса и больше денег для оплаты услуг, например, по отводу земель, постройки зданий точечным методом застройки и т.д. Здесь объем взяток и злоупотреблений совершенно несопоставим со злоупотреблениями в первом уровне коррупции. Однако в основе наказания за все

коррупционные преступления первого и второго уровня лежит либеральная идея ? равенство перед законом всех субъектов участников правонарушений и преступлений в данной области.

Третий уровень коррупции – самый опасный. Это различные противоправные способы присвоения денежных средств прямо из централизованных и децентрализованных фондов государства, т.е. непосредственно у государства. Как правило, объемы этих хищений огромны<sup>6</sup>.

Особая общественная опасность этого преступления заключается в том, что хищения денежных средств из бюджета и других государственных фондов уменьшают их объем. Именно это ведет к невыполнению государством своих обязательств внутри страны в отношении своих граждан и постепенно приводит к дефолту на внешнем рынке. Поэтому, на наш взгляд, такие масштабные хищения должны рассматриваться как преступления против экономической безопасности государства. Самая опасная форма коррупции представляет собой преступление по незаконному обогащению чиновников и вообще субъектов, стоящих у власти, в связи с занимаемой ими должностью, как за счет централизованных и децентрализованных фондов денежных средств непосредственно, так и обогащение в связи с занимаемой должностью за счет граждан, обращающихся к чиновнику за государственными услугами<sup>7</sup>.

Возникает вопрос: как эффективней бороться с такой коррупцией?

Государственный бюджет страны является важнейшим инструментом экономической политики и центральным звеном финансовой системы любого государства. Осуществление государственного финансового контроля – действенное средство, главной целью которого являются проверка эффективного целевого использования бюджетных средств, эффективности распределения и использования государственных денежных средств, улучшении бюджетной



---

---

дисциплины. Бюджетный контроль имеет доминирующую социальную направленность, которая выражается в использовании государственных средств на перспективное развитие, техническое, технологическое перевооружение, модернизацию основных средств, а также затраты на здравоохранение и образование молодого поколения.

Основными задачами бюджетного контроля являются: обеспечение правильности составления и исполнения бюджета; соблюдение налогового и бюджетного законодательства; проверка эффективности и целевого использования бюджетных средств и средств внебюджетных фондов; улучшение бюджетной и налоговой дисциплины; выявление расточительства и финансовых злоупотреблений. Создание эффективной системы государственного бюджетного контроля имеет огромное значение.

Одним из специализированных органов, осуществляющих государственный финансовый контроль, является Счетная палата. Говоря о повышении статуса Счетной палаты, следует отметить, что Декларация руководящих принципов контроля, принятая Международной организацией высших контрольных органов, провозглашает независимость в качестве основного принципа деятельности высших контрольных органов.

Независимость высшего контрольного органа должна быть гарантирована Конституцией, законом и позволять ему работать с высокой степенью инициативы и автономии. Положения о взаимоотношении высшего контрольного органа с парламентом должны быть определены Конституцией<sup>8</sup>. Председатель Счетной палаты Франции Филипп Сеган также считает, что статус Счетной палаты как независимого органа, закрепленный в Конституции, является важнейшим принципом и залогом непредвзятого контроля<sup>9</sup>.

С вступлением в силу с 1 января 2014 г. Бюджетного кодекса Республики Узбекистан была существенно усовершенствована систематизация норм и правил проведения

---

---

проверок бюджетных организаций, в том числе были четко регламентированы полномочия Счетной палаты.

В соответствии с Бюджетным кодексом в круг полномочий Счетной палаты Республики Узбекистан в области бюджетных правоотношений входит представление в Кабинет Министров Республики Узбекистан заключения по проекту Государственного бюджета Республики Узбекистан; осуществление внешнего аудита и оценки ежегодного отчета об исполнении государственного бюджета Республики Узбекистан и бюджетов государственных целевых фондов и представление в Кабинет Министров Республики Узбекистан заключения по ним и другие полномочия.

Счетная палата Республики Узбекистан наделена широкими полномочиями в сфере бюджетного контроля. Бюджетные полномочия Счетной палаты закреплены в ст. 26 Бюджетного кодекса. Ее деятельность направлена на проведение контрольно-аналитических мер в отношении намечаемых, осуществляемых и уже произведенных государственных расходов. К ее задачам относятся:

- оценка обоснованности доходных и расходных статей проектов Государственного бюджета;

- финансовая экспертиза законопроектов, а также иных нормативно-правовых актов органов государственной власти, предусматривающих расходы, покрываемые за счет Государственного бюджета;

- анализ выявленных отклонений от установленных показателей Государственного бюджета и подготовка предложений, направленных на их устранение, а также на совершенствование бюджетного процесса в целом;

- регулярное представление Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан информации об исполнении Государственного бюджета и результатах проводимых контрольных мероприятий<sup>10</sup>.

Исходя из важности функций, которые выполняет Счетная палата, а также учитывая международные документы и практику

---

---

зарубежных государств, считаем, что настало время поднять статус Счетной палаты до конституционного. Для этого ст. 122 Главы XXV Конституции Республики Узбекистан целесообразно дополнить следующим абзацем:

«Средства Государственного бюджета и целевых фондов государства должны использоваться эффективно и строго по целевому назначению.

Счетная палата Республики Узбекистан является специализированным органом, уполномоченным осуществлять государственный финансовый контроль и другие функции в соответствии ее полномочиями».

Таким образом, государственный финансовый контроль является одним из эффективных средств в борьбе с коррупцией. Однако с этим социально опасным явлением необходимо бороться комплексно.

Во-первых, один из главных путей борьбы с коррупцией за счет государственных средств — осуществление систематического государственного финансового контроля и мониторинга за государственными средствами. Это является не только самым эффективным методом борьбы против такой формы коррупции, но и хорошим профилактическим средством.

Во-вторых, еще одна мера борьбы против коррупции за счет государственных средств — обеспечение открытости и прозрачности их расходования. Это можно обеспечить с помощью электронного правительства, информирования общества о государственных расходах, т.е. таким образом усиливается общественный контроль.

В-третьих, необходимо усилить правовую регламентацию деятельности субъектов, ответственных за расходование государственных средств, т.е. закрепить их права и обязанности в законе или подзаконных актах. Кроме того, следует также законодательно закрепить порядок расходования государственных средств, проведения торгов, тендеров, приняв Закон «О государственных закупках».

В-четвертых, требуется укрепить институциональные структуры, осуществляющие государственный финансовый контроль.

В-пятых, необходимо усилить персональную ответственность за незаконное обогащение чиновников за счет хищения средств Государственного бюджета или централизованных и децентрализованных фондов государства, что должно найти отражение в Уголовном кодексе Республики Узбекистан.

---

<sup>1</sup> Выступление Президента на видеоселекторном совещании, посвященном состоянию дел по обеспечению правосудия в системе судебных органов, проблемам и задачам на перспективу // <http://prezident.uz/ru/lists/view/645>

<sup>2</sup> Закон Республики Узбекистан «О противодействии коррупции»//parliament.gov.uz/ru/laws/adopted/254/19175/

<sup>3</sup> См.: Российская юридическая энциклопедия. — М., 1999. — С.474.

<sup>4</sup> *Хашимов Р.* Коррупция — глобальная проблема // *Фалсафа ва ҳуқуқ.* — 2006. — С.4–18.

<sup>5</sup> *Каримов И.А.* Узбекистан на пороге XXI века угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. — Т., 1997. — С. 84.

<sup>6</sup> *Горбунова О.Н.* Значение понятия «коррупция» в финансовом праве // *Финансовое право.* — 2012. — №5. — С.4–18.

<sup>7</sup> Там же.

<sup>8</sup> Правовое регулирование государственного финансового контроля в зарубежных странах // *Аналитический обзор и сборник нормативных документов.* — М., 1998. — С.3–8.

<sup>9</sup> *Самойлова Л.М.* Счетная палата Франции: 200 лет независимости // *Финансовое право.* — 2010. — №3. — С.10–13.

<sup>10</sup> Бюджетный кодекс Республики Узбекистан // *Собрание законодательства Республики Узбекистан.* — 2013. — № 52–I; 2014. — № 36. — Ст. 452; 2015. — № 52. — Ст. 645.

*Х. Б. Саитходжаев,*

*ИИВ Академияси ижтимоий-иқтисодий фанлар  
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди*

**МАНТИҚ ҚОНУНЛАРИ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
ТАФАККУР МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ  
ОМИЛИ**

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг тафаккур маданиятини юксалтиришда мантиқ қонунларининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган, уларнинг фаолиятида мантиқий хатоликларга йўл қўйилишининг олдини олиш юзасидан тавсиялар берилган.

**Таянч тушунчалар:** тафаккур маданияти, мантиқ қонунлари, айният, зиддиятсизлик, учинчисини истисно, етарли асос.

**Законы логики – важный фактор повышения культуры мышления сотрудников органов внутренних дел**

**Аннотация.** В статье анализируются место и сущность законов логики в повышении культуры мышления сотрудников органов внутренних дел, даются рекомендации по недопущению логических ошибок в их деятельности.

**Ключевые слова:** культура мышления, законы логики, тождество, непротиворечие, исключение третьего, достаточные основания.

**Laws of logic are important factors of increasing the thinking culture of the officers of internal affairs bodies**

**Annotation.** The article deals with the analyses of the role of logical laws in increasing the thinking culture of internal affairs bodies' officials and proposes recommendations on prevention of making logical mistakes in their activities.

**Key words:** culture of thinking, law of logic, identity, non-contradiction, excluded third, sufficient reason.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирдики, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки илғор фикр, ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, юксак тафаккур ҳал қилувчи аҳамият касб этапти.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Амир Темурнинг «**Куч – адолатда**» деган машҳур сўзларини бугунги замонга қўллаб, «**Куч – билим ва тафаккурда**», дея бежизга таъкидламаган. Ҳозирги даврда бу ҳикматнинг аҳамияти янада ошди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Ушбу ғоянинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ мушоҳада этадиган бўлсак, бугунги глобаллашув жараёнида дунё

миқёсида айрим давлатлар ўртасида юзага келган зиддият, қарама-қаршилиқ ва келишмовчиликларни жисмоний куч билан эмас, балки ҳаёт тажрибаси ва синовидан ўтган, ҳақиқий билимга асосланган тафаккур билан бартараф этиш мумкин.

Хўш, билим ва тафаккур нима?

Билим – воқелиқни билиш жараёнида эришилган, ижтимоий-тарихий амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган ақлий фаолият натижаси, воқелиқнинг инсон онги ва тафаккурида тушунчалар, муҳокама ва назариялар орқали ифодаланган инъикосидир<sup>1</sup>. Воқелиқ ҳақидаги маълумотларимиз билим даражасига кўтарилиши учун бу маълумотлар: *биринчидан*, воқелиқка мос

---

келиши; *иккинчидан*, етарлича ишонарли бўлиши; *учинчидан*, далиллар билан асосланган бўлиши лозим. Учала шарт бажарилган тақдирдагина маълумот билим даражасига чиқади.

Тафаккур — инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеликнинг онгдаги ифодаси. Тафаккур атроф муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек инсон фаолиятини мантиқ қонунларига асосланган ҳолда амалга оширишнинг асосий шarti саналади. Бу икки тушунча ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсоннинг билим олишини тафаккур жараёнисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тафаккур эса инсон томонидан ўзлаштирилган билимлар асосида такомиллашиб, юксалиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир фикрларини билдириб: **«Асосий вазифа — бу юксак касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат»**<sup>2</sup>, эканлигини таъкидлаган. Ҳар қандай шароитда тўғри қарор қабул қила оладиган замонавий тафаккур эгаси ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишда ҳамда амалий фаолиятида мантиқийлик принципига риоя этиши лозим.

Мантиқийлик тўғри ва аниқ фикрлаш, қонунчилик асосларига амал қилиш, ақлзаковатда изчил бўлиш, истиқболни белгилаш учун рад этиб бўлмас хулосаларга келишда муҳим ўрин тутаети. Мантиқийлик кундалик турмуш фаолиятимизда, шунингдек жамият, давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ҳамда касбий фаолиятимиз билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда асосий мезон ҳисобланади. Мантиққа асосланмаслик турли хатоликларга олиб келиши муқаррар.

«Мантиқийлик» тушунчаси «мантиқ» сўзидан ясалган бўлиб, изоҳли луғат

таърифига кўра, «мантиққа асосланган», «мантиққа оид», «қонунийлик», «асослик»<sup>3</sup> маъноларини англатади. Бу тушунча янада кенгроқ маънода сўз қудрати орқали ифода қилинаётган фикр ва мулоҳазаларимизнинг тўғри фикрлаш қонун-қоидаларини ўрганадиган мантиқ фанига қай даражада асосланганлигини белгилаб беради. Мантиқ фани қонунлари тафаккур орқали амал қилади ҳамда фикрнинг тўғри тузилишини, аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини таъминлайди.

Аллома Зардўшт мантиқийликнинг эзгу фикр, сўз ва амалда эканлигини эътироф этса, Аристотель мантиқни «маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи», «чин фикрни хатосидан ажратувчи»<sup>4</sup> фан сифатида таърифлайди. Стоиклар «мантиқнинг мақсади инсон ақлини хатолардан асраш ва ҳақиқатга эришишдир»<sup>5</sup> деб билишган. Форобий: «Мантиқ инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди», деб изоҳласа, Ибн Сино: «Мантиқ билиб олинган билимлар ёрдамида билинмаганларини қандай қилиб аниқлашни кўрсатадиган, ҳақиқат ва ҳақиқийсифат билим ва ёлғон нима эканлиги ҳамда улар қандай турларга эгалигини аниқлаб берадиган илмдир»<sup>6</sup>, деб таърифлайди. Машҳур немис файласуфи Гегелнинг фикрича, «фалсафа мантиқ шаклида мавжуд, унинг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. Мантиқнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлаш, унга эришиш йўллариини ўрганишдир»<sup>7</sup>. Шундай қилиб, мантиқ тафаккурнинг намоён бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар, мушоҳадалар ўртасидаги алоқадорликни кўрсатадиган қонун-қоидалар йиғиндисини ўрганади.

Ўзбекистонда пировард мақсад қилиб қўйилган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ёшларнинг чуқур мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, онгли, билимли ва комил инсон бўлишлари зарурлиги ҳақида сўз юритган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов комил инсонга қуйидагича таъриф берган эди:

---

«Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади»<sup>8</sup>.

Кундалик турмушимизда ёки касбий фаолиятимиз билан боғлиқ ишларни бажариш чоғида суҳбатдошимиз билан ўзаро мулоқатга киришганда, ўзимиз англаган ва англамаган ҳолда мантиқнинг қонун-қоидаларига асосланамиз. Чунки, мантиқ қонунлари мантиқ ҳали фан бўлиб шаклланмаган даврлардаёқ унга боғиқ бўлмаган ҳолда шаклланган. Инсон тафаккури, унинг фикрлаш жараёни ўз табиатига кўра мантиқийдир. Агар ундай бўлмаганида инсонлар ўз фикрларини тўғри ифодамай олмас ва бир-бирларини тушунолмас эдилар. Инсон тафаккури мантиқийдир, чунки борлиқнинг ўзи қонунлар асосида кетма-кетликда ривожланишда бўлиб, қонуний ва мантиқийдир. Тафаккур мантиғи, ўз навбатида, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар мантиғининг ўзига хос жиҳати бўлиб, инсон онги, фикр-мулоҳазалари шаклида акс этади.

Хўш, бундан мантиқни ўрганмасдан ҳам бинойидек гапирса бўлади, деган хулоса келиб чиқмайдими? Тўғри, кундалик турмушдаги ўзаро муносабатларимизда мантиқий билим ва усулларни қўлламаслик хатоликларга олиб келмаслиги мумкин. Лекин, кундалик турмушда ҳам ўзимиз англаган ва англамаган ҳолда мантиқ қонун-қоидаларига асосланамиз. Шу билан бирга, тафаккурнинг ҳар қандай касбий фаолият билан боғлиқ даражасида оддий кундалик турмушда орттирилган малака камлик қилади. Шунинг эсан чиқармаслик лозимки, тафаккурнинг ҳар қандай касбий фаолият билан боғлиқ даражаси аниқ мантиқий билимларга таянади. Тафаккур қонуниятлари инсоннинг билиш ва амалий фаолияти билан муштарак бўлиб, унинг тушунча ва фикрларининг

тилда сўз қудрати ила ифода қилинадиган мулоҳаза ва баёнлари билан ҳамоҳангдир.

Баъзи жараёнларни кўрайлик. Масалан, асар яратиш учун ёзувчи кундалик турмушдан олган билим ва кўникмалари етарли бўлмайди. Шу боис у ўз кузатувлари ва тилшунослик қоидалари асосида жонли образлар яратади. Спортча юриши билан шуғулланадиган спортчи муваффақиятга эришиши учун оддий юриш қоидаларининг асоси эмас, балки биомеханика фани томонидан ишлаб чиқилган юриш жараёнида нафас олиш, қон айланишини маромига келтириш механизмларини ҳам ўзлаштирган бўлиши зарур. Овқатни физиология фанини билмасдан ҳам ҳазм қилса бўлади. Аммо, академик И. П. Павлов айтганидек, «физиологиянинг вазифаси инсонга узоқ умр кўриши учун тўғри овқатланиш, тўғри нафас олиш, тўғри ишлаб, дам олишни ўргатишдан иборат».

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари ходимлари ўз касбий фаолиятини мантиқийликка риоя қилган ёки мантиқ қонунларига асосланган ҳолда тўғри олиб боришлари лозим. Юқорида қайд этганимиздек, бу ёзувчининг тилшунослик қоидаларига асосланиши ёки спортчининг юриш жараёнига оид биомеханика қонуниятларини билиши ҳамда овқатни ҳазм қилиш йўл-йўриқларини ўзлаштиришдан анча мураккаб жараёндир.

Мантиқ инсон тафаккурига тааллуқли бўлгани учун ҳам ақл-заковатли инсонларга хос. Демак, мантиқийлик тафаккур маданиятини юксалтиради, янада оқилона фикрлаш малакасини оширади, ўзининг ва бошқаларнинг фикрларига танқидий муносабатни ривожлантиради. Мантиқнинг илмий ва амалий аҳамияти ўзгача бўлиб, уни санъатга тенглаштириш мумкин. Шу боис ҳам мантиқий тафаккур қонунларини билиш ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, *биринчидан*, уларда тафаккур маданиятини юксалтиради; *иккинчидан*, мантиқий жиҳатдан тўғри тузилган, пухта далилларга асосланган нутқни тайёрлашда ёрдам беради;

---

учинчидан, тергов ва суриштирув жараёнларида жабрланувчи ва айбланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги зиддиятларни аниқлашда, томонларнинг асоссиз кўрсатмаларини рад этиш ҳамда тергов тусмоллари тузишда, воқеа жойини кўздан кечиришнинг мантиқий изчил режасини белгилашда, ҳужжатларни зиддиятсиз, изчил ва асосли қилиб тузишда ёрдам беради. Буларнинг барчаси ички ишлар органлари ходимларининг ўз соҳаси бўйича етук мутахассис, касб-корининг устаси сифатида фаолият олиб боришларида муҳим омиллардан ҳисобланади. Демак, улар нафақат ўз соҳасининг барча жиҳатларини чуқур билиши ҳамда нутқининг равонлиги билан, балки иш жараёнида тўпланган материалларни мантиқий изоҳлаши, таҳлил қилиши, муҳими, хулосаларни инкор этилмайдиган даражада асослаши билан ажралиб туради.

Бизнингча, мантиқ қонунларининг ҳар бири (айният, зиддиятсизлик, учинчисини истисно ва етарли асос) ички ишлар органлари ходимларининг тафаккур маданиятини юксалтиришда ўз ўрнига эга.

**Айният қонуни** маълум бир нарса-ҳодиса тўғрисидаги тушунча ҳажмининг муҳокама давомида ўзгармай қолишини, яъни ўзига ўзи тенг бўлишини талаб қилади. Бу қонунга биноан турли тушунчалар айнан бир хил деб қабул қилиниши ёки ҳажм жиҳатдан тенг тушунчалар турлича изоҳланиши хато ҳисобланади. Бу қонун ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Масалан, «Аҳмад ўғрилиқ қилди» ёки «Аҳмад ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилди»<sup>9</sup>, деган икки ҳукмда бир инсон назарда тутилаётган бўлса, демак, айнан бир хил фикр ифодаланаётган бўлади. Бу – айнайт қонунининг талабига биноан, тўғри талқин. Бошқа бир мисол. «Жарима» тушунчаси Жиноят кодексига жазо чораси сифатида ифодаланса, фуқаролик ҳуқуқида маъмурий таъсир чораси сифатида қўлланилади. Бундай ўхшаш сўзларни бир хил маъноларда қўллаш хатоликларга олиб келади.

---

Айният қонуни атама ва сўзларни ўз ўрнида ишлатишда, яъни ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқий акт ва номларнинг мантиқий мазмунини тўғри ифодалашда катта аҳамиятга эга. Сўз ва атамаларни турли маъноларда ишлатиш тушунча ҳажмининг кенгайиб кетишига ёки, аксинча, торайиб қолишига олиб келади.

**Зиддиятсизлик қонуни** бир предмет ёки ҳодиса тўғрисидаги икки қарама-қарши фикр айна бир нарсага нисбатан ва айна бир вақтда чин бўлишини рад этади, ҳукм (муҳокама) мантиқий зиддиятлардан холи бўлишини талаб қилади.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида кўп учрайдиган гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчилар берадиган бир-бирини рад этувчи кўрсатмаларнинг тўғриларини нотўғриларида ажратиш, уларни топиш, жой-жойига қўйиш ҳамда мантиқий хулосалар чиқаришда бу қонуннинг мазмун-моҳиятини билиш суд ва тергов амалиётида муҳим роль ўйнайди. Бу қонуннинг талабини билмаслик турли чалкашликлар ҳамда тергов жараёнининг чўзилишига, ишнинг ўз вақтида яқунланмаслигига олиб келиши мумкин.

**Учинчиси истисно қонунига биноан**, айна бир предмет ёки ҳодиса ҳақидаги бир-бирини инкор этувчи икки фикр айна бир муҳокама доирасида, айна бир вақтда, айна бир нисбатда чин бўлиши мумкин эмас. Уларнинг бири чин бўлса, иккинчиси, албатта, ёлғон бўлади, учинчи ҳолат бўлиши мумкин эмас. Учинчиси истисно қонуни бўйича икки зид ҳукм бир вақтнинг ўзида нафақат чин, балки ёлғон ҳам бўла олмайди. Яъни, ҳукмларнинг бири ёлғон бўлганида иккинчиси муқаррар равишда чин бўлади, учинчи ечимга ўрин қолмайди.

Учинчиси истисно қонуни масаланинг қатъий ечимини талаб қилувчи юридик амалиётда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқшунос хулосасида масаланинг оралиқ ёки мавҳум ечими бўлмайди, яъни айбланувчининг айбдор ёки айбсиз эканлиги муқаррар равишда аниқланиши зарур.

---

Учинчиси истисно қонуни муайян бир масала қўйилганида «ҳа» ёки «йўқ» сингари аниқ жавоб берилишини талаб қилиб, қандайдир оралиқ жавобларни инкор этади. Учинчиси истисно қонуни берилган ҳукмларнинг қайси бири чин эканлигини кўрсатмайди, чунки бу амалиётда аниқланади. Қонуннинг аҳамияти ҳақиқатни топишга йўналиш беришидадир. Масаланинг ечими фақат икки хил бўлиши мумкин, яъни «ё — у, ё — бу» тарзида ҳал қилинади. Масалан, ҳуқуқшунос ишни кўришда шахсни ё айбдор, ё айбсиз деб топиши шарт. Учинчи варианты бўлиши мумкин эмас.

**Етарли асос қонунига кўра** ҳар қандай фикр ёки мулоҳаза етарлича асосланган ёки ўз исботига эга бўлсагина чин ҳисобланади. Етарлича асос қонуни ички ишлар органлари фаолияти учун муҳим бўлиб, чин ҳукмларда акс этган ҳолатларга асосланган тарзда ёлғон кўрсатмалардан ҳақиқийларини ажратиб, тўғри ва ишончли хулосаларга ўтишда ёрдам беради, яъни мантиқийликка асосланади.

Етарли асос қонунининг юридик амалиёт учун аҳамияти ҳар қандай суд ва тергов хулосаларининг етарли даражада асосланган бўлишини талаб қилишидадир. Унга кўра, иш материалидаги айбланувчининг айбдорлигини аниқлаб, тасдиқлаш учун келтирилган далиллар етарли асосларга эга бўлмаса, айблов тўғри ҳисобланмайди.

Суд томонидан асосли ҳукм чиқариш ёки қарор қабул қилиш, истисносиз, яъни ҳар қандай ҳолатда жиноят ижроия ҳуқуқининг асосий принципларидандир.

Мантиқ қонунлари ички ишлар органлари ходимларининг тафаккур маданиятини юксалтириши билан бирга, уларнинг хизмат фаолияти жараёнида юзага келадиган ўзаро зид, қарама-қарши ва нотўғри фикрлардан холи бўлишида, ҳар қандай мантиқий хатога йўл қўйилишининг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда қайд этиш мумкинки, ички ишлар органлари ходимларининг тафаккур маданияти уларнинг касбий фаолиятида муҳим ўрин тутаяди, уларга муомала ва нутқ маданиятини юксалтиришда, тергов ва суриштирув жараёнида жабрланувчи, айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги зиддиятларни аниқлашда, томонларнинг асоссиз кўрсатмаларини рад этишда, тергов тусмоллари тузиш, воқеа жойини кўздан кечиришнинг мантиқий изчил режасини белгилаш, ҳужжатларни зиддиятсиз, изчил ва асосли тайёрлашда ёрдам беради. Буларнинг барчаси ички ишлар органлари ходими ўз соҳасининг етук мутахассиси, касбининг устаси сифатида фаолият олиб боришида муҳим омиллардан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир ф.ф.д. Қ. Назаров. — Т., 2004. — Б. 54.

<sup>2</sup> *Мирзиёев Ш. М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ // Халқ сўзи. — 2016. — 14 дек.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.5 / Масъул муҳаррир А. Мадвалиев. — Т., 2006. — Б. 540.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.5 / Масъул муҳаррир Р.А. Мухитдинов. — Т., 2003. — Б. 452.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

<sup>8</sup> *Каримов И. А.* Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. — Т., 1999. — Б. 92.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Т., 2010 — Б. 97.

---

---

**З. А. Ғиёсов,**

*Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи  
кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори;*

**И. Э. Тўраев,**

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети  
махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси;*

**Ҳ. Р. Ҳайдаров,**

*Фарғона вилояти Суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи,  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент;*

**М. А. Ҳасанова,**

*Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи  
кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди;*

**С. А. Ҳакимов,**

*Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти  
ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси ассистенти*

## **ТАН ЖАРОҲАТЛАРИ БЎЙИЧА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада шахсда тан жароҳатлари мавжудлиги гумон қилинган ҳолларда суд тиббиёти мутахассислари иштирокида гувоҳлантириш амалиётини ўтказиш зарурлиги асослантилган, бу нарса тан жароҳатлари юзасидан ўтказиладиган суд-тиббий экспертизаларни такомиллаштириш васамардорлигини оширишга хизмат қилиши кўрсатилган.

**Таянч тушунчалар:** тан жароҳати, суд тиббий текширув, суд тиббий экспертиза, суд тиббий гувоҳлантириш.

**Некоторые вопросы совершенствования судебно-медицинских экспертиз при наличии телесных повреждений**

**Аннотация.** В статье обосновывается необходимость проведения освидетельствования в случаях подозрения на наличие телесных повреждений, что, по мнению авторов, будет способствовать повышению эффективности и совершенствованию судебно-медицинских экспертиз по поводу телесных повреждений.

**Ключевые слова:** телесные повреждения, судебно-медицинское исследование, судебно-медицинская экспертиза, судебно-медицинское освидетельствование.

**Some issues on improvement of forensic medical examination connected with bodily injury**

**Annotation.** The article grounds necessity to carry out examination in cases of suspicion of presence of bodily injury that by the judgments of the authors it will assist to increase of effectiveness and improvement of forensic medical examination connected with bodily injury.

**Key words:** bodily injury, forensic medical investigation, forensic medical examination.

Суд-тиббий экспертиза муассасалари фаолиятида тирик шахсларнинг экспертизалари салмоқли ўрин тутди. Амалдаги қонунчиликка биноан бу турдаги экспертизалар тан жароҳатлари, жинсий ҳолат ва жиноятлар юзасидан, саломатлик бўйича, симуляция, диссимуляция, аггравация, сунъий касалликлар ва ўзига жароҳат

етказганлик ҳамда ёшни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Сўнги вақтларда мамлакатимизда бир йилда 160 мингдан зиёд мазкур турдаги суд-тиббий экспертиза ва текширувлар ўтказилиб, уларнинг 90 фоизидан ортиғи тан жароҳатлари билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасида тан



жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш учун суд экспертизаси тайинланиши шарт эканлиги эътироф қилинган. Ушбу суд-тиббий экспертизалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома, «Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли текширув стандартлари талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилади<sup>1</sup>.

Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли қоидаларга мос тарзда амалга оширилади<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, оғир (104-м.), ўртача оғир (105-м.), соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган енгил (109-м., 1-қ.) ва соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган енгил (109-м., 2-қ.) жароҳатлар фарқланади. Таъкидлаш лозимки, тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлашнинг суд-тиббий мезонлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида келтирилган белгиларга мос ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳозирги даврда жиддий эътиборга молик масалалардан бири тан жароҳатлари юзасидан суд-тиббий экспертиза эмас, балки суд-тиббий текширувлар ўтказилишидир. Амалдаги «Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари» бўйича мазкур масалада суд-тиббий экспертиза ёки суд-тиббий текширувлар ўтказилиши мумкин. Суд-тиббий экспертизалар суриштирувчи, терговчи, прокурор,

судьянинг қарори ёки суднинг ажрими асосида, суд-тиббий текширувлар эса уларнинг ёзма топшириғи, яъни йўлланмасига биноан ўтказилади. Суд-тиббий экспертиза «эксперт хулосаси» билан расмийлаштирилса, суд-тиббий текширувлар «суд-тиббий текширув далолатномаси» билан ҳужжатлаштирилади. Ушбу икки ҳужжатнинг тузилиши ўхшаш бўлиб, кириш, текширув ва якуний қисмлардан иборат.

Эксперт хулосасини расмийлаштириш процессуал тусга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 184-моддаси, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддасида келтирилган талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Айти пайтда суд-тиббий текширув ўтказиш нопроцессуал ҳаракат бўлиб, ҳеч бир қонун ҳужжатида тартибга солинмаган. Бинобарин, суд-тиббий текширув далолатномасига нисбатан процессуал талаблар қўйилмаган, шу сабабли бу ҳужжат далил манбаи сифатида баҳоланмайди.

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида суд-тиббий текширувлар кенг кўламда ўтказилган. Хусусан, тан жароҳати етказилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг 60-70 фоизидида суд-тиббий текширувлар ички ишлар ва прокуратура органларининг ёзма топшиқлари, йўлланмаларига асосан ўтказилган.

Сўнгги даврда суд-тиббий текширувларнинг салмоғи йилдан-йилга камайиб борапти. Шунга қарамай, 2017 йилда суд-тиббий экспертиза муассасаларида тан жароҳатлари юзасидан ўтказилган амалиётнинг тахминан 15 фоизини суд-тиббий текширувлар ташкил қилган. Бу амалиёт асосан ички ишлар органларининг йўлланмалари асосида ўтказилмоқда<sup>3</sup>.

Тан жароҳатлари бўйича суд-тиббий амалиётда мавжуд вазият ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, бир ҳодиса юзасидан йўлланмага асосан суд-

---

тиббий текширув ўтказилганидан сўнг, айна шу воқеа бўйича суд-тиббий экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилиб, экспертиза ўтказилиши ҳоллари ҳам кам эмас. Баъзан тайинланган суд-тиббий текширув тугамай туриб, тегишли қарорга асосан амалиёт суд-тиббий экспертизага айлантирилган ҳоллар ҳам бор. Юқорида қайд этилганлар асосан дастлабки босқичда оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатларининг белгилари аниқланганида кузатилмоқда.

Эътиборли масалалардан яна бири суд-тиббий экспертиза ёки текширув натижаларига кўра тан жароҳатлари топилмаган ҳолатлардир. Сўнгги йилларда мамлакатнинг суд-тиббий экспертиза муассасаларида тан жароҳати бўйича ўтказилган тирик шахслар экспертизаси ва текширувларининг ўртача 11–12 фоизда тан жароҳатлари ёки уларнинг излари, қолдиқ оқибатлари топилмаяпти. Худудий суд-тиббий муассасалар кесимида бу кўрсаткичлар бири-биридан анча фарқланади. Хусусан, Фарғона вилояти бўйича 2017 йилда ўртача 1,2 фоизга тенг бўлгани ҳолда айрим худудий муассасаларда 15 фоиздан катта бўлган. Бундай ҳолатларнинг салмоқли қисми суд-тиббий текширувлар ҳиссасига тўғри келади. Вужудга келган вазият ортиқча меҳнат, вақт сарфланишига, оворагарчиликка сабаб бўлиб, суд-тиббий фаолиятнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда тан жароҳатлари билан боғлиқ суд-тиббий экспертизаларни такомиллаштиришнинг йўлларида бири гувоҳлантириш амалиётини кенг жорий қилишдир. Таъкидлаш лозимки, гувоҳлантириш ҳозирги давргача амалиётда тегишли ўрнини эгалламаган.

Гувоҳлантириш процессуал ҳаракат бўлиб, унга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 17-бобида (142–147-м.) келтирилган. Жумладан, 142-моддага биноан одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик

хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса, гувоҳлантириш ўтказилади. Тирик шахсларнинг танасида жароҳатларнинг аниқ белгилари бўлмаса-да, тан жароҳатлари мавжудлиги гумон қилинган ҳолатларни айна шундай ҳоллар қаторига киритиш мумкин. Бунда гувоҳлантириш натижаларига кўра фақат тан жароҳатлари аниқланган ҳоллардагина гувоҳлантиришдан сўнг суд-тиббий экспертиза тайинланади ва гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлар экспертиза ўтказиш учун асос бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, гувоҳлантиришда тан жароҳатлари аниқланмаган ҳолларда суд-тиббий экспертиза тайинлаш зарур бўлмайди.

Гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига асосан ўтказилади (ЖПК 143-м.). Ушбу ҳаракат холислар, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида амалга оширилади. Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан, шифокор ёки бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади (ЖПК 146-м.). Суриштирувчи, терговчи гувоҳлантириш ўтказилганлиги ҳақида баённома тузади, суд эса гувоҳлантириш жараёни ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилган тақдирда, у баённома тузади ва уни имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва холислар томонидан имзоланган баённомани тегишлича суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади (ЖПК 147-м.).

Тан жароҳатлари мавжудлиги тахмин қилинган ҳолларда суд тиббиёти соҳасидаги

---

---

мутахассислар иштирокида гувоҳлантириш ўтказишнинг кўйидаги афзалликлари бор:

– суд-тиббий текширувдан фарқли равишда гувоҳлантириш процессуал ҳаракатдир;

– гувоҳлантириш бир босқичли ҳаракат бўлиб, ортиқча вақт, оврагарчиликни талаб этмайди;

– суд-тиббий текширув далолатномасидан фарқли ўлароқ гувоҳлантириш баённомаси процессуал қонунчиликда эътироф қилинган ҳужжат бўлиб, расман далил манбаи сифатида эътиборга олинади;

– гувоҳлантиришда тан жароҳатлари аниқланган тақдирда, мутахассис суриштирувчи, терговчи, судга мазкур воқеа юзасидан суд-тиббий экспертиза тайинлаш ва ўтказишга оид тегишли маслаҳат бериши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, барча суд-тиббий экспертиза муассасаларида мутахассисларнинг навбатчилиги ташкил этилган бўлиб, суриштирув, тергов органлари зарурат туғилганида сутканинг исталган вақтида суд тиббиёти соҳасидаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда гувоҳлантириш амалиётини ўтказишлари мумкин.

---

---

Ҳозирга қадар тан жароҳатлари етказилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг 15 фоизига яқинида суриштирув, тергов органларининг йўлланмаларига асосан текширувлар ўтказилиб, суд-тиббий текширув далолатномалари тузилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, фақат тан жароҳатлари аниқланган ҳоллардагина гувоҳлантиришдан сўнг суд-тиббий экспертиза тайинланади ва гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлар экспертиза ўтказиш учун асос вазифасини ўташи мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, гувоҳлантиришда тан жароҳатлари аниқланмаган ҳолларда суд-тиббий экспертиза тайинлаш зарур бўлмайди, бу эса ортиқча меҳнат ва вақт сарфланиши, оврагарчиликнинг олди олинишига хизмат қилади.

Шундай экан, ҳозирги кунда суд-тиббий экспертизаларни такомиллаштириш учун гувоҳлантириш амалиётини кенг жорий қилиш лозим. Бу эса суд-тиббий экспертизаларнинг самарадорлигини оширади ва такомиллашувига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғига илова).

<sup>2</sup> Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини суд-тиббий аниқлаш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сон буйруғи, 2-илова).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Суд-тиббий муассасаларининг 2017 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи.

*Х. М. Қиличев,*

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик  
факультети махсус фанлар цикли бошлигининг ўринбосари*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ МАҚОМИ ВА БЕЛГИЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс сифатидаги мақомини аниқлаштириш, келгусида уларнинг фуқаролик муомаласидаги иштирокини кенгайтириш, улар иштирокида шартнома тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори даражага кўтариш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомига оид қоидаларни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахс, фуқаролик жамияти.

### **Понятие и признаки органов самоуправления граждан как юридического лица**

**Аннотация.** В статье исследованы вопросы, связанные с конкретизацией статуса органов самоуправления граждан в качестве юридического лица в Республике Узбекистан, с последующим расширением их участия в гражданско-правовых отношениях, повышением культуры составления и исполнения реализуемых при их участии договоров, а также совершенствованием положения о регулировании гражданского правового статуса этих органов в нормативно-правовых актах.

**Ключевые слова:** маҳалла, органы самоуправления граждан, юридическое лицо, гражданское общество.

### **Notion and characteristics of citizens' self-government bodies as a juridical person**

**Annotation.** The article deals with the questions of determining of the statute of «juridical person» of the citizens' self-government bodies as a legal entity in the Republic of Uzbekistan, consequently expansion of their participation in civil-legal relations, enhancement of culture of concluding contracts with their participation and observing them, as well as the issues of development of principles concerning their civic and legal statute in juridical documents.

**Key words:** community, citizens' self-government bodies, legal entity, civil society.

Маълумки, юридик шахс институти жамиятда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, жисмоний шахсларнинг ҳамкорликда иш юритиши, муайян тарихий босқичларда ташкил топган турли ширкатлар, бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва белгилаш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Юридик адабиётларда таъкидлаганидек, ривожланиш шундай даражага етганки, эндиликда жисмоний шахсларнинг якка ҳолда фаолият юритиши самара бермай қўйиб, ижобий натижаларга олиб келмаган, биргаликда, ҳамкорликда иш юритиш давр тақозосига айланган<sup>1</sup>.

Бинобарин, жамият тараққиётининг муайян босқичида жамоавий тарзда иш юритиш мақсадида пайдо бўлган фуқаролар бирлашмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши жараёнида муайян шахслар номидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиши, улар фаолиятининг натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишини ифодалаш, тегишли саволларга жавоб излаш ва муайян ҳуқуқий ечимларни белгилаш мақсадида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари самараси ўлароқ юридик шахс институти ихтиро қилинган. Албатта, кишиларнинг жамоа

бўлиб яшашлари «маҳалла» тушунчасига хосдир. Ушбу ноёб ижтимоий тузилма мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди<sup>2</sup>.

«Юридик шахс» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (ФК) 39-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра «ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак».

ФКнинг 40-моддасига кўра, юридик шахслар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот)га бўлинган. Шунингдек, ФК IV-бобининг 3-параграфи қоидаларида асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тижоратчи бўлмаган ташкилотлар туркумига киритилган ва уларнинг **юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари** эканлиги алоҳида 78-моддада мустақамлаб қўйилган. Айни пайтда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши** белгиланган.

Шу ўринда ҳақли равишда айрим саволлар туғилади: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс мақомига эгами? Ёки юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш унинг юридик шахс мақомига эга эканлигидан дарак берадими? Фуқаролар йиғинларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилашда Фуқаролик кодекси ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун

ўртасидаги нисбат қандай? Улар ҳуқуқни қўллаш амалиётига қандай таъсир кўрсатмоқда? Умуман, миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс сифатидаги мақомига оид қоидалар қай тартибда белгиланиши лозим?

Албатта, мазкур саволларни таҳлил қилиш, уларга илмий асосланган жавоб топиш ва хулосалар ишлаб чиқиш цивилистика фани ҳамда маҳалла институти-нинг ривож учун алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, илмий адабиётларда «қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс мақомига эга ёки эга эмаслиги аниқ белгиланмаган»<sup>3</sup>, «юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш деган тушунча мазкур органнинг ҳақиқатан ҳам юридик шахс эканлигидан тўлиқ дарак бермайди»<sup>4</sup>, «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши тўғрисидагина эмас, балки юридик шахс сифатида эътироф этиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим»<sup>5</sup> дея билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам юқорида таъкидланган масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс сифатида тушунчаси ва белгиларини таҳлил қилишда ФКнинг 39-моддаси талаблари ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган қоидаларни ўзаро қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, И.Зокиров тўғри таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқига асосан муайян талабларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс бўла олади<sup>6</sup>. Чунончи, ташкилий бирлик, ўз мулки ва алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, мустақил баланс ва сметаси бўлиши, ўз мажбуриятлари юзасидан мол-мулки билан мустақил жавобгар бўлиши, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга ҳамда судда даъвогар ва жавобгар бўлиши юридик шахс белгилари ҳисобланади.

**Ташкилий бирлик** муайян ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш учун ташкил этилган, ўзининг ички тузилмаларидан, яъни бошқарув органлари ва бўлинмаларидан иборат бўлган бирлашган яхлит ташкилот мавжудлигида ифодаланади<sup>7</sup>. Ушбу белги орқали иштирокчиларнинг хоҳишларини юридик шахснинг фуқаролик муомаласидаги ягона иродасига айлантириш имконияти белгиланади.

Юридик шахсларнинг «ташкилий бирлик» белгиси ва унинг мазмунини ифодаловчи хусусиятлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тўлақонли ифодасини топган. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади, 9-моддага асосан эса фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади.

Айни пайтда юртимизда 8973 та фуқаролар йиғини, шу жумладан 29 та шаҳарча, 119 та қишлоқ, 160 та овул ва 8665 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда уларда жами 35592 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида йиғин кенгаши, 8 та жамоатчилик комиссияси, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази, «Ота-оналар университети», «Қайноналар кенгаши», «Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари» фаолият кўрсатмоқда<sup>8</sup>.

Албатта, фуқаролар йиғини ташкил этилаётганида унинг «ягона дарча» марказларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши, ўз навбатида, унинг юридик шахс сифатида ташкил этилганлиги фактини қайд этади. Шу билан бирга, миллий қонунчиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш эмас, балки ҳисобга олиш белгиланганлиги айрим муаллифларнинг уларни юридик шахс сифатида эътироф этиш борасида

ўйлаб кўриш зарурлигига оид нуқтаи назарлари<sup>9</sup> пайдо бўлишига олиб келади. Шу боис, фикримизча, юридик шахс сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан «давлат рўйхатидан ўтказиш» ёки «ҳисобга олиш» тушунчаларини қўллаш масаласига аниқлик киритиш ҳуқуқий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, ФКнинг 44-моддасида юридик шахсларни фақат давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу тартибни юридик шахсларнинг алоҳида турлари бўйича қабул қилинган махсус қонунларда<sup>10</sup> ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, қонунчиликда бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар тан олиниши ҳақида қоидалар мустаҳкамланган<sup>11</sup>.

Бизнингча, юридик шахсларга нисбатан «ҳисобга олиш» тушунчаси «давлат рўйхатидан ўтказиш»га қараганда бирмунча содда-лаштирилган тартибни назарда тутаяди ва фуқаролар йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини таъминловчи идора бўлиб, уларнинг фаолияти мустақил эканлиги сабабли уларга нисбатан қўлланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини «ягона дарча» марказларида ҳисобга олишда тақдим этиладиган ҳужжатлар «юридик шахс» мақомига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатли давлат органларига тақдим этиладиган ҳужжатларга нисбатан кам сонли эканлиги соддалаштирилган тартибда ҳамда рўйхатга олиниши билан ҳам изоҳланади.

Айни пайтда мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётган шароитда фуқаролар йиғинларидан ташқари, «юридик шахс» мақомига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларига нисбатан «ҳисобга олиш» тушунчасини қўллаш тамойили ҳам кузатилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-

харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2016 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш билан бир вақтда уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш тизими ҳам жорий этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуни<sup>12</sup> билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш эндиликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «ягона дарча» марказлари томонидан амалга оширилади.

Юридик шахс сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан «ҳисобга олиш» тушунчасининг қўлланилиши, фикримизча, тури ва шаклидан қатъи назар, барча юридик шахсларга тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш ҳамда уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари билан ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади. Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун нормаларини фуқаролар йиғинлари фаолиятида ҳам тўлақонли қўллаш мақсадида ушбу қонуннинг «Бухгалтерия ҳисоби субъектлари» деб номланувчи 6-моддасида «Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар» жумласини «**Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган (белгиланган тартибда ҳисобга олинган) юридик шахслар**» тарзида баён этиш зарур. Айни пайтда Фуқаролик кодексининг юридик шахслар мақомига оид умумий қоидаларига ҳам «ҳисобга олиш» тушунчаси

қўлланилишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Фуқаролар йиғинларининг **ўз мулкига ва алоҳида мол-мулкка эга бўлишлари** уларнинг юридик эканлигини ифодаловчи асосий белгиларидан биридир. Зеро, мол-мулкка эга бўлмаган ташкилот фуқаролик (мулкий) муомалада мустақил равишда қатнаша олмайди, шу боис фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳам тан олинмайди. Чунончи, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғинларига ўз маблағларини шакллантириш, мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, молиявий маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни ташкил этиш ваколати берилган. Қонуннинг 26-моддасида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший объектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк, ФКнинг 78-моддасида улар яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулки эканлиги белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мол-мулкларини шакллантириш бўйича тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилнинг февраль ойида республикаимизда 3715 та фуқаролар йиғини ўз балансидаги биноларда, 2495 таси ижарада, 2186 таси ҳашар йўли билан қурилган биноларда фаолият кўрсатган бўлса, 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида 694 та бино йиғинлар балансида ўтказилган ва жорий йилнинг август ойи ҳолатига қўра 6790 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз балансидаги биноларда фаолият юритмоқда<sup>13</sup>.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларига тақдим этилган юридик ва жисмоний

---

шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, моддий ва хайрия йўсинидаги ёрдамлари, шунингдек мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумларни банк муассасаларидаги мустақил ҳисобварақда расмийлаштиришни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини «ягона дарча» марказларида белгиланган тартибда ҳисобга олиш жараёнида амалга ошириш тизими жорий этилди. Бу эса айти пайтда республика мидаги барча фуқаролар йиғинлари банкларда (ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш учун алоҳида ҳисобварақлардан ташқари) ўз ҳисоб рақамларига эга эканлигидан дарак беради.

Бизнингча, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил давом эттириш лозим. Бу эса фуқаролар йиғинлари томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, худудни комплекс ривожлантириш каби қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни лозим даражада амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Биргина мисол, 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида республика мида бўйича 5 млн 615 мингдан ортиқ хонадонларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ишлари амалга оширилган, 15 млн 770 мингдан ортиқ аҳоли билан мулоқотлар ўтказилган. Ўрганишлар натижаларига кўра аниқланган муаммоларнинг 403 мингдан ортиғи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мутасадди ташкилотлар томонидан жойида қисқа муддатларда ҳал этилиши таъминланган<sup>14</sup>.

Албатта, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш натижалари бўйича аниқланган муаммоларни жойида ҳал этиш кўп жиҳатдан маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг молиявий асосларига боғлиқ бўлиб, назаримизда, маҳаллаларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

*биринчидан*, фуқаролар йиғинларининг коммунал хизматлар ҳақи аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъмин-

лашга шартнома асосида кўмаклашишларида ушбу хизматлар учун жорий тўловлар бўйича тушумлар режаси 100 фоиз бажарилган тақдирда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдорида ажратмалар бериш назарда тутилган имтиёз<sup>15</sup> амалиётда тўлақонли қўллашга қаратилган механизмларни яратиш керак. (Жумладан, биргина маҳалла фуқаролар йиғинларининг хизмат биноларига кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширишда имтиёз йўқлиги сабабли айрим маҳаллаларда электр, газ, совуқ сув, иссиқлик манбаи таъминотидан ҳамда телефон хизматидан қарздорлик вужудга келмоқда);

*иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан фуқаролар йиғинлари учун грант танловларини мунтазам равишда ташкил этиш ва ўтказиш лозим;

*учинчидан*, фуқаролар йиғинлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш (турли маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар тақдим этиш кабилар)ни ҳақ эвазига амалга ошириш орқали улар фаолиятининг молиявий асосларини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

ФКнинг 48-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари юридик шахс сифатида ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли **мол-мулк билан мустақил жавоб бериши** «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун нормалари мазмунида ўз аксини топганлигини эътироф этиш жоиз. Чунончи, қонуннинг 26-моддасига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан



чиқаришга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу объектлар билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир. Бу борада академик Ҳ.Раҳмонқулов тўғри таъкидлаганидек, юридик шахснинг алоҳида мол-мулкка эга бўлиши билан боғлиқ манتيқ шундан иборатки, вужудга келиши мумкин бўлган етказилган зарарни ундириш бўйича унинг кредиторлари ўз талабларини юридик шахс таъсисчилари (иштирокчилари)нинг эмас, балки унинг (юридик шахснинг) мол-мулккага нисбатан қўзғатилади<sup>16</sup>. Шу ўринда ҳақли равишда айрим саволлар туғилади: юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинининг таъсисчиси ким? Унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар ёки солидар жавобгарлик кимларга юклатилиши мумкин? Фуқаролик кодекси ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда ушбу саволларга аниқ жавоб берилмаган.

Фикримизча, ушбу саволларга жавоб беришда юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари нормаларининг умумий мазмун-моҳиятидан ҳамда юридик шахсларнинг жавобгарлигига оид ФКнинг мазкур умумий қонундан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини аъзоларининг юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинининг мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари ҳолатлари (асослари)ни «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда ҳамда таъсис ҳужжати сифатида «Фуқаролар йиғини тўғрисида»ги намунавий низом қоидаларида тўлақонли баён этиш зарур. Бундай асослар сифатида эса қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

*биринчидан*, фуқаролар йиғини тузган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар, агар фуқаролар йиғини аъзоси ёки бир гуруҳ аъзоларининг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган ва юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс (шахслар) зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкинлигини белгилаш

керак. Бу борада фуқаролар йиғини аъзоси ёки бир гуруҳ аъзоларининг гайриқонуний ҳаракатларига қандай ҳаракатлар кириши мумкинлигини баён этиш жоиз;

*иккинчидан*, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалаш ҳамда йиғин номидан шартномалар тузиш ваколати берилган фуқаролар йиғини раисининг юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинининг мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари ҳолатлари (асослари)ни ифодалаш даркор. ФКнинг 45-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, йиғин раиси юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинининг аъзолари талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йиғинга етказилган зарарини тўлаши шарт ҳисобланади. Бу борада ФКнинг 48-моддаси олтинчи қисми қоидаларидан келиб чиқиб, йиғин раисининг юридик шахс сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланишини, хусусан йиғин номидан шартномалар тузиши фактини фуқаролар йиғинининг ночорлиги (банкротлиги) раис томонидан вужудга келтирилган деб ҳисоблаш лозим.

Юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинининг **фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ва судда ўз номидан иштирок этиши** унинг мустақиллигидан дарак беради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг даражада фаолият кўрсатувчи мустақил юридик шахс ҳисобланади. Айни пайтда, фуқаролар йиғини раиси давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалайди, фуқаролар йиғини номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади (Қонуннинг 14-моддаси).

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролар йиғинлари ижтимоий инфра-тузилмани ривожлантириш, худудни ободонлаштириш мақсадида тегишли ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини уюштиришга кўмаклашиш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўз номидан турли фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни, ўз мулки бўлган объектлардан вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ижара шартномалари тузиб келмоқда.

Шу билан бирга, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида фуқаролар йиғинларининг «**юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши**» белгиланганлиги унинг юридик шахс мақомига тўлақонли эга ёки эга эмаслиги масаласига аниқлик киритишни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, «фойдаланиш» тушунчаси мулкдорнинг асосий ваколатларидан бири бўлиб, у ашёларни истеъмол қилишда намоён бўлади, бошқача айтганда, ашёларнинг тақдирини юридик жиҳатдан ҳал этиш тасарруф этишни англатмайди. «Эгалик қилиш» атамаси эса фуқаролик ҳуқуқида ашёга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятини вужудга келтиради ва амалда унга нисбатан эга эканлигини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, «муайян ашё ёки ваколатдан фойдаланиш» тушунчаси унга эгалик қилишни тўлақонли қамраб олмайди.

Чунончи, мамлакатимизда амалда бўлган қонун ҳужжатларида «ҳуқуқлардан фойдаланиш» тушунчаси муайян шахснинг бошқа субъектга берилган ҳуқуқлардан<sup>17</sup> ёки шартнома асосида тегишли ҳуқуқлардан (масалан, ФКнинг 1190-моддасида белгиланган алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси асосида) фойдаланишида қўлланилиши кузатилади. Ёхуд «юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлиш» тушунчаси аксарият ҳолларда юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот ва муасса-

салар тизимидаги тузилмалар (ваколатхона, филиаллар)га нисбатан татбиқ этилганлигини кўриш мумкин<sup>18</sup>.

Қонунчиликда белгиланган ушбу тартиб-таомиллардан келиб чиқиб, «юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш» тушунчасини мустақил мақомга эга бўлган ҳамда ҳеч қайси давлат органлари ёки жамоат ташкилотлари тизимида кирмайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан қўллаш мумкинми, деган ҳақли савол туғилади. Назаримизда, ушбу тартиб мақсадга мувофиқ бўлмай, «юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш» деган тушунча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳақиқатан ҳам юридик шахс ҳуқуқига эгалигидан дарак бермайди, деган хулосага келиш ўринлидир<sup>19</sup>. Қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам ижобий таъсир этмаслиги, кутилган натижани бермаслиги, фуқаролар йиғинлари иштирокидаги шартномавий низоларни судда кўришда муайян келишмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларига, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларига оид қонун ҳужжатларида уларнинг «юридик шахс» мақомига эга эканликлари белгилаб қўйилган бир пайтда, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини — маҳалла институтининг ҳам «юридик шахс» мақомига эга эканлигини қонунчиликда аниқ ифодалаш лозим. Бунинг учун «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур:

**«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «ягона дарча» марказларида ҳисобга олинган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади».**

Фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид махсус қонунга киритиладиган мазкур ўзгартишлар Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган юридик шахслар, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга оид қоидаларни фуқаро-

---

---

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тўлақонли татбиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган белгиларга эга, шу билан

бирга, соҳага оид қонун ҳужжатларида уларнинг «юридик шахс» мақомини аниқ белгилаш келгусида уларнинг фуқаролик муомаласидаги иштирокини кенгайтиришга, улар иштирокида шартнома тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). – Т., 2010. – Б. 158.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир / Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съездидаги маъруза //uzlidep.uz.

<sup>3</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). – Т., 2010. – Б. 244.

<sup>4</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 215; Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). – Т., 2010. – Б. 244.

<sup>5</sup> Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Т., 2009. – Б. 159.

<sup>6</sup> Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 53.

<sup>7</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). – Т., 2010. – Б. 173.

<sup>8</sup> Ўзбекистон «Маҳалла» фонди республика бошқаруви архивининг материалларидан. – Т., 2017.

<sup>9</sup> Маликова Г.Р. Кўрсатилган манба. – Б.159.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 115-м.

<sup>11</sup> 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли қонун билан тасдиқланган янги таҳрирдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 15 –142-м.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 – № 37. – 978-м.

<sup>13</sup> Ўзбекистон «Маҳалла» фонди республика бошқарувининг архив материалларидан. – Т., 2016.

<sup>14</sup> **Изоҳ:** Статистик маълумотлар «Халқ сўзи» газетасининг 19 октябрь сонидида чоп этилган «Соғлом жамият таянчи» номли мақоладан олинди (мақола муаллифи: Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Д.Мирзаджанова). Қаранг: Халқ сўзи. – 2017. – 19 окт.

<sup>15</sup> **Изоҳ:** Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги ПФ-2832-сон фармонининг 4-бандида назарда тутилган // Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. – 2001. – № 8.

<sup>16</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). – Т., 2010. – Б. 176.

<sup>17</sup> **Изоҳ:** Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 281-моддасига асосан, божхона брокери товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларантга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

<sup>18</sup> **Изоҳ:** Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2085-сон қарорининг 1-бандида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ННТнинг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божи ундирилмаслиги белгиланган.

<sup>19</sup> **Изоҳ:** Академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов ҳам фуқаролар йигинларининг юридик шахс мақомига эга ёки эмаслиги Қонунда аниқ белгиланмаганлиги, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш деган тушунча уларнинг ҳақиқатан ҳам юридик шахс ҳуқуқларидан тўлиқ дарак бермаслигини таъкидлаб ўтган. Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). – Т., 2010. – Б. 244.

---

---

**Қ. А. Саитқулов,**  
*ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси*

## **МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонуни нормаларида мавжуд муаммолар таҳлил қилинган, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

**Таянч тушунчалар:** маъмурий назорат, илгари судланган шахс, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

### **Совершенствование норм закона об административном надзоре**

**Аннотация.** В статье анализируются проблемы норм Закона Республики Узбекистан «Об административном надзоре органов внутренних дел над лицами, освобожденными из учреждений по исполнению наказания» от 9 декабря 1992 г., а также приведены пути их решения.

**Ключевые слова:** административный надзор, ранее судимый, профилактика правонарушений.

### **Improvement of the norms of the law on administrative supervision**

**Annotation.** Key-note of the article discusses law norms of the Republic of Uzbekistan about «Administrative control of the Departments of Interior on liberated persons from establishment of execution of punishment» in 9th December, 1992 and the solution of the existent problems.

**Key words:** Administrative control, convicted, prevention offenses.

Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг сўзсиз таъминланиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали уларнинг келажак олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари тизимида ўтказилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини қўллаш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Бугунги кунда ички ишлар органлари 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан

ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида илгари судланган шахслар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида маъмурий назоратга оид суд қарорларининг ижросини таъминлаш вазифасини бажармоқда. Ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида қатор ишлар амалга оширилди, жумладан, ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан самарали профилактик ишларнинг ташкил этилиши маъмурий назоратдаги шахсларнинг ҳулқида ижобий ўзгаришларни шакллантиришга хизмат қилади ҳамда бу орқали улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олади. Айниқса, мазкур фаолиятга кенг жамоатчиликни жалб этиш бугунги замон талабига айланди. Бироқ, таъкидлаш керакки, илгари судланган шахслар ўртасида маъмурий назоратни ташкил этиш ва таъминлашга қаратилган

---

---

қонунчилик нормаларида айрим тушунмовчилик ва зиддиятларни кузатиш мумкин. Уларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш эса долзарб масалалардан биридир.

Илгари судланган шахслар ўртасида маъмурий назоратни ташкил этиш ва таъминлашга қаратилган қонунчилик нормаларидаги ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш биздан нафақат амалий чора-тадбирлар белгилаш, балки мазкур қонун нормаларини чуқур илмий таҳлил қилишни ҳам талаб этади.

Маъмурий назоратни тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижалари ҳамда амалиётчи ходимларнинг қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қонуннинг айрим нормаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу нормаларда мавжуд камчиликлар, зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади.

Мазкур қонун нормаларини ўрганиш давомида куйидагилар аниқланди:

биринчидан, қонуннинг 5-моддасида маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан куйидаги чекловлар қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган:

а) куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишини тақиқлаш;

б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишни тақиқлаш;

в) ички ишлар идоралари (милиция)-нинг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиш.

Юқорида кўрсатилган чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи, оилавий аҳволига, аввалги судланганлиги ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки алоҳида йўсинда қўлланилади.

Чекловлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки уни кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

Назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори, жиноят содир этишга мойиллик даражаси ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, қонуннинг ушбу нормасида маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан белгиланган чекловларнинг тўла ҳажмда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қонуннинг мазкур моддасида назарда тутилган чекловларнинг тўла ҳажмда қўлланилиши кўп ҳолларда шахснинг маъмурий назорат қоидаларини мажбуран бузишига олиб келади ҳамда унинг ижобий хулқ-атвори шаклланишида маълум тўсиқларни юзага келтиради. Шунингдек, Россия тажрибасини инобатга олган ҳолда мазкур моддага шахснинг оммавий тадбирларда иштирок этишини тақиқловчи қўшимча чекловни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ, чунки оммавий тадбирлар жараёнида бу тоифа шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори ҳисобланади. Бундан ташқари, қонунчиликдаги охириги ўзгартишларни инобатга олиб, «милиция» сўзини «ички ишлар органлари» деган тушунча билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

д) оммавий тадбирларларда бевосита иштирок этиш ва қатнашишни тақиқлаш.

«Юқорида кўрсатилган чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи, оилавий аҳволи, судланганлиги ва шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, алоҳида-алоҳида тартибда қўлланилиши мумкин. Ушбу чекловларнинг тўла ҳажмда қўлланилишига йўл қўйилмайди».

Иккинчидан, Қонуннинг 8-моддасида маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосли тақдимнома судга куйидагилар томонидан юборилиши белгиланган:

а) оғир жиноятлар содир этганлик учун ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ва ундан кўпроқ марта ҳукм этилган, жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсларга

нисбатан, — жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, маҳқумнинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи материаллар бўлган тақдирда, озод этишдан камида бир ой олдин;

б) ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсларга нисбатан, — жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, озод этишдан камида бир ой олдин;

в) жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга нисбатан, — ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, шахс жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишганидан кейин жамият учун зарарли тарзда кун кечиришганидан далолат берувчи материаллар асосида.

Қонуннинг 4-моддаси «б» бандида ушбу қонун таъсирига тушувчи шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш бўйича ички ишлар органларига судга тақдимнома киритиш ваколати берилган бўлиб, унга кўра шахс жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирилганига қарамай, жамоат тартибини мунтазам равишда бузиб келаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлса, бу ҳол тақдимнома киритилишига асос бўлиши назарда тутилган. Бундан ташқари, 8-модданинг «в» бандига асосан эса ички ишлар органи бошлиғи томонидан жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишганидан кейин шахсга нисбатан жамият учун зарарли тарзда кун кечиришганидан далолат берувчи материаллар асосида тақдимнома киритилиши назарда тутилган.

Юқоридаги 4-модданинг «б» банди ва 8-модданинг «в» бандида зиддият мавжуд. Шунингдек, 8-модданинг «а» ва «б» бандларида тақдимнома киритиш муддати жазо муддати тугашидан камида бир ой олдин деб белгиланган. Натижада қонуннинг мазкур нормаси талабларига асосан жазони ижро этиш муассасалари томонидан маҳқумларга нисбатан судга тақдимнома киритишга улгурмаслик ҳолатлари учраётганлигини инобатга олган ҳолда ушбу муддатни уч ой олдин деб аниқ

белгилаш мазкур йўналишдаги айрим муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Қонуннинг 8-моддаси «а», «б» «в» бандларини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосли тақдимнома судга қуйидагилар томонидан юборилади:

а) оғир жиноятлар содир этганлик учун ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ва ундан кўпроқ марта ҳукм этилган, жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсларга нисбатан, — жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, маҳқумнинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи материаллар бўлган тақдирда, озод этишдан камида уч ой олдин;

б) ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсларга нисбатан, — жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, озод этишдан камида уч ой олдин;

в) жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга нисбатан, — ички ишлар идораси бошиғи томонидан, шахс жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишганидан кейин жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирилганлигига қарамай, жамоат тартибини мунтазам равишда бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётганидан далолат берувчи материаллар асосида»

Учинчидан, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонундан мақсад илгари судланган шахслар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишдир. Барчамизга маълумки, илгари судланган шахслар устидан маъмурий назоратни ички ишлар органлари амалга оширади. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларига фуқаролар фаол ёрдам беришади. Фикримизнинг

исботи сифатида амалиётда маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш ҳамда у томонидан салбий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида масъул этиб фуқаролардан мураббий бириктирилишини келтиришимиз мумкин. Мураббийлар ҳудудий профилактика инспекторлари билан биргаликда маъмурий назоратдаги шахснинг хулқ-атворини мунтазам равишда кузатиб боради ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишида кўмаклашади. Бироқ ушбу қонунда маъмурий назоратдаги шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторларига фуқаролар кўмаклашиши тўғрисидаги қоида мавжуд эмас. Бу эса Конституциянинг 121-моддаси талаблари ушбу қонунда тўлиқ акс этмаганидан далолат беради ҳамда айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Шу нуқтаи назардан, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонунга алоҳида қўшимча модда киритиш зарур. Ушбу қонунни қуйида келтирилган таҳрирда 161-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

**161-модда. Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар маъмурий назоратни амалга оширишда иштироки**

*Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар маъмурий назоратни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.*

Тўртинчидан, Қонуннинг 15-моддаси «Ички ишлар органлари (милиция) ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда»

деб номланган, 16-моддаси эса «Милиция ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда» деб номланган. 15-моддада ходимларнинг мажбуриятлари, 16-моддада эса ҳуқуқлари белгиланган. Мазкур нормаларнинг номланишида унинг мазмуни акс этмаганлигини, шунингдек 15 ва 16-моддалар номланиши бир хиллигини инобатга олиб, 15-моддани «Ички ишлар органлари ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларни бажаради» ҳамда 16-моддани «Ички ишлар органлари ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга» деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, Қонуннинг 17-моддасида маъмурий назоратни тўхтатиш асослари келтирилган бўлиб, унга кўра «а» бандига асосан – маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса, «б» бандига асосан – муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги аниқланган бўлса, «в» бандига асосан – назорат остида бўлган шахснинг судланганлик муҳлати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда маъмурий назорат тўхтатилади. Ушбу моддадаги асосларни амалиёт талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча «г» ҳамда «д» бандлар билан қуйидагича тўлдириш зарур:

«г) назорат остида бўлган шахсга нисбатан назоратни амалга ошириш вақтида бирон-бир маъмурий жазо ёки бошқа маъмурий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки назорат остидаги шахснинг илтимосномасига кўра, суд назорат муддатининг камида ярми ўтганидан сўнг»;

д) маъмурий назоратда турган шахс вафот этса».

Ушбу таклиф қилинган «г» бандига асосан шахс ўзини яхши томондан кўрсатса, рағбатлантириш тарзида муддатидан олдин маъмурий назоратни бекор қилиш одиллик ва инсонпарварлик принципининг қонунда

---

---

ифодаланишидир. Қонуннинг «д» бандида кўрсатилган асос бугунги кунда мавжуд бўлмаса-да, амалиётда бундай ҳолатлар юзага келишини ҳисобга олиш зарур.

Юқорида қонун нормаларини ўзгартириш бўйича келтирилган таклиф ва тавсиялар, ички ишлар органларининг мазкур қонун нормалари ижросини таъмин-

лашга қаратилган фаолиятида ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга, мазкур йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришга, энг муҳими, илгари судланган шахслар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

---

---

### **СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

2017 йилнинг 22 декабрь куни ИИВ Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сонли Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ва Академия профессор-ўқитувчилари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ва ИИВ Академиясининг тингловчилари, курсантлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатининг асосий мақсади сифатида илмий таҳлил асосида суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

Тадбирда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг жиноят-процессуал механизмини, жиноят-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жиноят процессининг барча босқичларида, жазони ўташда прокурор назоратини кучайтириш ҳамда суд-тергов ҳаракатларини юритишда инновацион шакл ва услублардан фойдаланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сон Фармони талабларини рўёбга чиқаришга оид таклифлар билдирилди, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига, Прокуратура тўғрисидаги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида тавсиялар берилди.

Давра суҳбати якунида суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари миллий механизмини янада кучайтириш бўйича тавсиялар шакллантирилди.



## ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУЛОСАЛАРИНИ АСОСЛАШ

**Аннотация.** Мақолада суд-хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари натижасида тузиладиган экспертиза хулосасининг турлари, тадқиқот жараёнида аниқланган ёзувнинг турли белгиларини баҳолаш ҳамда тегишли хулосага келиш имконини берувчи мос тушган белгиларнинг етарлилигини аниқлашнинг асосий қоидалари ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** хатшунослик экспертизаси, таққослаш тадқиқоти, таққосланаётган қўлёзмалар, турғун белгилар, стилистик белгилар, лексик белгилар, грамматик белгилар, эксперт хулосаси, қатъий ижобий хулоса, қатъий салбий хулоса, эҳтимолли хулоса.

### Виды и обоснование заключений почерковедческих экспертиз

**Аннотация.** В статье рассматриваются виды заключения почерковедческих экспертиз, оценка признаков почерка (письма), устанавливаемые при исследованиях, и основные правила установления достаточности различных признаков почерка (письма), выявленных при почерковедческих исследованиях.

**Ключевые слова:** почерковедческая экспертиза, сравнительное исследование, сравниваемые рукописи, стабильные признаки, стилистические признаки, грамматические признаки, заключение эксперта, строго положительное заключение, строго отрицательное заключение, вероятное заключение.

### Types and foundations of conclusions of graphology examinations

**Annotation.** The article studies the types of graphology examinations, an assessment of handwriting signs (letter) assigned in investigations and main principles of determination sufficiency of various handwriting signs (letter) shown by handwriting investigations.

**Key words:** graphology examinations, comparative study, compared handwritings, stable signs, stylistic signs, grammatical features, the expert opinion, strictly positive conclusion, strictly negative conclusion, the probable conclusion.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашда суд-хатшунослик экспертизасининг ҳам ҳиссаси бор. Чунончи, фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд фаолиятида кенг татбиқ этиш жиноят ишига оид далилларни ўз вақтида қўлга киритиш, жиноят содир этган шахсларни тезда аниқлаш ва фош этиш орқали жиноят процесси вазибаларининг самарали бажарилишини таъминлайди. «Шу маънода, экспертиза бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда»<sup>1</sup>.

Суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспер-

тизаси тўғрисида»ги қонуни<sup>2</sup> қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида эса суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда суд экспертизаси соҳасидаги тизимли муаммоларни комплекс ўрганиш ва ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш вазибалари белгилаб берилди<sup>3</sup>.

Ҳозирги кунда суд-хатшунослик экспертизаси ўтказиладиган жами экспертизаларнинг деярли 15 фоизини ташкил қилади,

---

---

унинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Суд-хатшунослик экспертизаси — криминалистик тадқиқотларнинг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича объектив ҳақиқатни очишда ёрдам беради. Мазкур турдаги экспертизалар орқали суриштирув ва дастлабки тергов органлари, фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича судларнинг фаолиятида фойдаланиладиган, ишнинг тўғри ва қонуний ҳал этилиши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга аниқлик киритилади. Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, «эксперт хатшунослик экспертизасини амалга ошириш жараёнида таққослаш тадқиқоти ўтказилади ва аниқланган барча белгилар баҳоланади. Жиноят иши материаллари ва ҳужжатларининг дастлабки тадқиқотида аниқланган маълумотларда кузатилаётган ўхшашлик ёки фарқлар ўзаро солиштирилади, унинг моҳияти очиб берилади, белгиларни объектив ва ҳар томонлама ўрганиш асосида экспертиза олдига қўйилган саволларга жавоб берилади ҳамда якуний хулосалар шакллантирилади»<sup>4</sup>.

Эксперт томонидан таққосланаётган қўлёзмаларда ўзаро мос ёки фарқ қилган тегишли белгилар турғунлигини пухта таҳлил қилиш асосида аниқланган мослик ёки фарқларга баҳо берилади. Бунда фақат ҳар бир ёзув учун турғун бўлган белгилар айнанлик аҳамиятига эга бўлиши мумкин, баҳолашнинг ўзи эса умуман идентификацион экспертизанинг асосий назарий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Тадқиқот натижаларини баҳолашда эксперт белгиларнинг сифатга оид хусусиятинигина эмас, балки уларнинг такрорланиши ва қайта-қайта ишлатилишини математик статистика тажрибаларидан олинган маълумотларни қўллаган ҳолда ҳар бирининг идентификацион аҳамиятини сонли ифодада ҳисобга олади.

Ўхшаш белгиларни баҳолашда улар индивидуал мажмуани ташкил этиши аниқланган ўхшашликлар таққосланаётган қўлёзма матнлари бир шахс томонидан

---

---

бажарилган деган хулосани чиқариш учун етарли ёки етарли эмаслиги ҳақидаги масала ҳал этилиши лозим.

Эксперт шахсни ёзув белгилари бўйича идентификация қилиш учун ҳар бир ўхшаш белгининг аҳамиятини аниқлайди ва индивидуал мажмуага бу белгиларни киритиш учун асос бор-йўқлигини аниқлайди. Ёзма нутқ белгиларининг ўхшашлиги алоҳида тадқиқотларни таққослаш жадвалига киритиш, уларни солиштириш орқали баҳоланади.

Таъкидлаш жоизки, матндаги стилистик белгилар, агар ўзаро таққосланаётган матнларда ишлатилган мазмуни бўйича бир хил тузилишдаги гаплар аниқланса, тадқиқот учун аҳамиятли бўлиши мумкин.

Экспертиза жараёнида лексик белгиларни баҳолашда бир хил маъноли, турғун сўз ва иборалар мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Турли шахсларнинг қўлёзмаларида, лексик белгиларнинг ажратилган ўзига хослиги қанчалик кам учраса, уларнинг идентификацион аҳамияти шунчалик юқори бўлади.

Тадқиқот жараёнида грамматик белгиларни баҳолашда бир хил сўз ёки ибораларнинг, уларда бир хил хатоларнинг такрорланишига эътибор қаратиш, уларни аниқлаш муҳим.

Ёзувнинг ўзига хос кўникмалари ва топографик белгиларнинг мос тушишини баҳолаш, юқорида айтилганидек, ёзув ва ёзма нутқ билан боғлиқ. В.Ф. Орлова бу ҳақда шундай ёзади: «Мавжуд мос тушишларни баҳолашда бу ўзаро алоқани ҳисобга олиш шарт ҳамда қўлёзмаларнинг мавзуси ва мақсадли вазифасига, шунингдек ҳужжатларнинг бошқа ўзига хосликлари (қоғоз шакли, чизиқлар бор ёки йўқлиги, қўлёзма матнининг ҳажми ва ҳоказолар)га эътибор бериш керак»<sup>5</sup>.

Тадқиқот учун тақдим этилган матндаги ўхшашликларнинг турғунлигини текшириш фақат графикли материалнинг ҳажми катта бўлганида бажарилади ва агар ўхшаш белгилар турғун бўлса, улар идентификацион мажмуага киритилади.

Ёзувнинг ўхшаш умумий белгиларини баҳолаш таққосланаётган ёзувларни фақат бир гуруҳга киритишга имкон беради. Бу белгиларни баҳолашда уларнинг қўлёзмаларини бажариш шароитига ва ёзувчининг хоҳишига қараб ўзгартириш мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ёзувнинг барча умумий белгилари ўхшаш бўлганда ҳам қўлёзманинг бажарувчиси кимлиги ҳақидаги масаланинг ҳал этилишига имкон бермайди, чунки бунинг учун таққосланаётган қўлёзмаларда мавжуд хусусий белгиларни батафсил баҳолаш талаб этилади.

Ёзувнинг ўзаро ўхшаш хусусий белгиларини баҳолаш эксперт хулосасининг шаклланишида асосий аҳамиятга эга. Таққослашда аниқланган алоҳида ўхшаш хусусий белгилардан қўлёзма ижрочисининг ёзувини тавсифловчи аниқ маълумотлар мажмуаси пайдо бўлади. Агар тадқиқ этилаётган қўлёзмали матн ва намуналарда ажратилган белгилар мажмуаси индивидуал ва бетакрор бўлса, эксперт қўлёзма бир шахс томонидан бажарилган, деган хулосага келади.

Ижобий хулоса чиқаришга имкон берувчи ўхшаш белгиларнинг етарлилигини аниқлаш учун қуйидаги асосий белгиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1) идентификацион мажмуани ташкил этувчи белгилар тургунлиги бунда фақат барқарор ўхшаш белгиларгина аниқ хулосалар чиқаришга имкон беради. Эксперт ўхшашликларни баҳолаб, кўриб чиқиётган ўхшаш белги ёзувда доимий ёки доимий эмаслигини ва кузатилаётган ўхшашлик ёзув шароити таъсирида ёки бошқа сабабларга кўра тасодифий бўлишини аниқлаши лозим;

2) идентификацион мажмуага ёзувни бажарган шахснинг ҳаракатларини ифодаловчи ўзига хос ўхшаш белгилар киритилиши (ҳаракатнинг ўзига хослиги ўхшаш белгиларнинг ҳуснихат ёзувларидан оғиш даражаси билан ифодаланади. Белгилар ҳуснихат ёзувдан қанчалик фарқланса, идентификациялаш учун уларнинг аҳамиятини баҳолаш шунчалик осон бўлади);

3) белгилар мажмуининг етарлилиги (киритилган ҳар бир белгининг учраб туриш

частотасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, кўриб чиқиётган белги таҳлили учун олинган турли шахслар ёзувининг умумий сонига нисбатан кўрсаткичи учраб туриш частотаси ҳисобланади. Белгилар қанчалик кам учраса, улар эксперт хулосасининг шаклланишида шунчалик муҳим ва аксинча, айнанлик мавжудлиги тўғрисидаги ижобий хулосанинг асосига ёзувларда кўп учрайдиган белгиларни қўйиб бўлмайди);

4) ҳар бир белги мустақиллигининг ҳисобга олиниши (баъзан бир ёзувнинг ўзида умумий тавсифи ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида белгилар кузатилади, масалан, ҳаракатнинг умумий ўнг тарафлама тизимида «ъ» ва «ь» белгиларининг бир турдаги вариантлари ва улар орасидаги боғланишлар) ёки ёзув белгиларининг ўхшаш қисмлари (масалан «у» ва «д» харфларининг сатр ости элементларидаги ҳаракат шакли, «а» ва «д» харфлари айланасимон элементларидаги ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси жойлашиши кабилар) тез-тез биргаликда учраб туради<sup>6</sup>.

Фарқлар ўхшашликлар каби баҳоланади, ҳар бир белгининг нисбати эса алоҳида, сўнгра уларнинг бутун мажмуи якуний баҳоланади.

Эксперт қатъий ижобий хулосага келганида фарқланувчи белгиларнинг келиб чиқишини тушунтиришга мажбур бўлади. Фарқларни ёзувнинг вариацияга оид ўзгариши ёки ўзининг одатдаги тез ёзишини атайин ўзгартириш истаги билан тушунтириш мумкин. Шунингдек, фарқланувчи белгиларнинг пайдо бўлиши сабаби қўлёзма бажарилишининг гайриоддий шароитларида бўлиши мумкин.

Қатъий салбий хулоса таққосланаётган ёзувларда умумий фарқланувчи тургун ва энг аввало, хусусий белгилар топилган ҳолда чиқарилади. Эксперт қатъий салбий хулоса берганида фарқланувчи белгиларнинг келиб чиқиши юзасидан кенгайтирилган тушунтиришлар беришга мажбур бўлади.

Эксперт ҳар доим ёдида тутиши шарт бўлган, ҳар бир шахс томонидан бажарилган қўлёзмаларда фарқланувчи белгилар пайдо бўлишининг сабаблари қуйидагилардир:

–ёзувнинг вариациясига оид ўзгариши;  
–ёзувнинг атайин ўзгартирилиши;  
–ёзувнинг табиий ўзгариши (масалан, қўлёзма вақт бўйича узилиш билан ғайриоддий шароитда ёки ёзувчининг ғайриоддий ҳолатида бажарилганида).

Салбий хулоса беришда ўхшашликлар ёзувларнинг ўхшашлиги билан умумий турдаги хусусиятлар ёки гумон қилинаётган шахснинг ёзувига ўхшатишга ҳаракат қилиш билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Экспертнинг эҳтимолли хулосаси асосида икки мезон ётади:

– белгилар ва уларнинг идентификацион аҳамиятини баҳолаш, аниқланган белгилар мажмуасига эксперт томонидан қўйилган баҳо тўғрилигининг ишончлилиқ даражаси;

– аниқланган белгилар мажмуасининг илмий даражада асосланиши.

Шундай ҳоллар маълумки, эксперт аниқланган белгилар мажмуасини аниқ баҳолайди ва шу вақтнинг ўзида экспертиза олдига қўйилган саволга жавобни эҳтимолли шаклда беради. Бунда эҳтимолли хулоса, одатда, қуйидаги сабаблардан келиб чиқади: аниқланган мажмуа, бир томондан, идентификацион аҳамияти юқори бўлган белгиларга эга, иккинчи томондан, уларнинг сони ёзув материаллари ҳажми чеклангани боис, идентификация қилиш учун етарли эмас; аниқланган мажмуа, уларнинг идентификацион аҳамияти бажариш усули оддий бўлгани ва ёзув материалининг ҳажми бўйича арзимас бўлгани учун мос тушган белгилар кўп.

Бундай хулосаларда барча белгилар (уларнинг мажмуи) баҳоланади, фарқланувчи ёки ўхшаш белгиларнинг келиб чиқиши иложи борича ёритилади. Эксперт аниқланган маълумотларнинг тўғрилигига ишонса-да, аниқланган белгиларнинг миқдорига қараб ва бошқа объектив сабабларга кўра, қатъий хулоса бера олмайди. Агар эксперт таққослаш тадқиқотида аниқланган белгилар мажмуасининг тўғри баҳоланганига ишонч ҳосил қилмаса, мавжуд фарқланувчи белгиларни тушунтириб бера олмаса, асосли шаклда қўйилган саволларга жавоб беришнинг иложи йўқлигини маълум қилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хатшунослик экспертизаси жараёнида аниқланган фарқлар ҳажми белгиларнинг доимий турғунлиги нуқтаи назаридан фарқларнинг баҳоланишига, шунингдек улардаги мос тушиш хусусиятини ҳисоблашга асосланиши лозим. Фарқларни баҳолашда уларнинг келиб чиқиши ёзувнинг қандайдир ўзгариши билан боғлиқ эмаслигини аниқлаш муҳим. Шунингдек, эксперт ёзувларнинг ўхшашлиги натижасида ёки ўхшатиб ёзилиши мумкин бўлган ва ўзи аниқлаган алоҳида белгиларнинг мос тушишини тушунтириб бериши керак.

Шу сабабли эксперт аниқланган фарқланувчи ёки мос тушган белгиларнинг сони ва сифатига боғлиқ ҳолда айнанликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида қатъий ижобий, салбий ёки эҳтимолий хулоса қилиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: *Астанов И. Р.* Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2010.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги (2010 йил 1 июнь) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 22. – 173-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2761-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 76-м.

<sup>4</sup> Почерковедение и почерковедческая экспертиза / Под ред. В.В. Серегина. – Волгоград, 2007. – С. 27.

<sup>5</sup> *Орлова В. Ф.* Судебно-почерковедческая диагностика. – М., 2006. – С. 57.

<sup>6</sup> *Кошманов М. П., Кошманов П. М.* Идентификационные признаки буквенного, цифрового и подписного почерка: Учебное пособие. – Волгоград, 2006. – С. 81.

## ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ- ҲАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

**Аннотация.** Мақолада вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш жиноятини тергов қилиш методикаси таҳлил қилинган, уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч тушунчалар:** терговчи, суриштирувчи, вояга етмаган, катта ёшдаги шахс, тергов қилиш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик, тергов ҳаракатлари.

### Расследование вовлечения несовершеннолетних в антисоциальные поступки

**Аннотация.** В статье проанализирована методика расследования вовлечения несовершеннолетних в антисоциальные поступки, даны рекомендации по совершенствованию этой методики.

**Ключевые слова:** следователь, дознаватель, несовершеннолетний, человек пожилого возраста, антисоциальные поступки, правонарушение, следственные действия.

### Investigation of involvement of juveniles in antisocial actions

**Annotation.** The article analyzes the methods of investigation of involvement of juveniles in antisocial actions. The author gives recommendations on improvement of the methods.

**Key words:** investigator, interrogator, juvenile, middle age person, antisocial actions, offense, investigative actions.

Ёшларнинг баркамол авлод бўлиб шаклланиши мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унинг негизида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари белгиланган. Айнан мазкур нормалар талаблари асосида давлат органлари томонидан ёшларни тарбиялашга, айниқса, вояга етмаганлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда<sup>1</sup>.

Бугунги кунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари энг долзарб масалалардан бири бўлиб, жаҳон диққат марказидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, «ёшларнинг таълим олиши, тарбияси, жисмоний ва маънавий камол топиши, энг муҳими, уларнинг

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жаҳон андозалари даражасида ҳимоя қилинишига катта эътибор қаратилмоқда»<sup>2</sup>.

Маълумки, вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ муаммолар доимо жамоатчилик диққат марказида бўлган ва муҳокама қилинган. Чунки вояга етмаганлар хатти-ҳаракатларининг ғайриижтимоий хусусияти нафақат унинг ўша пайтдаги оқибати, балки келгусида уларнинг онги ва дунёқараши ўзгариши, уларда салбий одат ва кўникмалар юзага келиши билан ҳам хавфлидир.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг асосий йўналишларидан бири, вояга етмаганларни жиноий ва ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилувчи катта ёшдаги шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишдир. Катта ёшдагиларнинг салбий таъсири нафақат вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишига олиб келади, балки кўпинча уларда салбий хислатлар шаклланишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасида назарда тутилган жиноятларга терговчилар одатда асосий жиноят ишига «қўшимча» сифатида қарайдилар. Тадқиқотлар натижаларидан кўришиб турибдики, ушбу жиноятнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м. 1-қ.) тури суд-тергов амалиётида учрамайди. Суд-тергов амалиётида вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 127-м. 2-қ.) тури мавжуд бўлиб, бу ЖКнинг 127-моддаси билан қўзгатилган жиноятларнинг 14 фоизини ташкил этади. Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш, яъни ЖКнинг 127-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган жиноят эса 86 фоизни ташкил этади.

Шубҳасиз, вояга етмаганларни жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилган катта ёшдагиларнинг айбини исботлаш жараёни анча мураккаб. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бунга бир қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин: катта ёшдагилар ва вояга етмаганлар биргаликда содир этган жиноятларни тергов қилиш бошланган пайтда терговчи, қоида тариқасида, далилларни жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида қўлга киритади; кўпинча айблов фақат айбланувчининг ўзи ва ўсмирнинг бошқа далиллар билан мустақамланмаган кўрсатувларига асосланади, судда илгари берилган кўрсатувларнинг ўзгариши эса катта ёшдаги далолатчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси асосида айбсиз деб топилишига олиб келади<sup>3</sup>.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида берилган тушунтиришларга кўра, «агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда уни ЖКнинг 127-моддаси билан жинойий жавобгарликка тортиш мумкин эмас»<sup>4</sup>.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишнинг муаммолари қаторига вояга етмаган шахснинг катта ёшдагилар босими остида ўзининг фош қилувчи кўрсатувини рад қилиши, катта ёшдагиларнинг вояга етмаганларга руҳий таъсир кўрсатиши натижасида улар ўртасида юзага келадиган чигал муносабатлар, жиноят содир этишда тил бириктириш механизмининг батафсил таҳлил қилинмаслиги кабиларни киритиш мумкин.

Бу турдаги жиноятларни тергов қилишда терговчилар жиноятни содир этишда айбланаётган катта ёшдагиларнинг айбини исботлашни кўпинча дастлабки терговнинг яқунловчи босқичига қолдиришади, бу эса далилларнинг йўқолишига олиб келади. Шу билан бирга, дастлабки тергов жараёнида ўзини ўзи айблаш, бошқача айтганда, бировнинг айбини бўйнига олиш ҳолатини ҳам, албатта, ҳисобга олиш лозим. Чунки, жиноят содир этишга жалб қилинган ўсмир бировнинг айбини ўз бўйнига олиши ва ўзини жиноятнинг ташаббускори сифатида намойиш этиши мумкин. Бундай хатти-ҳаракатлар вояга етмаганлар психологиясига хос хусусиятлар билан боғлиқ бўлади ва ёши қанчалик кичик, ақлий ривожланиши қанчалик паст бўлса, шунчалик кўп намоён бўлади. Қолаверса, айрим ҳолатларда тергов органлари томонидан вояга етмаганларни жиноят ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилишнинг барча ҳолатларини аниқлашга, катта ёшдаги шахсларнинг жиноятда иштирок этганларнинг вояга етмаган ёшда эканлигини олдиндан билганлигини исботлашга жиддий эътибор қаратилмайди.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси бўйича жиноят ишларини қўзғатиш ва тергов қилиш амалиётини такомиллаштириш зарур. Шу маънода, республикамизда вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлик учун жавобгарлик амалиётини ўрганиш, уларга тайинланаётган жазоларнинг жиноятчиликка, хусусан вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган

---

---

жиноятларга қарши курашдаги роли, «вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилганлик учун жавобгарлик» тушунчасининг ҳуқуқий тавсифи, вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилганлик учун жавобгарликни фарқлаш (дифференциациялаш) муаммоларини ўрганиш натижасида бир қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Биринчидан, вояга етмаганни ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатни содир этишга жалб қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлашнинг асосий манбаини жабрланувчининг, яъни ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларга жалб қилинган вояга етмаганнинг кўрсатуви ташкил этади. Вояга етмаганни сўроқ қилишни дастлабки терговнинг бошланғич босқичида, жиноят иши қўзғатилгандан кейин дарҳол ўтказган маъқул. Бунда, энг аввало, вояга етмаганни жабрланувчи деб эътироф этиш, сўнгра эса сўроқ қилиш таклиф этилади. Катта ёшдагиларнинг вояга етмаганга нисбатан жинойий хатти-ҳаракатларини исботлаш учун, иложи борича, танишиш ҳолатлари ва давомийлиги, ўсмир ва катта ёшдагилар муносабатларининг хусусиятлари тўғрисида кўрсатув бериши мумкин бўлган гувоҳлар доирасини кенгайтириш лозим. Вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги дўстлари, танишлари, яқин қариндошлари, таълим муассасасидаги ўқитувчилари ва тарбиячилари гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, исботлаш базасини шакллантиришда вояга етмаган шахсларнинг бегоналар таъсирига тушиб қолишга мойиллигини аниқлай оладиган психологик-педагогик экспертиза тайинлаш ва ўтказиш, жалб қилишнинг зўрлик ишлатиш усуллари қўлланилган ҳолларда вояга етмаган жабрланувчига суд-тиббий экспертиза тайинлаш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Тактик нуқтаи назардан, сўроқ қилишни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: тайёргарлик

кўриш, сўроқ қилинувчининг эркин гапириб, терговчи берган саволларга жавоб бериши. Сўроқ қилиш тактикаси асосан вояга етмагандан иш бўйича унга маълум бўлган ҳолатлар ҳақида батафсил кўрсатув олиш мақсадида тактик-психологик усулларни тўғри танлаш ва қўллашдан иборат. Шу сабабли, сўроқ қилишнинг ҳеч бир босқичидан воз кечиш тавсия қилинмайди.

Кейинчалик қайта сўроқ қилишга йўл қўймаслик учун ҳам вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш лозим, чунки бундай ҳолларда кўрсатув ёд бўлиб қолади. Сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш вояга етмаганнинг психик ва жисмоний хусусиятлари, яшаш шароити, маиший ҳаёти ва тарбияси ҳақида етарлича тўлиқ маълумот тўплашни ўз ичига олади.

Учинчидан, вояга етмаганни сўроқ қилишда педагогнинг иштироки муҳим. Унинг энг асосий вазифаларидан бири бола ва терговчи ўртасида психологик алоқани таъминлашдир. Бундан ташқари, ЖПКнинг 121-моддаси биринчи қисми талабларига мувофиқ, 16 ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилишини таъминлаш керак.

Тўртинчидан, вояга етмаган жабрланувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганида терговчи (суриштирувчи) Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 122-моддаси биринчи қисми қоида-қаршиликлар бўлганида кўра, юзлаштириш ўтказишга ҳақли бўлади. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича катта ёшдаги шахс иштирокидаги юзлаштириш ўтказилганида, катта ёшдаги шахснинг зўрлик ёки бошқа йўллар билан салбий таъсир қилишига йўл қўймаслик учун қандай вазиятда бўлишидан қатъи назар, савол аввалло вояга етмаган шахсга берилиши керак. Агар вояга етмаган шахс катта ёшдаги иштирокчи ҳузурда ўз кўрсатувини тасдиқлашига ишонч ҳосил

---

---

қилишнинг имкони бўлмаса, юзлаштириш ўтказишдан воз кечиш керак.

Энг муҳими, юқорида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилигини, шунингдек

дастлабки тергов органлари томонидан вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш тўғрисидаги жиноят ишларини тергов қилиш амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2016. – Б. 11; Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 39. – 341-м.; Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 37. – 426-м.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 27. – 607-м.) ва бошқ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ёшлар иттифоқининг ййгилишидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 27 июль.

<sup>3</sup> Қаранг: *Поликашина О.В.* Расследование вовлечения несовершеннолетних в совершение преступлений и антиобщественных действий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 8.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Ж. 2. – Т., 2006. – Б. 225.

---

---

### **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати**

2017 йил 19 декабрда ИИБ Академиясида «**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик тизимини такомиллаштириш масалалари**» мавзуси доирасида умумакадемик давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар Яққасарой ва Мирзо Улуғбек туманлари маъмурий ишлар бўйича судьялари ҳамда Академия профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлари, раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети тингловчилари ҳамда кундузги таълим курсантлари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида таъкидланган масалалар, жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда мавжуд муаммолар, ички ишлар органлари томонидан маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш амалиёти, профилактика инспекторларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни таъминлаш фаолияти, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболларига доир маърузалар тингланди ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Тадбир жараёнида қилинган маъруза ва чиқишлар барча қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди ва қизгин баҳс-мунозараларга уланиб кетди. Давра суҳбати якунида амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.